# “ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР ТИЗИМИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ”

*мавзуидаги Республика илмий-назарий конференцияси*



74.58
О-43

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

# «ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР ТИЗИМИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ»

***мавзуидаги Республика илмий-назарий конференцияси***

«Сано-стандарт» нашриёти
Тошкент – 2012

TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI
DENOV FILIALI ARM
№ 3489

TerDU ARM
№ 2416

УДК: 37.013.42-06.053
КБК: 74.58
О-43 **«Олий таълим муассасалари маънавий-маърифий ишлар тизимининг ижтимоий-педагогик асослари»**/ – Т.: «Сано-стандарт» нашриёти, 2012 – 256 бет.

ISBN 978-9943-396-76-0 УДК: 37.013.42-06.053
КБК: 74.58

*Масъул муҳаррир*
**Ш.ТЎРАЕВ**

*Мазкур тўплам «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросига бағишланган бўлиб, «Вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимликларда маънавий-маърифий ишларни аниқ мезонларда баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш» мавзуидаги инновацион грант лойиҳаси доирасида тайёрланди. Тўплам Олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар ва ижтимоий педагогика масалаларига бағишланган илмий мақолалардан таркиб топган. Мазкур илмий мажмуа Республика Олий таълим муассасаларида замонавий тарбия, маънавий-маърифий ишларни самарадорлигини ошириш, аниқ мезонларда баҳолаш тизимини шакллантириш жараёнида ахборот хуружлари ва маънавий таҳдидлардан огоҳ этиш ҳамда миллий урф-одатларни сингдиришни илмий тадқиқ этади. Ушбу материаллардан илмий ва амалий фойдаланиш мумкин. Тўплам илмий ходимлар, ўқитувчилар, тарғиботчилар, магистрантлар, иқтидорли талабалар, бугунги глобаллашув шароитида миллий қоммиз, урф-одатларимиз, маънавиятимизни асраб-авайлашнинг долзарб масалалари билан қизиқадиган барча китобхонларга мўлжалланган.*

ISBN 978-9943-396-76-0

© «Сано-стандарт» нашриёти, 2012



# XXI АСР – ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ, ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЁШЛАР АСРИ

*М.ҚУРОНОВ – педагогика фанлари доктори, профессор,*
*З.АЗИМОВА – педагогика фанлари номзоди*

2012 йилнинг 16-17 февраль кунлари Тошкентда «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Мавзу жуда долзарб. Буни иштирокчилар сони ва таркиби тасдиқлади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Осиё Тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки намоиндалари, 8та халқаро ташкилот ва таълим жамғармалари, 48та давлатдан келган 270 нафар хорижлик вакиллар, жами қарийиб 1000 нафар иштирокчи Тошкентнинг «Маърифат маркази» симпозиумлар залини тўлдириб ўтиришди.

Президентимиз маърузасида иштирокчилар эътибори халқаро форумнинг бош мавзусига қаратилди. Кун тартибида таълим тизимини ислоҳ этиш масаласи. Таълим – замонавий давлатни изчил ва барқарор иқтисодий ривожлантиришнинг оддий шарти эмас, энг муҳим шарти сифатида кўрилмоқда. Бу новатор қараш таълимга бўлган анъанавий муносабатни ўзгартирди. Дунёнинг энг ривожланган давлатлари таълим, илмга асосланган модернизацияга таяниб бугунги даражага эришган. Демак, таълим-тарбия оила, мактаб, институт ичидаги локал масала эмас. Таълим ҳар бир давлат чегараси ичидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, технологик муаммоларни ечувчи калит. Барқарорлик, тараққиёт, модернизациянинг энг муҳим шарти.

Бу нажотбахш сўзларнинг 2008 йил бошланган молиявий-иқтисодий инқироз яралари ҳали битмаган 2012 йилда айтилиши алоҳида қизиқиш билан кутиб олинди. Чунки бу сўзлар Тошкентда – жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан ўзини мустаҳкам ҳимоя қилган Ўзбекистонда айтилди. Дунё инқироздан инграётган бир пайтда Тошкентда қурилган қасрда – «Маънавият маркази»нинг суперзамонавий симпозиумлар залида янгради!

XXI аср турлича сифатланмоқда. Бироқ, конференция иштирокчилари асримизнинг Президентимиз таъкидлаган яна бир сифатини ён дафтарларига ёзиб олишди: *XXI аср – рақобат асри!*

Бундай шароитда нима қилмоқ керак? Президентимиз маърузасида бу саволга ҳам аниқ-тиниқ жавоб берилди: **«Бундай шароитда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг ўсишини, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қўядиган давлатгина ўзини намоён эта олиши мумкин[1]».**

Қайси мамлакатнинг ёшларининг билими, маънавияти паст бўлса, бу мамлакат тараққий этмайди. Замондан орқада қолади. Чунки модернизациялаша ол-

[1] "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти". Халқаро конференция материаллари (февраль, 2012. Тошкент). –Т.: O'zbekiston, 2012. -184 б. 4-бет.

бир даврда эътиқоди заиф, маънавияти қашшоқ кимсаларнинг уларнинг қутқусига учраб, бадном бўлиши ҳам табиий ҳол саналади.

2. Ёвуз ниятли кимсалар ёшларимизнинг ички дунёсини қашшоқлаштиришга, уларнинг маънавиятини, эътиқодини сустлаштиришга, миллий анъаналаримизни йўқотишга зўр бериб уринмоқдалар. Бунда радио, аудио, газета, журнал, телевидениедан, интернет материалларидан максимал даражада фойдаланмоқдалар. Айниқса, улар илгари сураётган «оммавий маданият» остида миллатларнинг таназзули, инқирози ётганлиги ҳаммага маълум. Дунё тамаддунига кора зулукдек ёпишиб олган энг ёмон иллатлардан саналган «оммавий маданият» ва унинг остида яшириниб ётган ахлоқий бузуқлик, зўравонлик, индувидуализм, эгоцентризмдан каби ҳолатларни олдини олиш лозим. Бу йўлда биз учун энг ёрқин маёқ бу Юртбошимизнинг асарлари саналади. «Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча — қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади»[1], – деб ёзади Юртбошимиз. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур.

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ АСОСЛАРИ

*З.АЗИМОВА – АДУП ф.н.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларида «Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз – жамиятимиз аъзоларини, аввалambор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир» ва «Биз барча маърифий мамлакатларда бўлганидек, ғояга қарши ғоя билан курашиш тарафдоримиз» деб таъкидлаган эди. Президентимизнинг ушбу фикрларини амалга ошириш мақсадида барча жабҳаларда, жумладан, ижтимоий гуманитар фанлар соҳасида ҳам Республикада амалга оширилаётган маънавият ва маърифат бўйича тадқиқотлар ҳолатининг таҳлили асосида, унинг тарғибот-ташвиқот усулларининг самарадорлигини ошириш шакллари ва йўналишларини илмий таъминлаш вазифалари, бозор иқтисодиётига ўтишда маънавий-мафкуравий жараённинг ўрни, миллий бирлик, миллий ғоя, миллий мафкура, диний ақидапарастлик илдизларини ўрганиш ва бошқа илмий тадқиқотлар бошлаб юборилди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий ислоҳотлар жамиятимиз тафаккурини янгилашга қаратилган миллий қадриятларни тиклашни ва ўрганишни ҳамда халқ ичига ёйишни, умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириб, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айлантиришга қаратилган фаолиятни ташкил қилади.

[1] Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008, 116-бет.



Биз келажаги буюк давлатнинг фуқаролари сифатида истиқболни кўзламоқдамиз. Шу туфайли юртимизда, барча соҳаларда бўлгани каби маънавият соҳасида ҳам ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда давлат бош ислоҳотчи бўлиб чиқмоқда ва Президентимиз тегишли фармон, фармойишлар йўналишларининг ҳуқуқий, сиёсий пойдеворини асослаб бермоқда. Маънавият давлат сиёсатининг устувор йўналиши, деб эълон қилинди. Ваҳоланки, ҳеч бир мамлакатда маънавият мустақил соҳа сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарилмаган ва унга бунчалик аҳамият берилмаган. Маънавиятни такомиллаштириш, маънавий соҳага ғамхўрлик давлатимизнинг стратегик мақсадига айланди. Буни биз Юртбошимизнинг халқимиз орасида машҳур бўлиб кетган: «Маънавият ва маърифат намояндалари биласизларки, маънавиятнинг энг асосий ҳимоячиси Президент бўлади» деган сўзларидан ҳам англаб олсак бўлади.

Маънавият соҳасидаги энг муҳим қадамлардан бири Президентимиз томонидан имзоланган «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш ҳақида» ги Фармони бўлди. Хуллас, маънавият ва маърифат бошқа ижтимоий соҳалар орасида нуфузли ўрин эгаллади.

Маънавий ислоҳот мафкуравий, маданий-маърифий, ахлоқий-тарбиявий, демак, ижтимоий-педагогик жиҳатларини ҳам қамраб олади. Чунки, эски мустабид тузумдан мерос қолган, инсонлар психологиясидаги худбинлик, лоқайдликни қайта тарбия орқали йўқотишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шунингдек, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қурилишининг асосий мезони бўлган комил инсонни тарбиялаш, жамиятнинг маънавий асосини яратиш, маънавий ислоҳотнинг моҳияти ва мазмунини ташкил қилади.

Маънавий ислоҳот маънавиятимиз манбалари ва сарчашмалари бўлган маданий меросимизни истиқлол мафкурамизнинг асосий манбаларидан бири сифатида қараш билан биргаликда бу меросни ҳар томонлама холисона ўрганишни, унинг ҳозирги давримиз учун нихоятда аҳамиятли эканлигини назарда тутади. Шу билан биргаликда маънавий соҳа миллий қадриятларимизни тиклаш, уларни тўплаш, ўрганиш, халққа етказиб беришни маънавий сиёсатимизнинг пойдеворига айлантириш каби жиҳатларини ҳам қамраб олади.

Шу боис маънавий ислоҳот, миллий қадриятлар билан биргаликда умуминсоний қадриятларни мужассам тарғиб қила боришни назарда тутади.

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт янги босқичга кирганида бу жараёнларни ўрганувчи илмий йўналишлар ҳам, ўзгариб, янгиланади. Ҳозирги вазият барча ижтимоий соҳаларда бўлгани каби ёш авлодлар тарбиясида ҳам илмий ва миллий тамойиллар уйғунлигини тақозо қилмоқда. Ушбу вазифани амалга ошириш учун маънавият, тарбия масалаларини ўрганувчи, ўзгартирувчи янги ёндашувлар зарур.

Жаҳоннинг миллий мустақилликни қўлга киритган мамлакатлари ўз тараққиёт йўлларини белгилаб олиб, ҳар бири ўз халқининг миллий қиёфаси ва ўзлиги хусусида чуқур ўйлаб, миллийликни, миллий маънавиятни тиклашни бош вазифаларидан бири деб ислоҳотга киришганлар. Бизнинг давлатимиз ҳам халқимизнинг ўтмиш тараққиёти ва маънавиятини ҳисобга олиб, шуларга мос тарзда йўл танлади. Айниқса республика раҳбариятининг жамият маънавиятини юксалтириш борасидаги саъйи-ҳаракатлари ёшлар тарбиясини халқимиз

# ЎҚУВЧИЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИ ДИАГНОСТИКАСИ

*И.Охунов – АДУ*

Республикамиз таълим тизимида сўнгги йигирма йил мобайнида ёш авлодни ақлий, жисмоний ва маънавий камолотга етказишда туб islоҳотлар амалга оширилди.

Зеро, Президент И.Каримов таъкидлаб ўтганидек: «Бу мураккаб дунёнинг азалий ва абадий муаммолари, шу билан бирга, ҳар бир даврнинг долзарб масалаларига ҳар томонлама асосли илмий жавоблар топилган тақдирдагина маънавият олами янги маъно-мазмун билан бойиб боради. Бошқача айтганда, ҳар бир илмий янгилик, яратилган кашфиёт – бу янгича фикр ва дунёқарашга туртки беради, маънавиятнинг шаклланишига ўзига хос таъсир ўтказади».[1]

Жамиятимиз ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида янгиланишлар жараёни амалга оширилаётган бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол инсон қилиб тарбиялаш иши ҳар қачонгидан ҳам долзарб ҳисобланади. Бу масала Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Бу ўринда шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ўсиб келаётган ёш авлодга баркамоллигини, хусусан, ижтимоий жиҳатдан тарбиялаш бобида ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида эътиборга молик ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, ўқувчи-ёшларни ижтимоий руҳда тарбиялаш бобида бир қатор ютуқларга эришилмоқда. Айниқса, бу борада «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг амалга оширилиши эътиборга молик иш бўлди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ўсиб келаётган ёш авлодда фуқароликни тарбиялаш бўйича энг долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, фуқаролик тарбиясининг заминида алоҳида шахснинг ижтимоийлашув жараёни ётади.

Ўқувчи-ёшлар ижтимоийлашуви жараёни масаласи мамлакатимиз ҳамда хорижий мамлакатларнинг бир қатор педагог-психолог тадқиқотчиларининг илмий ишларида турли шаклларда талқин қилинади. Жумладан, М.Куронов, З.Курбанниёзова, З.Э.Азимова, Э.Ғозиевлар ёшларни ижтимоий ҳаётдаги ота-она, жамоа, ижтимоий муҳитнинг ўрнини илмий назарий жиҳатдан таҳлил этганлар.

Ўқувчиларнинг меҳнат фаолияти орқали ижтимоийлашуви жараёнини педагогик олимлардан У.Нишоналиев, Ш.Шарипов, Р.Джураев, П.Холматов ва бошқалар ўз ишларида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтганлар.

Ўқувчиларни ижтимоий фаолиятга тайёрлашни технологик ёндашувлар асосида ташкил этиш жараёнини проф. Ў.Толипов, Ж.Йўлдошев, Н.Сайидаҳмедов, Н.Азизходжаева ва бошқа олимлар таҳлил этишган.

Шундай экан, ўқувчилар ижтимоийлашуви жараёнига ўқитувчиларнинг ночизлик тайёргарлик даражаларини интеграл (яхлит) диогностика қилиш муаммоси муҳим аҳамият касб этади.

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008, 40-41-б.



# ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР

*Т.МАТИБАЕВ – с.ф.н.*

Таълим ва тарбия бериш жараёнида ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор беришнинг қиммати ва аҳамияти дастлаб унинг эртанги кунни таъминлаб берувчи куч эканлиги билан изоҳланади. Маълумки, маънавият халқнинг моддий ва маънавий ҳаёти, унинг тарихи билан жамият тараққиёти билан боғлиқ равишда ривожланади. Шунинг учун унда халқ донолигининг ажойиб намуналари, чуқур фалсафий фикрлар, кенг маънодаги ифодалар, мантиқий зийраклик ва кузатувчанлик намуналари кўп учрайди.

Ёшларимиз орасида тарихан эскирган баъзи урф-одатларни, қараш ва кўникмаларни, ғоя ҳамда тушунчаларни ота-боболардан қолган қадрият деб билиганлар, маиший турмушда ва ижтимоий ҳаётда уларга амал қилишни тўғри деб ўйлайдиганлар ҳам учраб туради. Ҳолбуки, бу термин ўтмиш билан боғлиқ ҳар қандай қолдиқ, моддий ва маданий мулк намуналарини эмас, балки ҳеч қачон эскирмайдиган, ҳамма замонларда инсоният хизматига яроқли бўладиган олий тушунчаларни ўзида мужассам этади. Унга берилган энг батафсил ва кенг қамровли таърифни Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асаридан топамиз: «Биз тарих синовларидан ўтган, миллий манфаатларимиз, бугунги ва эртанги орзу-интилишларимизга, тараққиёт талабларига тўла жавоб берадиган, йиллар ўтгани сари қадри ортиб борадиган ғоя ва тушунчаларни қадрият деб биламиз»[1].

Китобда илгари сурилган ғоялардан келиб чиққан ҳолда олий ўқув юрти талабаларининг дарсдан ташқари фаолиятига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– ижтимоий мослашув доирасини ташкил этиш ва талабаларнинг ижтимоий ҳаракатчанлигини кўрсатиш;

– бўлажак мутахассисларнинг касбий мослашуви учун зарурий шарт-шароитлар яратиш;

– ҳар бир талабанинг қобилияти, қизиқиши ва иштиёқларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

– уларга бўш вақтларидан унумли фойдаланишни ва дам олишни ўргатиш.

Ҳордиқ – инсоннинг енгилланиши, тикланиши, унинг жисмоний ва маънавий кучини кўпайтириш, дунёқарашини бойитиш, ижодий фаоллигини оширишни амалга оширишга мўлжалланган ва шу асосда режалаштирилган шахсий вақтнинг бир қисмидир.

Олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий тарбия жараёнини ташкил қилиш асосига илғор миллий, маънавий-ахлоқий қадриятлар ва мезонлар, халқ педагогикаси, маросимлар, байрамлар ва бошқалар қўйилиши мақсадга мувофиқ. Уларни ташкил этишда ва ўтказишда тарбия технологияларидан ёки интерфаол усуллардан фойдаланиш, шаклланаётган мутахассисда ўз юртига меҳр-муҳаббат, ватанпарварлик, касбий фидойилик ва садоқатни рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

[1] Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., "Маънавият", 2010 й., 71-бет.

моллари ва парранда ажратишга каратилган улкан ишлар хакида маълумот берадиган чикишлар ҳам шу тўпламдан ўрин олган.

Бугунги кунда дунёда «Ўзбек модели» деб ном олган тараққиёт йўлимизнинг асосий принципларининг дастлабки куртаклари сокин кабинетларда эмас, аксинча, ўша йилларда кескин сиёсий курашлар, баҳс ва тортишувлар жараёнида туғилиб, 90-йилларга келиб яхлит таълимотга айлангани ҳақида ушбу китобдаги чикишлар оркали ҳар томонлама тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Мустақиллик ғоялари кенг қанот ёза бошлаган, халқимиз озодлик ва эркинликка интилган бир пайтда юртимизнинг дадил қадамларини кўролмайдиган ғаразли кучлар собиқ Марказда ҳам, ўзимизда ҳам топилади. Бундай сиёсий ўйин ва фитналарга бир мисол сифатида 1991 йил 17-19 август кунлари – Ислом Каримов Ҳиндистон Республикасида расмий сафарда бўлган пайтда юз берган воқеаларни келтириш мумкин. Мамлакат раҳбарининг Ўзбекистонда эмаслигидан фойдаланиб, юртимиздаги айрим раҳбарлар ГКЧПнинг ноқонуний қарорларини қўллаб-қувватлайди, шу тарика ўзининг сиёсий ва маънавий қиёфасини кўрсатади. Фақатгина юртбошимизнинг мустаҳкам иродаси, оқилона ва вазмин сиёсати туфайли ГКЧП тарафдори бўлган сиёсий авантюристлар ўз қабиҳ ниятига етолмагани ҳам китобдаги чиқишларда ифодасини топган.

Афсуски, бугун вакт ўтиши билан ана шу воқеаларни кўрган-билган, уларга бевосита гувоҳ бўлган одамларнинг сони тобора камайиб бормоқда. Яқин тарихимизнинг машъум бир даврида содир бўлган бу воқеаларни билмасдан, уларнинг моҳиятини чуқур англамасдан туриб эл-юртимизнинг истиқлолга эришиш йўлидаги курашлар тарихини барча мураккабликлари билан тўлиқ тасаввур этиб бўлмайди. Шу нуктаи назардан қараганда, мазкур китобдан ўрин олган тарихий ҳужжатлар, нутқ ва маърузаларнинг бугунги ва эртанги кунимиз учун ўта муҳим аҳамиятга эга экани янада яққол аён бўлади.

Мухтасар айтганда, тўпламга киритилган ҳар бир чиқишни мутолаа қилиш жараёнида биз янги тарихимизнинг ўзимиз билмаган, англамаган яна кўплаб қирраларини янгитдан кашф этамиз, истиқлол моҳиятини, «тарихий бурилиш палласида халқ дарди, миллат қайғуси буюк шахсларни яратишини янада чуқурроқ англаймиз.

Шу маънода, Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби халқимизнинг сиёсий тафаккур хазинасига қўшилган бебаҳо ҳисса бўлиб, мамлакатимизнинг истиқлол тарихини ўрганиш ва англашда беқиёс тарихий аҳамият касб этади.

«Озодлик дарахти вақти-вақти билан ватанпарварлар ва босқинчиларнинг қони билан суғориб турилиши керак. Бу – унинг табиий ўғитидир», – деган экан Томас Жефферсон. Албатта, ўз давридаги муайян вазият тақозосидан келиб чиққан ҳолда айтилган бу гапга қўшилиш ёки уни рад этиш ҳам мумкин. Лекин дунёда биз билган бошқа бир ҳақиқат ҳам борки, уни улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий «Ҳақ берилмас – ҳақ олинур», деб ифода этганлар. Ҳақиқатан ҳам мустақилликка ҳеч бир миллат гулу райҳон билан қопланган текис, равон йўлдан кириб бормаган.

Балки, Жефферсон Ватан озодлиги учун тўкилган қон – муқаддас, қон тўкиб, Ватанни озод қилиш – буюк жасорат, демоқчи бўлгандир. Лекин бунда босқинчи ёки душманга қарши курашаётган инсоннинг ҳам қони тўкилади-да.



Тарих миллий озодлик учун курашнинг шу йўлини биларди. Лекин на душманнинг, на ўз халқининг қонини тўкмай, ҳеч кимнинг боласини етим қолдирмай Ватанини озод қилиш қийин. Бунинг учун шунча жон, шунча қон баҳосига тенг турадиган, ўз халқи ва Ватанига чексиз муҳаббат, улкан донишмандлик, шижоат, сиёсий маҳорат ва жасорат керак.

Маърифатли халқлар ўзларини озодликка олиб чиққан миллий қаҳрамонларини, саркарда ва йўлбошчиларининг номларини абадий эъзозлайдилар. Миллионлаб одамларнинг ҳаётини сақлаб, халқини озод қилган инсонлар дунёда бармоқ билан санарлидир. Минг-минг шукрки, Ўзбекистоннинг озодлиги миллионлаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлиш эвазига эмас, Юртбошимиз Ислом Каримовнинг буюк салоҳияти, мустаҳкам иродаси, қатъият ва матонати эвазига қўлга киритилди. Бу – миллий озодлик учун курашнинг жаҳон тарихидаги камдан-кам учрайдиган йўлидир, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

## МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ҒОЯСИНИ ЁШЛАР ОНГИГА СИНГДИРИШ

*М.ХАДЖИЕВА – ф.ф.д. УрДУ*

*Миллатлараро тотувлик* – миллий мафкуранинг асосий ғояларидан бири бўлиб, у муайян ҳудуд, давлатда турли миллат вакилларининг ҳамжиҳат яшаши, ҳамкорликда фаолият юритишини ифодаловчи тушунча. Ёки бошқача айтганда, миллатлараро тотувлик ғояси умумбашарий қадрият бўлиб, турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётида муҳим омилдир.

Миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликка рахна солувчи иллат, бу – тажовузкор *миллатчилик ва шовинизмдир*. Бундай зарарли ғоялар таъсирига тушган жамият беқарорлик ҳолатига юз тутиши муқаррар. XX асрда Европа халқларини асоратга солган ва айрим давлатларнинг таназзулига сабаб бўлган фашизм ёки миллий хусусиятлар билан ҳисоблашмаган ва сохта байналмилалчилик ғоясига асосланган коммунизм ғояси бунга яққол мисол бўлади.

Ўзбекистон ҳудудида қадим-қадимдан кўплаб миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат истиқомат қилиб келади. Улар ўртасида асрлар давомида миллий низолар бўлмагани халқимизнинг азалий бағрикенглигини кўрсатади.

Мамлакатларда кўп миллатлилик омили демократик ўзгаришларни жадаллаштириш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг, фуқаролар жамияти қурилишининг таъсирчан воситасига айланиб қолган.

Миллий муносабатларга зийраклик ва нозиклик билан ёндашмаслик, умуммиллий тамойилларга бироз эътиборсизлик ҳам тинчлик ва барқарорликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин. И.А.Каримов ўз фикрини давом эттириб, шундай ёзади: «Айни чоғда инсоният тарихида бунинг аксини, яъни кўп элатли давлатлардаги миллатлараро муносабатларда уйғунликнинг йўқлиги, бутун-бутун халқлар ва мамлакатларни анча орқага улоқтириб ташлаган ижтимоий-сиёсий фалокатларга олиб борганини кўрсатувчи мисоллар ҳам оз эмас. Зеро, кўп элатлилик нафақат айрим мамлакатларнинг, балки бутун-бутун минтақаларнинг ҳам ички сиёсий барқарорлиги

назорат йўқлигидан, шахснинг ҳукмрон ижтимоий гуруҳлар томонидан алдамчилик йўли билан бошқариш объектига айлантирилишида намоён бўлади. Бегоналашув аксарият ҳолларда инсонга психологик таъсир ўтказиш натижасида юзага келади. Бу жараён киши онгида муайян тарзда акс этади. Бунда шахс ижтимоий меъёрларни ёт ва ёвуз меъёрлар сифатида идрок этиши натижасида ёлғизлик ҳисси, лоқайдлик, бепарволик, бемеҳрлик, ишончсизлик ва ҳоказоларнинг кучайиши кузатилади. Бу ўз навбатида миллий ўзликка путур етказади.

Миллий ўзликни англамаслик, миллий қадриятларга нописандлик маънавий бегоналашувнинг бир кўринишидир. Биз бундай ҳолатларни олдини олишимиз, уларга қарши тизимсиз фаолият олиб боришимиз лозим.

## ЁШЛАРДА МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТГА ЁТ «ДЕМОКРАТИЯ ЭКСПОРТИ»ГА ҚАРШИ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*О.Х.БАЗАРОВ – Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази тадқиқотчиси*

«Демократия аввалambор маънавий мезонлар асосида бошқариладиган кучли ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти демакдир».[1]

**Ислом Каримов**

Маълумки, XX асрнинг 90-йиллари дунё харитасида янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлганлиги билан характерлидир. «Улар ҳозирги тил билан айтганда, социалистик ўтмишга эга бўлган, ўз сиёсий мустақиллигини тинч йўл билан қўлга киритган давлатлардир. Бу давлатлар мустақил ривожланиш ва ижтимоий муносабатларни янгилаш йўлига қадам қўйди»[2]. Дунёдаги бошқа мамлакатлар қаторида ўз мавқеини мустаҳкамлашга интилаётган, ўзининг мустақил тараққиёт йўлини танлаган ва тенглар орасида тенг бўлишга, жаҳон майдонида ўзига хос нуфузли ўринга эга бўлишга ҳаракат қилаётган давлатлардан бири Ўзбекистон Республикасидир.

Тоталитар тузум емирилгандан кейин, дунёнинг қутбларга бўлиниши барҳам топди. Лекин демократик асосларни қарор топтирмасдан ва мустаҳкамламасдан янги мустақил давлатларнинг хавфсизлиги ва барқарор ривожланишига эришиб бўлмаслиги маълум. Ҳозирги кунда дунёнинг 160 дан ортиқ давлатларида демократик тузумлар умумбашарий ва миллий қадрият сифатида қарор топган бўлиб, демократия инсоният ҳаёт тарзининг энг мақбул ривожланиш йўли эканини деярли барча эътироф этмоқда. Шу маънода, бизнинг мустақил давлатимиз ҳам ривожланишнинг ҳуқуқий демократик тамойилларига асосланган йўлини танлади. Истиқлолнинг дастлабки даврларидаёқ Президентимиз Ислом Каримов умумстратегик вазифани: «Пировард мақсадимиз – ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: "Маънавият". 2008. –Б. 108.
[2] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997, 3-бет.



этишдан иборатдир»[1] – дея белгилаб берган эдилар.

Бугунги дунёда мавжуд демократия ва демократик жамият тўғрисидаги илмий концепцияларда ҳам демократик жамиятнинг қиёфаси, асослари, шакл ва ривожланишининг умумэътироф этилган қонуниятлари ҳамда унинг ҳар бир давлат, халқнинг миллий-маънавий хусусиятлари билан боғлиқ жиҳатлари ўз ифодасини топмоқда. Шарқ ва Ғарб цивилизациялари туташган маконда тарихда биринчи бор умумэътироф этилган демократия тамойиллари миллий қадриятлар билан тўлдирилмоқда.

Жумладан, мустақил Ўзбекистонда ҳам демократик жамият қуриш жаҳонда эътироф этилган демократик тамойиллар ва қадриятларга таяниш билан бирга, унинг ўзига хос хусусиятларини миллий-маданий мероси, қадриятлари ва миллий давлатчилик анъаналарига таянган ҳолда янги жамият қуришга киришилди. Бу ҳақда Юртбошимиз: «...мен демократияни шубҳасиз барча учун умумий талаб ва принципларга эга бўлгани билан айни пайтда ҳар бир муайян мамлакатда демократик янгиланишлар халқ руҳиятини, тарих ва анъаналарини, фақатгина шу жамиятга, шу халққа хос бўлган жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилишини лозимлигини назарда тутяпман»[2], – деб эътироф этган эдилар. Дарҳақиқат, бугун мамлакатимиз ҳар томонлама демократик ривожланишни қўлга киритмоқда. Бу ривожланиш, демократик тараққиёт осонлик билан қўлга киритилаётгани йўқ, албатта.

Жаҳонда геостратегик кучлар мувозанатининг ўзгариши, айрим ривожланган давлатларнинг дунёга ҳукмронлик қилиш учун очиқдан-очиқ даъволари ҳамда Марказий Осиё минтақасида, жумладан, Ўзбекистонда ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилаётган янги ва анъанавий кучлар ўртасидаги геосиёсий рақобатнинг кучайиши жараёнида хавфсизликка таҳдидларнинг янги турлари вужудга келиши кузатилди. Шунингдек, сўнгги вақтларда айрим Ғарб давлатлари томонидан ўз миллий манфаатларини кенгайтиришда асосий воситага айланган «демократия экспорти» ва «ахборот хуружи» каби воситалар ҳам кўзга ташланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Марказий Осиё геосиёсий ва геостратегик аҳамияти ортиб бораётганлиги, улкан табиий-иқтисодий ва бошқа ресурс салоҳиятига эгалиги туфайли хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хатарлар сақланиб қолаётган минтақа сифатида ҳамон жаҳон ҳамжамияти диққат марказида бўлишига сабаб бўлмоқда[3].

Демократик жамият қуриш модели дунё халқлари томонидан умумэътироф этилган умумий принципларга эга. Лекин, демократик жамиятни «демократияни экспорт» қилиш орқали ҳам қуриш мумкинлиги тўғрисидаги концепция унинг қонунларига зид. Демократия, демократик жамият қудратли бўлиб кўрингани билан айни вақтда, бир қутбли дунёда ҳукмронлик қилиш даъвоси билан сиёсий майдонга чиқаётган айрим кучлар ундан ниқоб сифатида фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

Демократик тараққиёт йўлини излаётган ёки демократик жамият сари эва-

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997, 3-бет.
[2] Каримов И.А. Танлаган йўлимизнинг тўғрилигига ишончимиз комил. Россия оммавий ахборот воситалари муҳбирлари билан учрашув. –Тошкент, 1996 йил 16 февраль.
[3] Каримов И.А. Шанхай ҳамкорлиги ташкилотига аъзо давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида сўзлаган нутқ. //Халқ сўзи, 2007 йил 17 август.

люцион йўл билан бораётган халқларга демократияни экспорт қилиш йўли билан демократик жараёнларни тезлаштириш мақсадида ўзларининг сиёсий мақсадларини амалга ошириш учун «демократия» ниқобидан фойдаланишга уриниш ҳолатлари айрим нохушликларни келтириб чиқармоқда. Яъни «Алдагани бола яхши» деганларидек, бизнинг ёш давлат эканлигимизни билиб турган йирик давлатлар бизга демократия нима эканлигини «ўргатмоқчи» бўлишмоқда. Бу йўл билан улар Ўзбекистонни норасмий равишда бошқариш ва шу орқали унинг бойликларига эга бўлишни кўзлашгани маълум бўлиб қолмоқда. Аммо буни ҳамма ҳам англаб етаётгани йўқ.

«Демократия экспорти», номидан ҳам маълумки, бир давлатга бошқа давлатдаги мавжуд демократияни кўчириб олиб келиш, экспорт қилиш. Бу турли йўллар орқали амалга оширилади. Шулардан бири демократия олиб кирилиши керак бўлган давлат халқининг мавжуд тузумга нисбатан ишончини йўқотиш ва бу давлатда демократия мавжуд эмас дея ишонтириш орқали амалга оширилади. «Демократия экспорти» давлат мустақиллигини хавф остига қўяди. Инсон ва давлат муносабатларида мураккаблик юзага келади. Аста-секин давлат демократияни экспорт қилаётган ўзга давлатга иқтисодий-сиёсий, маънавий-маърифий қарам бўлиб боради[1]. Демократияни экспорт қилиш ва унинг оқибатларини фалсафий таҳлил қилар экан, фалсафа фанлари номзоди Ш.Тўраев шундай дейди: «Агар демократиянинг универсал модели экспорт қилинадиган бўлса, унинг коммунизмдан фарқи қолмайди. Коммунизмни экспорт қилиш қандай оқибатларга олиб келгани ҳаммага маълум»[2]. Қолаверса, бунинг натижасида мустақилликка путур етади. Яъни иқтисодий-сиёсий, маънавий-маърифий жиҳатдан қарамлик келиб чиқади. Бунга ёш авлодни ўз томонига оғдириш орқали, уларнинг ўз Ватанига, унинг ҳокимиятига нисбатан қарши тарбиялаш орқали эришилади. Бу эса ўсиб келаётган ёш авлодда «демократия экспорти»га қарши иммунитет ҳосил қилиш заруриятини келтириб чиқаради. Зеро: «яна ва яна бир бор халқимизнинг маънавий оламини бундай таҳдидлардан асраш, ҳозирги ўта мураккаб бир замонда халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятига етиб бориш, улар ҳақида холис ва мустақил фикрга эга бўлиш бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир.[3]

Жуда кўп ёшлар демократия деганда фақат эркинликнигина, баъзилари эса тенгликнигина тушунадилар. Яна кимлардир бошқа юртдаги демократияни қандай бўлса шундайлигича Ўзбекистонга кўчириб келтириш ҳақида фикр юритади. Шу маънода, ёш авлодга мамлакатимизда қандай демократия яратмоқчи эканлигимизни уқтиришимиз ҳам муаммони ҳал қилишда муҳим рол ўйнайди. Бу эса ёшларда «демократия экспорти»га қарши иммунитетни шакллантиришдан аввал уларга асл демократия қандай бўлиши кераклигини, унинг мазмун-моҳияти, «демократия экспорти» ўзи нима, ундан қандай мақсад кўзланганлиги, оқибати нималарга олиб келишини тушунтириш лозимлигини тақозо этмоқда. Мазкур муаммони ҳал қилиш зиёлилар қатламига, айниқса, педагогларга жуда катта масъулият юклайди. Шу билан бирга, мазкур муаммони ҳал қилишга оид тадқиқот олиб бориш ва натижасини амалиётга

[1] М.Қуронов. Бир тақдирга беш зарба. Тарғибот материаллари. Т., Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, 2011.
[2] Ш.Н.Тўраев. Ўзбекистонда демократик жамият қуришда миллий ғоянинг аҳамияти. Ф.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т.: ЎзФА фундаментал кутубхонаси. 76-бет.
[3] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: "Маънавият". 2008. 116-117-бетлар



тадбиқ этишдек долзарб масалани кун тартибига киритишимизга ҳам асос бўлади. Шундан кейингина биз уларга экспорт қилинаётган демократия ҳақида гапиришимиз мумкин ва шу мантиқан тўғри бўлади.

Хўш, «демократия экспорти»га қарши иммунитетни ҳосил қилиш учун нималар қилиш лозим?

Бунинг учун:

- аввало, ёшларда ҳақиқий демократияга оид тушунча ва кўникмаларни ривожлантириш;
- бошқа давлатларнинг демократия тўғрисидаги қараш ва ғояларини Ўзбекистонга тўлиқ кўчириб келтириш нотўғри эканлигини тушунтириш;
- Шарқ ва Ғарб демократиясининг ўхшаш ва фарқли томонларини ёритиб бериш;
- «демократия экспорти»нинг салбий оқибатлари ва ундан кўзланган мақсадни аниқ мисоллар ёрдамида очиб бериш;
- ёшлар ўртасида мамлакатимизда барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлат ва одил фуқаролик жамиятининг ўзига хос жиҳатларини ёритиб беришга оид турли хил тадбирлар ташкил этиш;
- Президент Ислом Каримов асарларида келтирилган демократияга оид маъруза ва нутқларининг мазмунини таҳлил қилишга қаратилган семинар, давра суҳбати, конференция ва тренинглар ўтказиш;
- ҳаётий воқеалар акс этган, образли (демократия экспорти таҳдидининг оқибатлари акс эттирилган) ҳужжатли фильмлар тайёрлаб, кенг ёшлар жамоаси эътиборига ҳавола қилиш;
- дарслик ва маъруза матнларига «демократия экспорти»нинг мазмун-моҳияти, мақсади, оқибати ва кўринишлари ҳақида мавзулар киритиш;
- Таълим муассасаларида олиб бориладиган маънавият ва ахборот соатларида мазкур масалага оид янгиликлар ва тушунчаларни, иммунитет воситаларини сингдириб бориш;
- радио ва телевидениенинг (кўпчилик тинглайдиган) каналлари орқали мазкур мавзуга оид эшиттириш ва кўрсатувлар тайёрлаш, босма (кўпчилик ўқийдиган «Даракчи» ёки бошқа шу каби) ОАВ ҳамда Интернет саҳифасининг ис. доменида қизиқарли, ёшлар эътиборини тортадиган мақолалар чоп этиб бориш (чунки ёшлар Интернетни энг ишончли ОАВ деб ҳисоблашади) лозим ва зарур.

Умуман, бу борада расмийликдан бир оз йироқлашишимиз, ёшларга ҳар бир нарсанинг мазмунини оддий, халқона тилда тушунтиришимиз ижобий натижага тезроқ эришишимизни таъминлайди. Чунки ҳозирги ёшларни турли зерикарли мавзулардан бездириш уларда акс тушунчаларни ҳосил бўлишига олиб келишини ҳам назардан четда қолдирмаслик керак.

Хулоса шуки, ёшларни «демократия экспорти» таҳдидига қарши руҳда тарбиялаш учун фақат таълим муассасасидаги мазкур йўналишга оид фанлар доирасидаги мавзулар билангина чекланиб қолмасдан, балки бошқа янги ижтимоий-педагогик усуллардан ҳам фойдаланган ҳолда ҳал қилиш мазкур муаммонинг ечимини осонлаштиришда, турли хатарларнинг олдини олишда ёрдам бериши шубҳасиз

суҳбатлари, тренинглар ва ҳ.к., усуллари: ишонтириш, намуна кўрсатиш, ўргатиш, машқ қилдириш, рағбатлантириш, иллатларга салбий муносабат билдириш, мунозаралар, кузатиш, тренинг, жамоавий ижодий фаолият, «мафкуравий вазият», ҳаракатли, тақлидли, ролли ўйинлар ва ҳ.к.лардан самарали фойдаланиш лозим.

Ўзбек оилаларидаги китобга муҳаббат, китобни асраб-авайлаб сақлаш ва китобхонлик халқимиз маънавий камолотида муҳим аҳамият касб этган фазилатга айланган.

Чунки кишининг ўзини-ўзи тарбиялашида китоб ҳам билим манбаи, ҳам ўзингизни кўриш, таққослаш, тақлид қилиш, мунозара юритиш, баҳслашишда маълум даражада кўзгу вазифасини ўтайди. Китобхонлик мушоҳада ва мулоҳаза юритиш иқтидорини шакллантиради, фикрни чархлайди, теранлаштиради. Таълимдан ташқари ишларда ёшларни китоб мутолаа қилишга даъват этиш, уларнинг китоблардан фойдаланиб ўз устида ишлаш имкониятларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Тарихий жойлар, осори атиқалар, ёдгорликлар, зиёратгоҳлар билан танишиб, уларни ўрганишга ўқувчи-талабаларни жалб этиш зарур. Бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, музейлар фаолиятини янада такомиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Музейларга ўқувчи-талабаларнинг ташрифини уюштириб бориш анъанага айланиши керак.

«Менинг давлатим», «Менинг халқим», «Менинг Ватаним», «Биз хеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам бўлмаймиз ҳам» ва шу каби мавзуларда турли маърифий тадбирлар ташкил этиб, уларда талаба-ўқувчиларнинг фаол иштирокини таъминлаш лозим.

Туман, шаҳар, вилоят ва республика маънавият-маърифат марказлари, олийгоҳлар, илмий текшириш институтлари, музейлар, саёҳат муассасалари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда ишлашни йўлга қўйиш зарур.

Музейлар, тарихий жойлар, завод-фабрикалар, санъат даргоҳлари, концерт заллари, театр, телевидение ва ҳоказоларга саёҳат дарсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Тарихий жойларга саёҳат ўзига хос маънавий-маърифий иш услуби бўлиб, ўқувчиларга ўрганилаётган объектни бевосита кўриш, кузатиш ва улар тўғрисида мукаммал, тўлиқ маълумотлар олиш имконини беради. Бу дарс афзаллигининг яна бир томони бўлиб, ўрганилаётган объект тўғрисида илгариги мавжуд билимларини тўлдириш учун қиёслаш, таҳлил қилиш шароитини яратади.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудий бирликларида сағалар, номлар, тарихий воқеалар, даврлар билан боғлиқ жойлар мавжуд. Улар кўча, тепалик, бино, сой, ариқ, қишлоқ, овул, маҳалла бўлиши мумкин. Саёҳатларни ўқув муассасасига яқин, ўқувчиларнинг яшаш жойларида уюштириш қатор қулайликларга эга.

Учрашувлар, танишувлар, кўргазмалар, кўрик-танловлар ташкил қилиш Миллий ғояни ёшлар онгига сингдиришда муҳим аҳамиятга эга. Миллий ғояни ўқувчиларга сингдиришда жамоатчилик вакиллари билан учрашувлар алоҳида аҳамиятга эга. Улар халқ севган адиблар, санъат усталари, ҳуқуқ органларининг вакиллари, Ватан қаҳрамонлари, ҳарбийлар, солиқ, меҳнат бўлимларининг ходимлари, сиёсий партияларнинг вакиллари, олимлар, сиёсатчилар ва спортчилар бўлиши мумкин. Бундай жамоатчилик вакиллари билан учрашувлар ҳаёт тажрибалари хусусида жонли мулоқот юритишга имкон беради. Улар билан мулоқот орқали ўқувчи-талабалар ўзларини қийнаётган, қизиқтирадиган



саволларга бевосита жавоб оладилар. Уларнинг ҳаёти ва фаолияти Ватан учун хизмат қилиш ғоясига яққол мисол бўлиб, ўқувчиларни ана шу йўсинда яшашга ундайди.

Фан бўйича тўгараклар ташкил этиш ва уларнинг муттасил ишлашини таъминлаш Миллий ғояни ўқувчилар онгига сингдиришда муҳим таълим-тарбия жараёни ҳисобланади.

Тўгараклар ва ёшлар клубларида кўрик-танловлар ёки конференциялар, фотосуратлар, альбомлар, расм чизиш, кашта, сўзана ва бошқа миллий ҳунармандчилик ишларини намойиш қилиш билан ҳам Миллий ғоя тушунчалари сингдирилиши мумкин.

Ёшларнинг тўй-маъракаларда, оммавий сайиллар, байрамларда иштироки асосида маҳаллада ўзини тутишни, каттага ҳурмат, кичикка иззатни, яхши-ёмон кунларда елкадошликни ҳис қилишни ўргатиш орқали Миллий ғоянинг асосий тамойилларидан бўлган миллий ва умуминсоний қадриятларга муносабатни шакллантиришга эътибор қаратиш лозим.

## МИЛЛИЙ ҒОЯ КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*О.ХОДЖАЕВ - ҚДПИ*

Ўзбекистонда миллий давлатчиликнинг қарор топиши ва такомиллашуви бир қатор ижтимоий сиёсий муаммолар билан узвий боғлиқ бўлади. Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни ҳал қилиниши, диний қадриятларимизни тикланиши, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши ва бошқалар, шубҳасиз, мамлакатимизда кучли жамият шаклланишини таъминловчи муҳим ва тарихий аҳамиятга молик омиллардир.

Миллий ғоя ривожланиши кучли жамият шаклланиши жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, миллий ғоянинг ривожланиши миллат маънавий тараққиётининг даражаси билан ҳам белгиланади. Демак, миллий ғоя ва миллий мафкура баркамол ижтимоий онг ва умуман маданият ривожланишининг маҳсули сифатида юзага келади ҳамда кучли фуқаролик жамияти тараққиётига хизмат қилади.

Миллий ғоя халқнинг ўзлигини англатувчи, миллий ҳис-туйғуларини уйғотувчи, миллий ғурур ва ориятини кўзғатувчи, унинг қадр-қимматини тикловчи, ижодкор ва яратувчанлигини рўёбга чиқарувчи, жамият тараққиётини инсонпарварлик йўналишига етакловчи куч сифатида намоён бўлади. Миллат, давлат, юртнинг қадр-қимматини юксалтиради, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маънавий салоҳиятини юзага чиқаради. Шу маънода, миллий ғоя ўзбек миллатининг ўзига хослиги нимада эканлигини асослаб берувчи назарий ва фалсафий қарашлар тизимидир[1].

Миллий ғоянинг асосий таянч нуқтаси ҳам, ҳаракатга келтирувчи, уйғотувчи кучи ҳам миллий ўзликни англашдир. Миллат ўзини халқ сифатида, миллат

---

[1] Қаранг: Тўраев Б., Раҳимов Ж. Миллий истиқлол ғояси: асосий хусусиятлари, фалсафий ва тарихий илдизлари. –Т.: Ижод дунёси, 2002.-76 б.

сифатида, эл сифатида англамагунича унинг обрўйи, қадр-қиммати, ор-номуси ҳақида қайғуриши, миллий фахр ва ғурури ҳақида куйиниши мумкин эмас. Ўзликни англаш халқни ғафлатдан уйғотувчи, фаол ҳаракатга келтирувчи, ижтимоий уюштирувчи кучдир[1].

Ўзликни англаш – тарихни билишдан бошланади. Тарих – бу инсониятнинг, миллатнинг ижтимоий хотираси, унинг ўз-ўзини билиши ва англашидир. Зеро, ўтмишни билиш ҳозиргини яратиш учун беқиёс аҳамиятга молик. Ижтимоий ҳаётни тушунишдаги биринчи қадам ҳозирнинг ўтмиш томонидан яратилганлигини тасаввур қилиш билан боғлиқдир. Тарихий хотирасидан жудо бўлган халқ ўзини миллат сифатида англай олмайди, миллатнинг манфаат ва эҳтиёжларини қалбан ҳис қила олмайди. Бинобарин халқимиз тарихига, унинг тарихий хотирасига таянган миллий ғоя ҳам рационал, ҳам иррационал моҳиятга эга бўлиб, у миллий руҳият, ички уюштирувчи, йўналтирувчи, ҳаракатга келтирувчи, етакловчи ҳис-туйғу ҳисобланади[2]. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, миллий ғоянинг ривожланиши ва демократик жамият шаклланиши билан, диалектик алоқадорлик мавжуд. Ўзбекистонда шаклланаётган демократик давлатнинг юксак тараққиёт босқичларига эришишидан, алоҳида олинган шахс ёки ижтимоий гуруҳлар эмас, балки бу ҳудудда яшаётган миллати, диний эътиқодидан қатъий назар барча кишилар манфаатдордирлар. Шунинг учун ҳам, демократик ислоҳотларнинг ҳаётийлигини унинг объектив заруриятлигини, Ўзбекистонни ўз ватани деб билган барча халқ ва этник бирликларининг, хусусан, ўзбек халқининг маънавий маърифий даражаси интеллектуал салоҳияти белгилайди.

Демократик давлат, кучли жамият шаклланишида миллий қадриятларимизнинг тикланиши ҳам асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Шу нуқтаи назардан, халқимизнинг миллий тикланиши масаласи Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб, динимизга ва тилимизга қайтиш, уни тиклаш, ижтимоий мавкеини ошириш учун курашдан бошланганлиги ҳам, мамлакатимизда илк демократик тамойилларни жорий этиш, кучли жамиятни қарор топтириш жараёни билан боғлиқ бўлади. Миллий онг, шунингдек тафаккур тараққиётисиз миллий ғоя ва мафкура мавжуд бўла олмайди. Демократик жамият ижтимоий онг ва тафаккурнинг демократлашувини тақозо қилади.

Айни пайтда, фуқаролик жамиятининг шаклланиши демократик тамойиллар асосида амалга ошади. Кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш жараёни, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти тамойилларининг ижтимоий амалиётдаги бирлиги сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам, Президент И.Каримов демократик ўзгаришларнинг янги йўналишларига ўтиш даврини қуйидагича талқин этади: «Ҳақиқатдан ҳам демократия – фақат назария ва сиёсий жараён бўлиб қолмай, шу билан бирга, халқнинг турмуш тарзи ва унинг бутун руҳияти, анъаналари, маданияти психологиясининг хусусиятлари ҳамдир. Демократия ғояларини баён қилиш мумкин, сиёсатда демократияни юқоридан тузиш мумкин. Лекин бу билан демократия биз-у бизнинг амалий ҳаётимизга сингмайди. Демократия жамиятнинг қадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоғи керак. Бу эса, бир зумда бўладиган иш эмас. Халқнинг маданиятидан жой ололмаган демократия

[1] Қаранг: Тўраев Б., Рамазон Ж. Миллий истиқлол ғояси: асосий хусусиятлари, фалсафий ва тарихий илдизлари. Т.: Иқбол дунёси. 2002. – 76 б.
[2] Қаранг: Ўша жойда.



турмуш тарзининг таркибий қисми ҳам бўла олмайди»[1].

Фуқаролик жамиятининг асосий вазифаларидан бири - бу тараққиёт стратегиясини аниқ белгилаб олиш ва уни ҳаётга жорий этиш учун қаттиқ назорат олиб боришдан иборат бўлади. Ана шундай давлат кучли давлат бўла олади ва демократик жамиятни шакллантириш, демократик қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш жамиятимиз ривожланишининг бош концепцияси ва миллий равнақимиз асоси ҳисобланади.

Ўзбекистонда кучли давлат заминида шаклланаётган демократик фуқаролик жамиятининг асосий мақсадларидан бири, аввало, шахсларaро, миллатлараро, жамиятнинг барча ижтимоий қатламлари, давлат ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни уйғунлаштиришдан иборат.

Демократик жамият ижтимоий-сиёсий, мафкуравий ва ҳуқуқий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга тўлатўкис шароитлар яратиб беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишида ёрдам беради. Айни пайтда, жамият аъзоларининг турли шароитларда ҳуқуқ ва эркинликларини камситилишига йўл қўйилмайди.

Давлатимиз раҳбарининг асарларида халқимизнинг маънавий, маданий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, умуминсоний қадриятларга содиқлик масаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида қўлга киритилган энг муҳим ютуғимиз, бу аввало, ижтимоий-сиёсий барқарорлик бўлиб, уни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш эса, Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ фаровонлиги каби ғояларимизга қай даражада содиқлигимизга боғлиқ.

## МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МАРКАЗЛАР – ХАЛҚЛАР МАЪНАВИЙ ЯҚИНЛИГИНИНГ МАНБАИ

*С.ЁРМАТОВ – УрДУ*

Миллий-маданий марказлар – халқларнинг маънавий яқинлиги манбаидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида «Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», деб аниқ белгилаб қўйилган. «Ўзбекистон халқи» тушунчаси мамлакатимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик учун маънавий асос бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари Конституциямизда «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади», деб таъкидланган. Бу борада ҳаётимизда кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизда 136 миллат, элат, халқ ва этник гуруҳларнинг вакиллари яшайди. Уларнинг ҳар бири ўз миллий маданий урф-одатлари, анъаналари, тилига, конституциявий ҳуқуқий тенгликка эга.

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.-Б. 185.

Республика Байналминал Маданият Маркази (РБММ) ва миллий маданият марказлари (МММ)нинг фаолияти бу ерда яшовчи халқларнинг миллий анъаналари, урф-одатлари ва маросимларини қайта тиклаш, маънавият ва маданиятни ривожлантириш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришга қаратилган. Турли миллатларга мансуб фуқароларимизнинг катта умумхалқ байрамларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш, мамлакат маданий турмушидаги шоғли воксаларни нишонлашда фаол иштирок этаётганликлари самимий саховат ва меҳр оқибат муҳитини яратмоқда. Бу муҳит бизга ягона оила туйғусини қайта-қайта хис этиш «Ўзбекистон умумий уйимиз» деган сўзлар замиридаги чуқур маъноки англаб олиш имконини беради.

Дастлабки миллий маданият марказлари корейслар, қозоқлар, яхудийлар, арманлар томонидан Республика вилоятларида 1989 йилда тузилди. Ўша пайтда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туриш мақсадида Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига биноан Маданият ишлари вазирлиги ҳузурида Республика миллатлараро маданият маркази ташкил этилди. Аммо бу марказларнинг чинакам ривожланиши ва равнақ топиши 1991 йилдан мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин бошланди. 1992 йилнинг январида Президент И.А.Каримовнинг ташаббуси билан Республика миллатлараро Байналмилал маркази қошидаги Маданият ишлари вазирлиги Республика «байналмилал маданият» марказига айлантирилди.

1992 йилда 12 та миллий-маданий марказ фаолиятини бирлаштирган бу жамоат ташкилоти – «Байналминал маданият» 2005 йилга келиб 120 та янги марказлар ишини мувофиқлаштириб келмоқда. Бугунги кунда яна шундай марказларни тузиш бўйича 15 та ташаббускор гуруҳ иш олиб бормоқда.

РБММ тўғрисидаги низомда унинг мустақил муассаса эканлиги белгилаб қўйилган. Марказ миллий-маданий марказларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади. Ўзбекистонда яшовчи миллий гуруҳларнинг маданий эҳтиёжларини қондиришда давлат идораларига ва жамоат ташкилотларига кўмаклашади.

Республика Байналминал Маданият Марказининг моддий техникавий база билан таъминланиши РБММ ва МММ ишларини фаоллаштирди, уларнинг бирлашуви ва самарали ҳамкорлик қилиши учун кенг истиқболлар очди.

Ўзбекистонда барча миллат вакилларига тенг ҳуқуқли муносабат давлат қонуни билан мустаҳкамланган. Бунинг ижобати мактабларимизда 9 та миллий тилда ўқитиш ишлари, 20 тилда оммавий ахборот нашрлари фаолият кўрсатаётганлигида кўринмоқда.

Мазкур миллий-маданий марказларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашдаги роли бекиёсдир. Миллий маданий марказларнинг асосий вазифалари 3 йўналишга эга:

1) Ҳар бир миллатнинг тили, маданияти, урф-одатлари ва расм-русумларини тиклаш, тарихий Ватан билан алоқа ва муносабатларни жонлантириш, миллий хис-туйғуларнинг намоён бўлишига кенг йўл очиш.

2) Мустақил Ўзбекистонни ўзининг ҳақиқий ватани деб билиш ва унга беминнат ҳамда садоқат билан хизмат қилиш.

3) Ватан билан муштарак ҳаёт кечириш, унинг маданияти, турмуш тарзи ва тилини ўрганиш, мустақил давлатга номи берилган миллат билан дўстликда, ҳамкорликда ва тотувликда яшаш.

Ана шу 3 йўналишда олиб борилаётган ишлар йил сайин янгидан- янги шаклларда, турларда, йўналишларда ранг-баранг бўлиб бормоқда. Шу жумладан:



– ўз миллий тарихини, маданиятини, тилини, урф-одатларини ўрганиш тўгаракллари ишламоқда;

– Ўзбекистон тарихини, маданиятини ва тилини ўрганиш тўгараклари фаолият кўрсатмоқда;

– миллий мусиқа, рақс ва ҳунар тўгараклари ўз ишини жонлантирмоқда;

– миллий байрам кунларига бағишлаб тадбирлар ўтказмоқда, фестиваллар ташкил қилмоқда;

– тарихий Ватанининг рассомлари, ёзувчилари, шоирлари, олимлари ва бахшилари, маданият ва сиёсат арбобларига бағишланган кўргазмалар ташкил қилинмоқда ва х.к.

Умуман, миллий маданият марказлари Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг ўз она тилида ўқиши учун кенг имкониятлар яратилгани, олий ўқув юртлари ва мактабларда бунга амал қилинаётгани, кўплаб тилларда газета ва журналлар чоп этилиб, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар олиб борилаётгани ва бошқа ишлар ҳам бу борада самарали фаолиятнинг яққол далилидир.

Қаердаки миллатлараро тотувлик ғоясининг аҳамияти англаб етилмаса, жамият ҳаётида турли зиддиятлар, муаммолар вужудга келса, бу жараён – тинчлик ва барқарорликка хавф солади. Бугунги кунда жаҳоннинг айрим минтақаларида содир бўлаётган миллий низолар шундан далолат бериб турибди.

Турли миллат вакилларининг ижодий тадбирлари, бадиий кўргазмалари, бир томондан, айни миллатнинг Ўзбекистон фуқароси сифатида ўз ўрни борлигини кўрсатса, иккинчи томондан, шу заминда яшовчи барча миллатларнинг Ўзбекистон халқи – Ўзбекистон фуқароси эканлигини намоён этувчи, мустаҳкамловчи миллий ғоя атрофида бирлашувига олиб боради.

Башарият тушунчаси турли хил миллатлар ва элатлар, шунингдек, турли дин ва ирққа мансуб инсонларни ўзига қамраб олади. Демак, ҳар бир инсон башарият ва айни вақтда ўз халқи, ўз Ватанининг фарзанди ҳамдир. Ҳар бир кишида ўз халқининг тили, руҳияти, анъаналари, қадриятлари барқ уриб туради.

Миллий ғоя ўз мазмун-моҳиятига кўра барча миллатларнинг умумий манфаатларини рўёбга чиқаради. Мамлакатда фуқаролараро ва миллатлараро тотувлик ҳамда ижтимоий барқарорлик муҳитини таъминлашга хизмат қилади.

Зотан, ҳар қандай полиэтник давлатда турли миллатлар ўртасидаги муносабатлар давлат ва жамият тараққиётига замин яратувчи омиллардан ҳисобланади.

## OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA I.A.KARIMOVNING «YUKSAK MA'NAVIYAT – YENGILMAS KUCH» ASARI O'QITILISHINING ASOSLARI VA UNING YOSHLAR TARBIYASIDAGI AHAMIYATI

*F.MIRSOLIYEVA – O'zDJTU*

Hozirgi kunda Oliy ta'lim muassasalarida, maktab va kollejlarda ma'naviy-ma'rifiy ishlar tizimini yo'lga qo'yish va uni rivojlantirish ishlariga alohida e'tibor berilmoqda. Bu ayni paytda zamon talabidir. Shu maqsadda o'quv qo'llanmalar yaratilib, turli xil metodik tavsiyalar ishlab chiqilmoqda. Bu yo'nalishga katta e'tibor

тизимини ривожлантириш бўйича босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида шаклланган замонавий тиббиёт масканлари бундай улкан ютуқларда муҳим омил бўлаётир[1].

Испаниялик шифокор, Мадрид шаҳри госпиталининг болалар жарроҳлиги бўлими бошлиғи Лоренса Бонни – Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида бўлиб ўтаётган операцияларда иштирок этиб, ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашмоқдамиз. Ўзбекистон шифокорларининг юксак маҳорати ва болалар саломатлигини асраш бўйича ёндашувларига ҳавас қилса арзийди, - дея таъкидлайди[2].

Хитой Халқ Республикасининг соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Лю Цзянь эса бу борада қуйидаги фикрларни билдирди: Бугун глобаллашув жараёни, тараққиёт шиддат билан илдамлаётган замон. Шу билан бирга дунёнинг айрим мамлакатларида рўй бераётган ҳар хил табиий офатларни, кўнгилсизликларни ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Қайсидир давлатда ишсизлик авж олмоқда, бошқа бирида турли хасталиклар хуруж қилмоқда. Ўзбекистонда эса, келажак ҳақида, ёш авлод тақдири хусусида улкан ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Симпозиум доирасида бир нечта даволаш муассасаларида бўлиб, у ерда яратилган шарт-шароит, малакали мутахассислар билан танишиб, бир олам таассурот олдим. Шундай эзгу ислоҳотларнинг ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилишида бош-қош бўлаётган Ислом Каримовга раҳмат. Ўзбек халқи ўзининг доно ва оқил раҳнамоси бошчилигида мамлакатнинг буюк келажагига мустаҳкам пойдевор яратмоқда. Бунга ишончим комил![3] Ушбу юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалар, тиббиёт соҳасида эътироф этилган ижобий натижалар она ва бола соғлиғини сақлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланганлигини яна бир карра исботлайди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, талаба-қизлар ўртасида кенг қамровли ишларни олиб бориш тақозо этилар экан, бу эса хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотларидан янада масъулият билан ўз вазифасига нисбатан ёндашувни талаб этади. Чунки, улар миллат таянчи тарбиячисидирлар.

---

[1] Б.Хидирова, И.Умарова, Н.Мансурова, М.Умарова. Ўзбекистоннинг тиббиёт соҳасидаги ютуқларига ҳавас қилса арзийди // Халқ сўзи. 2011 йил 25 ноябрь.

[2] Б.Хидирова, И.Умарова, Н.Мансурова, М.Умарова. Ўзбекистоннинг тиббиёт соҳасидаги ютуқларига ҳавас қилса арзийди // Халқ сўзи. 2011 йил 25 ноябрь.

[3] М.Жонихонов, С.Махсумов. Ўзбекистонда буюк келажак ва ёш авлод истиқболини ўйлаб кўрсатилаётган ғамхўрлик туфайли юксак натижаларга эришилмоқда // Халқ сўзи. 2011 йил 25 ноябрь.



# YOSHLAR MA'NAVIY-AXLOQIY TARBIYASI

*O.SUYAROV – TIMI*

Bugungi kunda yoshlarning ma'naviy-axloqiy tarbiyasiga katta e'tibor qaratilmoqda. Biz yoshlar ma'naviy-axloqiy tarbiyaning asosini tashkil qilar ekanmiz, uni jamiyat axloq me'yorlari talablari asosida yo'naltirishimiz va unga rahbarlik qilishimiz darkor. Yoshlar tarbiyasini har doim to'g'ri tashkil qilib, tasodifiy, stixiyali hosil bo'ladigan jarayonlar emas, balki mustaqillik ideallariga sodiq kishilarni tarbiyalashga erishishimiz lozim.

Yoshlarda ijtimoiy zarur sifatlarni tarbiyalashda jamoa muhim vosita bo'la oladi. «... Bizning yagona yo'limiz xulqni mashq qildirish va bizning jamoa esa - uning uchun gimnastika zali hisoblanadi».

O'quvchilarni tarbiyalashda sinf jamoasi muhim rol o'ynaydi. Jamoa deganda o'quvchilar hayotini jamoaviy hayot talablari asosida tashkil qilishni tushunish kerak. Kishilarning maqsadsiz to'plami emas, ijtimoiy maqsad birligida tashkil qilingan jamoa kuchli tarbiya vositasi bo'la oladi. Jamoa hamkorlikdagi faoliyat oqibatida rivojlanadi. Shuning uchun jamoaning butun hayoti tarbiyaviy maqsadlarga bo'ysundirilgan bo'lishi lozim.

O'quvchilarning ma'naviy-axloqiy tarbiyasini maqsad qilib olgan tarbiyachi shunga muvofiq ular hayotini tashkil qila olishi lozim. Bunda asosiy «material» mustaqil mamlakatimizning ijtimoiy voqeligi bo'lishi kerak. Ya'ni, o'quvchilarning o'qishi, o'yini, mehnati mamlakatdagi ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, axloqiy, mafkuraviy jarayonlar bilan uyg'un olib borilishi lozim.

O'quvchilar jamoasida ma'naviy-axloqiy tarbiyalashni tashkil qilishda jamoa majlisi ham muhim vazifani bajaradi. Chunki unda jamoa hayotining xilma-xil masalalari muhokama qilinishi va ma'lum umumiy fikr ishlab chiqilishi mumkin. O'quvchilar jamoasi o'zining sermazmun hayoti va huquqlari doirasida o'z rivojlanishida tartib-intizomni mustahkamlab, har bir o'quvchi va butun jamoa faoliyatini nazorat qilish, tartibga keltirishni, ma'lum rejim asosida uni boshqarishni amalga oshiradi.

Jamoada bunday sifatlarni tarbiyalashda unda shakllangan jamoa fikri ham muhim vosita hisoblanadi. Jamoa fikrining shakllanishida undagi sog'lom ruhiy axloqiy muhit va tanqid, o'z-o'zini tanqid qilish muhim vosita bo'lib hisoblanadi. Jamoa fikri o'quvchilar xulq-atvoriga bir qator talablar qo'yadi. Bu talablar jamoa a'zolarining xulq-atvorida mustahkamlanib, uning odat va an'analariga aylanadi.

Bundan tashqari jamoa fikrining ta'sir kuchi bizning milliy xususiyatlarimiz bilan bog'liq. Ko'pchilik Sharq musulmon xalqlarida, ayniqsa, ular ichida o'troqligi, qadimiy tarixi, tili, madaniyati bilan ajralib turuvchi o'zbek xalqi milliy mentalitetida jamoaviy fikr o'ta katta ta'sir kuchiga ega. Buni jamoa bo'lib, turli tadbir - to'y, maraka, marosimlarni hamaslahat o'tkazish, mahalla-ko'yda uyushib yashash, farzandlar tarbiyasida ibrat-namuna va fidoiylik ko'rsatish kabi sifatlarida yaqqol ko'rish mumkin. O'quvchilar ma'naviy-axloqiy tarbiyasining ham maktab, sinf, ota-onalar, qo'shnilar, mahalladagilarning, eng avvalo, uyushganligi, ijobiy ibrat-namunasi, tajribasi muhim vosita bo'la olishiga shubha yo'q.

Jamoada shakllangan odat, tajriba, madaniy muomala asosida tarbiyaviy an'analar shakllanadi. An'ana tarbiyaviy jarayonda mustahkam o'rnashib kuchli tarbiya vositasiga aylanadi. An'analar ob'ektiv butun o'quv-tarbiya va o'quvchilar jamoaviy hayoti tarzi ta'sirining natijasi sifatida shakllanadi. Ammo o'quvchilar ta'lim-tarbiyasi bilan

рилиши керак. Ота-она фарзандини меҳр-муҳаббат билан тарбиялаши, кичкиналигидан китоб ва билим олишга бўлган қизиқишини шакллантириши лозим. Кенг дунёқарашга эга бола атрофдаги воқеа-ҳодисаларга нисбатан фикр юритади. Унинг оқ ва қоралигини яхшигина англайди. Юртига бўлган садоқати мустаҳкам бўлади. Истиқлол қадрини онгли равишда тушунади. Яқин ўтмишимиздаги воқеалардан тегишли хулоса чиқаради.

Ўшанда Республикамизнинг собиқ раҳбари Р. Нишонов Фарғонада бўлиб ўтган қонли тўқнашувларни хаспўшлаб, собиқ мустабид тузумнинг энг олий идораси бўлмиш СССР Олий Совети сессияси минбаридан «Бу бир тарелка қулупнай устида бўлиб ўтган оддий можаро», дея бутун дунёни чалғитган, энг ёмони Марказга яхши кўриниш учун ўз халқининг бошига тушган фожиани атайлаб яшириб, унинг манфаатларига хиёнат қилган эди.

Ўз халқини бундай оғир кулфатлардан, таъна ю маломатлардан халос этиш унинг озод ва мустақил ҳаётини таъминлашни ўзининг бош мақсади, фаолиятининг асосий маъно-мазмуни деб билган Ислом Каримов эса ҳақиқатни ўз номи билан атаб, жанжал-тўполонларнинг сабабини дадиллик билан очиб ташлайди: «Барча воқеаларнинг илдизи Фарғона водийсида яшаётган аҳолининг оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволи билан боғлиқ, десам, ўйлайманки, кўпчилик бу фикрга қўшилади». Ўша пайтда Президентимиз советлар сиёсатига қарши чиқди. Истиқлол сари қадамини тўғри ва дадил ташлай олди. Ёшлар бу ҳаракатларни тўғри баҳолай олади.

«Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобида истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ суд-ҳуқуқ тизимининг янги асосда барпо этилиши ва инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда қатор қонунлар бўйича кенг турда тўхталиб ўтилган. Бу мустақил мамлакатнинг асосий ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан ҳисобланади. Президентимиз буни вақтида англаб етди ва илк ибратли ишларни шунга йўналтирди. Албатта, мазкур китоб ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялайди, комил инсон сифатида шаклланишида дастурламал бўлиб хизмат қилади. У доим ёшларнинг истиқлол ғояси моҳиятини тушунишида кўмакчи бўлади, эзгу ишларга қанот бўлади. Ҳар бир ишимиз, сўзимизда миллий мустақиллик ғояси сингдирилган бўлиши лозим, тилимизда ва дилимизда ватан madҳи бўлиши керак. Мана шундай эзгу фазилатларни ушбу китобдан ўзимизга оламиз. Қалбимизда юртимга нафим теганмикин?» савали ўрнашади. Шу савол бизни ҳаракатга келтиради.

Ҳозирда китоб Республикамизнинг барча ўқув даргоҳларида махсус дарслик сифатида ўрганилиб келинмоқда. Бундаги кўзланган асосий мақсад эса ёшларга ватанимиз мустақиллигининг қандай қўлга киритилганлиги ва унинг аҳамиятини тушунтиришдан иборат. Асар орқали ёшлар яқин ўтмишимиз билан танишади, истиқлолимизнинг қадрини чуқур ҳис қилади, ҳар қандай хавфдан ўзини миллий мустақиллик ғояси билан ҳимоялашга ўрганади. Шундагина юртимизга ҳеч бир куч хавф сола олмайди. Негаки, эртанги келажак эгалари бўлмиш ёшларимиз онгида маънавий бўшлиқ бўлмайди. Маънавий етуклик, баркамоллик буюк келажак сари дадил одимлашга замин яратади.



# «ЮКСАК МАЪНАВИЯТ ЕНГИЛМАС КУЧ» АСАРИДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАР

*З.ЎТАНОВА, М.БАДАЛОВА АДТИ*

*Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно, ва албатта бахтли бўлишлари шарт.*
***Ислом Каримов***

Тарбия, айниқса, ёшлар тарбияси ҳар доим долзарб ва мураккаб жараён ҳисобланиши ҳаммамизга маълум.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан ёшларга ғамхўрлик давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бу борада «Ёшлар сиёсати тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди, ёшларимизга ўз истеъдодларини намоён қилиш учун имкониятлар эшиги кенг очиб берилди. 2008 йил Президентимиз ташаббуси билан «Ёшлар йили» деб эълон қилинган эди. Қолаверса шу йили бир қатор академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, янги мактаб бинолари барпо этилди.

Президентимиз ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида «... келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ...» лигини алоҳида эътироф этганлар.

Дарҳақиқат, истиқлол даврида барпо этилган, барча шарт-шароитларга эга бўлган билим даргоҳларида таҳсил олаётган, замонавий касб-ҳунар ва илм – маърифат сирларини ўрганаётган, ўз истеъдоди ва салоҳиятини эркин намоён этаётган ёшларимиз мисолида ана шундай орзу-интилишларимиз бугуннинг ўзида ўз ҳосилини бераётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Қолаверса ёшлар тарбиясида оилавий тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик учун авало ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни ўзаро ҳурмат, ахлоқ – одоб, инсоний муносабатлар асосида қуриш муҳимдир.

Буюк алломаларимиз асарларида ҳам қаҳрамонлар орқали ўзбек халқининг ўзаро муомала ва мулоқотлари, уларнинг ҳатто кичик фарзандларини ҳам «сизлаб» гапириши мисолида ота-боболаримизнинг оила маънавиятига катта эътибор берганлигини эътироф этиш мумкин.

Шу жиҳатдан қараганда, бугунги кунда ҳам юртимизда гўзал ахлоқ мезонлари билан яшаб келаётган оилалар мавжуд.

Фарзандларимиз нафақат жисмоний ва маънавий ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар етарли даражада яратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг «Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.[1]», – деган фикрларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Б.56

миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани нафақат ёшларни, барчамизни янада хушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир. Шу сабабли, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, «оммавий маданият» никоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалалари эътиборимиздан четда қолмаслиги керак.

Шунинг учун оила институтини жамиятнинг бошқа «муҳим ижтимоий тузилмалари, юртимиздаги маънавий ўзгаришлар билан уйғун тарзда ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш масаласига давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши сифатида доим эътибор бериб келинмоқда. Бир сўз билан айтганда оила жамиятнинг энг кичик бўғинидир, лекин барча масъулият оилада. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари оилада шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар, яхшилик ва эзгулик, олижанoблик ва меҳр-оқибат, ор-номус андиша каби илк муқаддас тушунчалар оила шароитида қарор топиши табиийдир.

Илмий кузатишлардан кўриш мумкинки, боланинг онги асосан 5-7 ёшда шаклланади ва айнан шу даврда боланинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўлади.

Шу ўринда фарзандларимизнинг бахт-саодатини, иқболи ва камолини кўришда нафақат оиладаги, балки маҳалла-кўйдаги одамларнинг хатти-ҳаракати келажак авлод, фарзандларимиз онгига қандай таъсир кўрсатиши ҳақида доимо ўйлашимиз ва бу борада зиммамизда катта масъулият борлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Бугун биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Буни чуқур англаб олган давлат, бундай хулосани чиқарган, халқаро ҳамжамият ва тараққий топган мамлакатлар қаторига қўшилиш учун ҳаракат қиладиган жамият, биринчи навбатда, униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама юксак маънавиятли, баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, энг муқаддас мақсад деб билади. Шуни эътироф этиш керакки, бугунги кунда биз меҳр билан тарбиялаётган фарзандларимиз комил инсон сифатида шаклланмоғи, биз барпо этаётган келажаги буюк давлатнинг ҳақиқий бунёдкорлари бўлмоғи лозим.

## ЖАМИЯТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА МАЪНАВИЯТ СОҲАСИДАГИ СИЁСАТНИНГ АҲАМИЯТИ

*Х.ОЧИЛОВ – ДЖКА тадқиқотчиси*

Ўзбекистон жамиятини модернизациялашнинг ҳозирги жараёнида изчил амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги билан диққатни тортмоқда. Негаки бу жараён қуйидаги йўналишларда амалга оширилаётгани маълум:



- давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш;
- суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишни чуқурлаштириш;
- ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш;
- сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш;
- фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш;
- демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш[1].

Табиийки, бу жараёнда *маънавият соҳасидаги сиёсат* асосий ғоявий тамал бўлиб хизмат қилади. Чунки мазкур сиёсатнинг асосий натижаси юрт тинчлигини мустаҳкамлаш ва Халқ фаровонлигини юзага келтиришни ташкил қилади[2]. Эътибор берилса, бу ғояларга қуйидаги хусусиятлар хос:

1) инсон ва жамият манфаатларини устувор билиш, ижтимоий адолатни рўёбга чиқариш;

2) тинчликпарварлик, ватанпарварлик ва халқпарварликни олий мақсад-муддао деб билиш;

3) халқ учун фаровон турмуш тарзи барпо этиш ва ҳ.к.

Бу ғоялар юқорида таъкидланган модернизация Концепцияси учун муҳим ижтимоий замин ҳозирлайди. Шу маънода маънавият соҳасидаги сиёсат жамиятни модернизациялаш жараёнида ғоявий уюшувчанлик, ижтимоий фаоллик ва фаолият самарадорлиги вазифасини бажаради.

Модернизациянинг самараси тараққиётни юзага келтириши билан баҳоланади[3]. Шундай экан, мазкур жараёнда мамлакатимиз учун маънавият соҳасидаги сиёсат қуйидаги жиҳатлари билан аҳамиятга эгадир:

- одамлар онгида миллий, умуминсоний ва демократик қадриятларни уйғун шакллантириш;
- одамларни ғоявий-ижтимоий иллатлардан (зўравонлик, боқимандалик, тўкинликка шўхлик, меъёрсиз индивидуализм кабилардан) муҳофаза қилиш;
- одамларни эркинлик, адолат ва тараққиёт руҳида тарбиялаш;
- жамиятда ҳуқуқий маданият, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва қонун устуворлиги даражасини ошириб бориш;
- ақлий, ахлоқий ва жисмоний тарбия уйғунлигини устувор даражада тарғиб қилиш;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида тенг ҳамкорлик ҳамда ўзаро тийилиб туришни таъминлаш;
- «Кучли давлатдан – кучли жамият сари» ҳаракатига ғоявий асос бўлиш ва ҳ.к.

Маънавият соҳасидаги сиёсат демократик ва либерал хусусиятга эгалиги билан жамиятни модернизациялаш жараёнини тезлаштиради. Бу сиёсат темурийлар давлатининг идеологларидан бири Ҳусайн Воиз Кошифий (1442-1505) иборасн билан айтганда, «мамлакатни қўлда тутиш ва ҳар кимни ўзига муносиб ўринга қўйиш»га асосланади[4].

---

[1] Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
[2] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б. 71-74.
[3] Скирбекк Г., Гилье Н. Фалсафа тарихи. –Т.: Шарқ, 2002. –Б. 690.
[4] Кошифий Ҳ.В. Футувватномаи султоний. Ахлоқи муҳсиний. –Т.: ЎзМЭ нашр., 2011. –Б. 261.

Тарих тажрибасидан ўтган бу икки қоида бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Негаки «мамлакатни қўлда тутиш» – бу миллий тараққиётни таъминлашда кучли ғоявий асосга таянишни ва «ҳар кимни ўзига муносиб ўринга қўйиш» эса одамларни лаёқати, меҳнати ҳамда фаолиятига кўра мазмунли ҳаёт кечиришга ўргатишни ифодалайди. Шу ўринда маънавият соҳасидаги сиёсатнинг икки аспекти намоён бўлади: 1) одамларга ўзлигини англатиш; 2) мамлакатни хуружлардан ҳимоя қилиш[1]. Бу жамиятни модернизациялаш жараёни учун кислороддир.

Маънавият соҳасидаги сиёсат тамаллари изчил ва мудом янгиланиб, сайқалланиб бориши билан жамиятни янгилашда қўл келади. Агар унга стереотиплик хос бўлганида жамиятни модернизациялашда ғоявий-ижтимоий асос бўла олмасди. Музкур масала аниқ идрок қилиниши шарт.

Зеро, жамиятни модернизациялаш жараёнида маънавият соҳасидаги сиёсат муҳим илмий-назарий ўрганиш ва амалий хулосаларга келиш олдимизда турган муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди.

## ТАЛАБАЛАРГА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ БЕРИШДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Х.А.ТЎРАҚУЛОВ – профессор*

Талабалар маънавий дунёқарашини кенгайтириш бўйича миллий-маънавий қадриятлар: шарқона урф-одатлар, анъаналар, маросимлар, улуғ мутафаккир-донишмандларимиздан бизга қолдирган маънавий мерослар уларнинг маънавий тарбияси бўйича, бой дидактик асос бўлади. Талабаларнинг улар бўйича оладиган билимлари, кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларда ота-боболаримиздан бизгача етиб келган бой маънавий меросини қай даражада тушуниб етганлигини аниқлашда ўта муҳимдир ва улар мактабга борганда ўз ўқувчиларининг машғулотларида самарали фаолият юрита олишида маънавий асос бўла олади.

Бундай маънавий асосларининг қамрови кенг бўлиб, уларга оид маълумотлар ҳажми ҳам жуда катта. Бу талабалар онгига бундай муҳим миллий-маънавий асосларни сингдириш ўта мураккаб педагогик жараён эканлигини кўрсатади. Шу сабабли бундай ҳолатларда илм-фан ва техника-технологияларининг ютуқларидан фойдаланиш керак бўлади.

Мазкур мақолада талабаларга миллий-маънавий тарбия беришда ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

Қўйилган муаммони ҳал этиш учун дастлаб ахборот-коммуникацион технологиялар ёрдамида талабаларнинг маънавий савиясини аниқлаш лозим бўлади. Бундан мақсад миллий-маънавий қадриятларимизни талабалар онгига сингдириб, уларнинг маънавий тафаккурини кенгайтиришдан иборатдир. Бу муаммо юзасидан бир қанча вақт мобайнида қуйидагича изланишлар олиб борилди:

- талабаларнинг маънавий билим доираси кенглигини аниқлаш;

[1] Шу жойда.



- талабаларнинг миллий қадриятлар тўғрисидаги билим доирасини аниқлаш;
- талабалар томонидан миллий қадриятлар бўйича назарий билимларни ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш;
- бу соҳадаги мавжуд билимларини ёшларга етказиб бериш технологиясини эгаллаганлиги ва шу кабилар.

Талабаларга миллий-маънавий тарбия беришни педагогика олий ўқув юртларининг ўқув режаси бўйича ўқитиладиган ҳар бир фанни ўрганиш жараёнида олиб борса бўлади. Ушбу соҳадаги кўп йиллик изланишларимиз натижалари ҳамда ўқув жараёнини ташкил қилишдаги ўқув режадаги фанлар ва уларга мос келувчи ўқув дастурларини ўрганиб чиқиш натижасида талабаларга миллий-маънавий тарбия бериш йўлларини тадқиқ қилишга эришдик ва бунда ахборот-коммуникацион технологиялар воситаларидан фойдаланиш ўзининг ижобий педагогик самараларини беришлигини кўрсатади.

**Ахборот-коммуникацион технологиялар**-бу талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштиришда мукаммал техник-дидактик восита бўлиб, у уларнинг амалий тафаккурини кенгайтириб ҳамда чуқурлаштириб, улардаги миллий-маънавий қадриятлар бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни юқори даражага кўтаради.

Ушбу соҳада қўлга киритилган натижалар шуни кўрсатмоқдаки, талабаларнинг миллий-маънавий тарбияси бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёнини қуйидагидек уч босқичда олиб бориш мақсадга мувофиқ экан:

**Биринчи босқич** - талабаларнинг миллий-маънавий қадриятлари бўйича тушунчалари компьютер ўқув-мулоқоти дастурларини қўллаш орқали шакллантирилади.

**Иккинчи босқич** - миллий-маънавий қадриятлар ҳақидаги тушунчаларни шакллантириш жараёнида зарур бўлган график билим ва малакалар компьютер ўқув-мулоқотли бошқарувчи (таълим берувчи) дастурлардан фойдаланиб шакллантирилади.

**Учинчи босқич** - миллий-маънавий қадриятлар тўғрисидаги билим ва малакаларга оид аниқ тушунчалар ва қоидалар ўқиш жараёни учун ишлаб чиқилган компьютерли тизим асосида шакллантирилади ва ривожлантирилади.

Бунда талабаларга миллий-маънавий қадриятлар ҳақидаги тушунчаларини компьютер ўқув-мулоқотли дастури асосида шакллантириш қуйидаги кетма-кетликда бўлади:

- мафкура;
- миллий мафкуранинг ҳозирги кундаги аҳамияти;
- қадриятларнинг турлари;
- миллий-маънавий қадриятлар йўналишлари;
- миллий-маънавий қадриятларни улуғловчи мақоллар;
- улуғ шоирлар ҳаёти, ижоди, асарлари ва уларнинг тарбиявий аҳамияти;
- улуғ ёзувчилар ҳаёти, ижоди, асарлари ва уларнинг тарбиявий аҳамияти;
- қомусий олимларнинг ҳаёти, ижоди, асарлари ва уларнинг тарбиявий аҳамияти;
- ҳадис илми соҳибларининг ҳаёти, ижоди, асарлари ва уларнинг тарбиявий аҳамияти;

Бу ҳолда миллий-маънавий қадриятларни ўрганиш алгоритми қуйидагича бўлади:

- **Миллийлик** – муайян бир халққа тааллуқли бўлган хислатлар, маънавий

бойликлар;

• **миллий қадриятлар** – муайян бир халққа тааллуқли бўлган урф-одатлар, анъаналар, ўша ва барча халққа тегишли бўлган маънавий бойликлар;

• **миллий қадриятларнинг асосий босқичлари**: тайёрлаш операциялари, ўзгартириш операциялари.

Биз ўз илмий изланишларимизни олиб бориш даврида компьютерли мулоқотдан фойдаланиш жараёнида шу нарсага амин бўлдикки, бунда ҳар бир талаба компьютер билан бемалол мулоқотга кириша олади ва миллий-маънавиятга бўлган қизиқишлари яна ортиб улардан тўлиқ фойдаланиш имкониятларига эга бўладилар.

Шундай қилиб, мустақиллик бой миллий-маънавий қадриятларни қайта тиклаш имконини берганлиги боис халқ таълими тизимида ҳам ижобий силжишлар юзага келмоқда. Мазкур илмий изланишларимиздаги миллий-маънавий қадриятларни талабалар онгига қай даражада сингдиришни таҳлили ва миллий-маънавий қадриятларни ўрганиш учун маълумотлар мажмуи ҳажми, шунингдек, бу соҳага ахборот-коммуникацион технологияларни қўллашнинг имкониятлари қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради:

• жаҳонга машҳур қомусий олимларимиз, ҳадис илми соҳибларимиз, шоир-ёзувчиларимиз, давлат арбобларимиз бор. Уларнинг ҳаёти, фаолияти, асарлари ҳақидаги маълумотларни тўплаш имкониятларимиз етарли. Уларнинг турмуш тарзи «Баркамол авлод тарбиясида» ибрат-намуна бўла олади;

• педагогик олий ўқув юртлари ўқув режаларида, хусусан «Халқ педагогикаси» курсида миллий-маънавий қадриятларни ўрганишга кенг эътибор берилган;

• бўлажак мутахассисларни тайёрлашда миллий-маънавий қадриятлар асосий ўринлардан бирини эгаллаши лозим. Буни ижтимоий-гуманитар, аниқ фанларни ўқитиш давомида ҳам олиб бориш мумкин;

• миллий мафкурамизни талабалар онгига сингдиришда, миллий қадриятларни ўрганишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг тўлиқ вақти-соати етиб келди;

• ҳар қандай билим, кўникма ва малакаларни эгаллашни такомиллаштиришда ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш шубҳасиз ижобий педагогик самараларини беради. Айниқса, бунда компьютерли мулоқотли дастурлардан ҳар қандай билим савиясига эга бўлган киши фойдаланиши мумкин.

• бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг миллий-маънавий тарбияси бўйича яратилган ахборот-коммуникацион технологиялардан бошқа йўналишдаги бўлажак мутахассислар маънавий тарбиясида ҳам фойдаланиши мумкин.

## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТИЛ БИРЛИКЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ

*Ҳ.БОҚИЕВА – ТДПУ*

Кишилар тил воситасида ўзаро муносабатга киришадилар. Тил воситасида алоқага киришиш жараёни нутқ саналади. Демак, кишилар нутқ жараёнида тил бирликларидан фойдаланади. Кишилар нутқи қай даражада тил бирликларига бой бўлса, борлиқ ва жамият ҳақида ҳам кўпроқ тушунчага эга бўлади. Психологлар-



нинг аниқлашича, нутқни эгалламаган боланинг ақлий камолоти ҳам жуда паст даражага тушиб қолади. Профессор Н. Маҳмудов таъкидлаганидек: «Нутқнинг бой ва камбағаллиги унда тилнинг бир-биридан фарқ қиладиган унсурлари (сўзлар, маънолар, интонация, синтактик тузилмалар, иборалар ва ш. к.)дан қай даражада фойдаланганлик билан белгиланади. Айни бир тил унсури нутқда қанчалик кам такрорланган бўлса, бу нутқнинг бойлик даражаси шунчалик юқори бўлади ёки, аксинча, муайян тил унсурининг такрори кўп бўлган нутқ камбағал ҳисобланади ва унинг таъсири шунга яраша бўлади»[1]. Инсон фикрларини ички ва ташқи нутқ шаклида сўзлар ва жумлалардан фойдаланиб ифода этади. Демак, инсон ҳар қандай нутқий жараён учун тил бойликларини ўзлаштириши зарур. Тил бирликлари кишилар билан мулоқотда, таълим-тарбия ва мустақил равишда китоб мутолаа қилиш жараёнида ўзлаштирилади.

Бошланғич синфда она тили таълими жараёнини суҳбат, мунозара шаклида ташкил этишнинг юқори самара бериши бежиз эмас. Ўқитувчи нутқидаги тушунарлилик, аниқлик, тўғрилик, мазмундорлик у қўллаган тил бирликлари билан бевосита боғлиқ. Ўқувчилар суҳбат жараёнида ўқитувчи қўллаган сўз ва ибораларни ўз бойлигига айлантиради. Нутқий жараёнда ифода этилган нутқ ҳақида Т. Алиматов шундай деб ёзади: «Ҳар қандай грамматик қоидаларга амал қилинган нутқни тўғри дейиш мумкин-у, аммо у чиройли ва яхши нутқ бўлмаслиги мумкин. Чиройли гапириш грамматик қонун-қоидаларга амал қилишдан ташқари, мавзуга мос келадиган лексемалардан ўринли фойдаланиш ҳамдир»[2].

Психолог Ф. Н. Гоноболиннинг фикрича, «Кичик ёшдаги ўқувчилар ёрқин, образли ва эмоционал нутқни яхши идрок қиладилар»[3]. Нутқ ўқувчиларга фақат маълумотларни етказиш учунгина хизмат қилмасдан, уларнинг ҳиссиётларига ҳам таъсир ўтказиши лозим.

Ўқитувчи таълим жараёнида нутқ сифатларига алоҳида аҳамият бериши ва унга амал қилиши талаб этилади. Жумладан, нутқнинг лексикаси – луғат таркиби бир хилдаги сўзлардан иборат бўлиб қолмаслигига эътибор қаратилиши зарур. Ўқувчи кўз олдида тилнинг ранг-баранглиги намоён бўлиб туриши унинг маълумотларга бўлган қизиқишини ҳам оширади.

Ўқувчи ҳар куни дарслик устида ўқитувчи раҳбарлигида ва ўзи мустақил равишда ишлайди. Шундай экан, дарсликдаги ўқув материалларида қўлланадиган сўз ва иборалар аниқ, тушунарли, таъсирчан бўлиши лозим. Ҳозирги кунда амалда бўлган она тили дарсликларидаги ўқув материаллари лексикасига эътибор қаратадиган бўлсак, уларни талаб даражасида дейиш қийин. Она тили дарсликларидаги матнлар лексикасига қандай талаблар қўйилиши ўринли бўлади, деган саволга аниқ жавоб йўқ.

Бизнингча, она тили дарсликларидаги матнлар лексикаси грамматик мавзуга доир атамалар, ҳодисаларнинг қўлланиши ҳамда ўқувчи нутқига киритилиши лозим бўлган тил бирликлари нуқтаи назардан белгиланиши лозим. Амалдаги она тили дарсликларида биринчи масала қониқарли аҳволда. Лекин иккинчи масала алоҳида ўрганишни тақозо этади. Ўқувчилар нутқига киритилиши лозим бўлган сўзлар ва уларнинг миқдорини аниқлашда дастур талаблари эътиборга олинади.

---

[1] Маҳмудов Н. Нутқ бойлиги. // Умумфилологик тадқиқотлар: муаммо ва ечимлар. -Жиззах, 2011, 22-бет.
[2] Алиматов Т. Адабий тил рамзи ва нутқий жараён. // Умумфилологик тадқиқотлар: муаммо ва ечимлар. -Жиззах, 2011, 191-бет.
[3] Гоноболин Ф. Н. Психология. –Т.: Ўқитувчи, 1976, 101-бет.

Давлат таълим стандартида кўрсатилишича, ўкувчи «тасвирда тилнинг ифода воситаларидан фойдалана олиш»и, «сўз ва ибораларни тўғри ёзиш»и, «матнда сўзларни такрорлашдан сақланиши ва синонимларни қўллай олиш»и, «маънодош, қарама-қарши маъноли, уядош сўзлар гурухини тузиш»и, «сўзларнинг ўз ва кўчма маъноларини фарқлаш»и, «сўз бойлигини ошира бориш ва нутқида фаол қўллаш»и қайд этилган. Демак, дарсликдаги матнларда юқоридаги лексик бирликлар қўлланиши ва улар устида мунтазам таҳлил ишлари ўтказилиши лозим. Мазкур лексик бирликлар бадиий матнлар таркиби қўлланса-гина унинг эмоционал таъсири ва маъноси англашилади. Шунинг учун она тили дарсликларида боғланишли матн берилишига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Она тили дарсликларида қўлланган сўзларнинг ҳаммасини ўкувчининг сўз минимумига киритиб бўлмайди. 4-синф она тили дастурида айтилишича, «Дарсликда сўзлар маъноси берилган бўлиб, ўкувчилардан уларни ўзлаштиришлари талаб қилинмайди» дейилган. Шунинг учун дарсликда матн мавзуси ва мазмуни билан боғлиқ ҳолда қўлланган баъзи сўзларнинг ишлатилиши уларни сўз минимуми ва сўз максимумига ажратишни тақозо этади.

Хулоса қилиб айтганда, ўкувчиларни сифатли нутқий жараёнга тайёрлашда ўқитувчи нутқининг ва дарсликдаги ўқув материалларининг лексик бирликларга бойлиги муҳим омил саналади.

## ТАШКИЛОТЧИЛИК СИФАТЛАРИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ НЕГИЗИ

*Ф.М.КОМИЛОВА – АДУ*

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан келиб чиққан ҳолда комил инсон ва малакали мутахассисни тарбиялаш борасидаги ижтимоий эҳтиёжни қондиришда, энг аввало, ёшларнинг мустақил фикрлаш, эркинлик ва ижтимоий фаоллик лаёқатларига эга бўлишларига эришиш талаб этилади.Уларда интизомлилик, мустақиллик, ташаббускорлик, тадбиркорлик, мақсадга интилувчанлик каби сифатларни тарбиялаш келгусида баркамол инсон ва юқори малакали, етук мутахассис бўлиб вояга етишларини таъминлайди

Ўкувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш нафақат психологик-педагогик, балки ижтимоий муаммо сифатида ҳам ўзига хос долзарблик касб этади.Ташкилотчилик лаёқатига эгалик шахснинг жамоа фаолиятини уюштириш, ижтимоий, шу жумладан, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда ташкилий масалаларни муваффақиятли ҳал қилиш, тадбирларни методик жиҳатдан мақсадга мувофиқ ўтказилишини таъминлаш ҳамда тадбирлар жараёнида ҳар бир иштирокчи томонидан муайян вазифаларнинг бажарилишига раҳбарлик қилиш эҳтиёжининг мавжудлигини ифодалайди. Жамоа фаолиятини уюштиришда ташкилотчи шахс ўз зиммасига муайян мажбуриятларни олиш, масъулиятни чуқур ҳис этиш, дадил ҳаракатланиш, берилган сўз (ваъда)да қатъий туриш, ҳар бир аъзога нисбатан талабчан бўлиш, жараён натижаси учун жавобгарлик ҳиссини туйиш каби сифатларни ўзида намоён эта олиши лозим.



Бошланғич синф ўкувчиларида ташкилотчилик сифатлари ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Бунинг учун ана шу мақсадга йўналтирилган педагогик фаолиятни ташкил этиш тақозо этилади. Педагогик фаолиятни ташкил қилиш жараёнида эса муайян шартларга амал қилингандагина кўзланган натижани қўлга киритиш мумкин. Бошланғич синф ўкувчиларида ташкилотчилик сифатларини самарали шакллантириш қуйидаги жараёнларда эришилиши аниқланди:

1. Дарс жараёнида:

– ўкувчининг ёши, индивидуал-психологик хусусиятларини чуқур таҳлил қилиш, билим савиясини муносиб баҳолаш;

– дарс жараёнида замонавий технологиялар, илғор тажрибалардан фойдаланиш учун қулай шарт-шароитларнинг яратилиши;

– педагог ҳамда ўкувчилар ўртасида объектив ва субъектив муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилиши;

– дарс жараёнида ўкувчиларни турли муаммоли вазиятлар ва уларнинг ечимини топиш орқали фаол ташкилотчи сифатида қобилиятини намоён қилишга шароит яратиш;

– дарс мавзуларининг мазмунига мос равишда ўкувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантиришга йўналтирувчи ўқув топшириқлари тизимини ишлаб чиқиш.

2. Синфдан ташқари ишлар жараёнида:

– ўкувчилар жамоаси, ўкувчининг жамоадаги иштироки, ўзаро муносабатга киришувчанлиги;

– ўқитувчи томонидан муайян ижтимоий вазият, педагогик шарт-шароит, мавжуд ҳолатнинг ўрганилиши;

– соғлом ижтимоий муҳит, қадриятлар, жамоада риоя қилинадиган тартиб-қоида, интизомни ўкувчилар томонидан англаб етилиши;

– бажарилган ва бажарилиши лозим бўлган фаолият турига кўра ўкувчиларни ўз вақтида рағбатлантириб борилиши.

3. Оилада:

– оиланинг ижтимоий мавқеи, соғлом муҳит, ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатлар;

– фарзандининг хоҳиш-истаклари, қизиқишлари ва эҳтиёжлари даражасини ҳисобга олиш;

– ота-оналар ва катта ёшли оила аъзоларининг оилада ташкилотчилик қобилияти, уни боланинг онгига таъсири, шахсан ибрат, намуна бўлишлари;

– оилаларда мақсаднинг ягоналиги ҳамда дуч келган муаммоларнинг биргаликда ҳал этилиши;

– ота-она ва фарзанд ўртасида ўзаро психологик бирликнинг қарор топганлиги.

Бошланғич синф ўкувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантиришда ўкувчилар жамоаси етакчи ўрин тутади. Ўкувчилар жамоаси ўз-ўзини бошқариш хусусиятига эга бўлиб, у мақсаднинг бирлиги, ягоналиги ва ташкил қилиш хусусиятлари орқали умумжамоа билан боғланади. Бу борада Абу Наср Форобийнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш ғоят ўринлидир: «Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни

# МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ АВЛОДНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

*А.А.ИСАЕВ – АДУ*

Халқаро ҳамжамият ва тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилиш учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда, бугун униб ўсиб келаётган фарзандларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, энг муқаддас мақсад деб билади. Шунинг учун ҳам барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради[1].

Шундай экан, аҳолисининг 40 % ни 18 ёшгача бўлган болалар, 64 % ни 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этган Ўзбекистон учун баркамол авлодни тарбиялаш долзарб мавзу эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Жамият ривожланишининг бугунги босқичида баркамол авлодни шакллантириш ёшларни нафақат жисмоний ва ақлий, балки маънавий, сиёсий, руҳий, шунингдек ҳуқуқий жиҳатдан ҳам камолотга эришишини талаб қилади. Чунки «ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир»[2].

Ёшлар онги ва қалбини эгаллашга, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига қарши қаратилган таҳдид ва хуружлар бир-бири билан боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини озиқлантириш ва кучайтиришга ҳаракат қилади. Шу боис бугунги кунда ёшларни ҳимоя қилишнинг асосий йўналишларини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

1) криминоген хусусиятга эга бўлган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, руҳий ва бошқа омилларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш;

2) носоғлом турмуш тарзидан ҳимоялаш;

3) салбий мазмундаги ва ёлғон ахборотлар хуружидан асраш;

4) экстремистик, айирмачилик, диний-фундаментал, террорчилик ғоялари таъсиридан муҳофаза қилиш;

5) гиёҳвандлик, ичкиликбозлик ва тубан «оммавий маданият» хуружидан асраш;

6) жиноий, ғайриижтимоий норасмий тузилмалар (гуруҳлар) фаолиятида учрайдиган жиноят олами қоидалари, урф – одатлари, ҳаёт тарзи ва салбий ижтимоий-руҳий омиллар таъсиридан ҳимоя қилиш;

7) давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг ноқонуний ва адолатсиз ҳаракатлари ҳамда қарорларидан ҳимояланишга ўргатиш;

8) уларга нисбатан содир этиладиган жиноий қилмишларидан асраш.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, «оммавий маданият» ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш учун, энг аввало, уларда маънавий, ақлий, интеллектуал, руҳий, сиёсий,

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. // Халқ сўзи. – 2009. – 6 декабрь.
[2] Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир // Халқ сўзи. – 2009. – 6 декабрь.



ҳуқуқий, жисмоний баркамолликни шакллантиришимиз зарур. Шу боис бугунги кунда баркамоллик ўзида қуйидаги омилларни мужассамлантиради: 1) маънавий; 2) ақлий; 3) руҳий; 4) сиёсий; 5) ҳуқуқий; 6) жисмоний.

Ижтимоий жараёнларнинг глобаллашуви ва жадаллашуви кучайиб бораётган, ёвуз ва ғаразли мақсадларни амалга ошириш учун ёшлар онгини заҳарлашга ва эгаллашга ҳаракат қилаётган кучлар ва таҳдидлар кўпайиб бораётган бугунги кунда ёшларда баркамолликнинг барча жиҳатларини шакллантириш ўта мураккаб таълим-тарбия жараёни бўлиб, у узлуксиз, тизимли ва мақсадли комплекс чора-тадбирларни мувофиқлаштирган ҳолда амалга оширишни талаб қилади.

Бугунги кунда ёшларнинг ҳуқуқий баркамоллигига эришиш нафақат таълим-тарбия жараёнида, балки ҳаётнинг барча йўналишларида уларнинг ҳуқуқий билими, онги ва маданиятини шакллантириш ҳамда юксалтириш орқали амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, биз бугунги кунда жамият ҳуқуқий маданиятининг барча таркибий қисмлари мукаммал ва бу йўналишда амалга оширалаётган ишлар бизни қаноатлантиради, деб айта олмаймиз.

Фикримизча, ҳуқуқий тарбия орқали ёшларда ҳуқуқий баркамолликка олиб келадиган қуйидаги хусусиятлар шакллантирилиши керак:

– ҳуқуқий нормалар мазмунини мукаммал билиш;

– қонун ва ҳуқуқий талабларга чуқур ҳурматда бўлиш;

– ҳуқуқий воқелик ва институтларни тўғри англаш ҳамда тушуниш;

– юксак ижтимоий ҳуқуқий фаоллик;

– ҳуқуқни ижобий ижтимоий ўзгаришлар ва инсон манфаатларини муҳофаза этувчи восита (қадрият) сифатида баҳолаш ва унга амал қилиш;

– ҳуқуқий меъёрлар талабига ихтиёрий тарзда, ички эътиқод амри билан риоя этиш ва бошқалар.

Бугунги кунда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда уларнинг ўз ҳуқуқларини билиш ва амалга оширишларига кўмаклашиш билан бир қаторда конституциявий, касбий, инсоний бурчлари ҳақида таълим бериш ва уни огишмай амалга ошириш борасида зарур кўникмаларни шакллантириш ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Таҳлиллар ва кузатишлар натижасига кўра, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясини шартли равишда қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– ёшлар ўсиб-улғаяётган барча босқичларда ҳуқуқий тарбияни амалга оширувчи субъектларнинг ушбу соҳада фаолият олиб боришга доир тайёргарлигини махсус дастурлар асосида ташкил этиш;

– ёшлар таълим-тарбия олаётган барча тизимларда, шу жумладан уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун масъул бўлган масканларда ҳуқуқий тарбияни амалга ошириш жараёнини методик таъминлаш : бунда *биринчидан*, ёшларни амалдаги ва янги қабул қилинаётган қонун ва қонун ости ҳужжатларини мустақил равишда ўрганиш бўйича махсус дастурлар тайёрлаш; *иккинчидан*, ҳуқуқ тармоқларини, уларнинг асосий манбалари ҳисобланган қонун ва қонун ости ҳужжатларини ўрганиш бўйича электрон ўқув қўлланмалар яратиш;

– ҳуқуқий тарбияни амалга ошириш жараёнида қўлланиладиган илғор педагогик технологиялар ва интерфаол усулларни кенг кўламда жорий этиш;

– ҳуқуқий тарбия жараёнининг моддий-техник таъминотини такомиллаштириш.

Юртбошимиз 2012 йил 7 декабрда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда «Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир» мавзусида сўзлаган маърузасида, собиқ совет худудида эски мустабид тузумни кўрмаган, бу ҳақда етарли маълумотга эга бўлмаган ёшларга нисбатан турли сохта талқин ва уйдирмаларни ишлатиб, уларнинг онгида кечаги совет даврини қўмсаш туйғуси ва кайфиятини уйғотишга қаратилган уринишлар намоён бўлаётганидан огоҳ қилар экан, «... онги, тафаккури, эътиқоди мустаҳкам бўлган, ўз мустақил фикри билан яшаётган одамни чалғитиб ҳам, кимлардир хоҳлаган томонга оғдириб ҳам бўлмайди»[1], – деб таъкидлади.

Ҳақиқатдан ҳам, янги минг йиллик бошида жаҳон майдонларини мафкуравий бўлиб олишга уринишлар авж олмоқда. Бундай уринишлардан кўзланган асосий мақсад, муайян сиёсий кучлар, марказлар ва давлатларнинг жаҳон миқёсида ўз таъсир доирасини кенгайтириш, ўзга халқларни тобе қилиш, уларни бўйсундириш ва моддий бойликларга эга бўлишдан иборатдир. Энди улар очиқ ҳарбий куч ишлатиш усулидан кўра кўпроқ халқларни маънавий-мафкуравий жиҳатдан тобе қилишга интилмоқдалар. Бундай усулнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, жуда катта маблағлар сарф қилиш орқали ўз ғояларини маънавий-мафкуравий йўллар билан ўзга халқлар онгига сингдиришга уринмоқдалар.

Бундай мафкуравий хуружлар юртимизга, айниқса, ёшлар ҳаётига таъсири сезилмоқда. Интернет тизими орқали мафкуравий хуружларнинг кўламиниҳоятда ортмоқда. Интернет тизимидан фойдаланаётган ёшлар эса унинг салбий таъсирига берилиши мумкин. Расмий маълумотларга кўра, ҳозирда интернет тизимида 400дан ортиқ экстремистик моҳиятга эга бўлган интернет сайтлари мавжудлиги эътироф этилмоқда. Бундан ташқари, шарқона ўзбек миллий қадриятларига, одоб-ахлоқ нормаларига, тарбиямизга мутлақо зид бўлган минглаб-миллионлаб маълумотлар интернет тизимидан жой олганлиги сир эмас. Улар томонидан тарғиб қилинаётган турли бузғунчи ғоялар эса ёшлар онгига ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қолмайди. Ёшларнинг уларга берилмаслигининг олдини олишда, юксак билимли салоҳиятли авлодни шакллантиришда миллий ғоянинг роли каттадир.

Юқорида баён қилинган фикр ва мулоҳазалардан қуйидаги хулосалар чиқариш мумкин.

1. Миллий ғоя – юксак салоҳиятли авлодни тарбиялаб етказишнинг маънавий, миллий-ғоявий, ижтимоий-педагогик асоси бўлиб хизмат қилади.

2. Миллий ғоя – шахс, миллат, жамият ва давлат манфаатларини бирлаштирувчи, уйғунлаштирувчи маънавий омил бўлиб, турли мафкуравий хуружларни бартараф этишда муҳим роль ўйнайди.

3. Миллий ғоя – мамлакатимизнинг ижтимоий тараққиётини таъминлашда инсон фаолиятини маънавий-руҳий жиҳатдан кучайтирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

[1] Ислом Каримов. "Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир". Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги маърузаси. "Халқ сўзи" газетаси. 2011 йил 8 декабрь сони.



4. Миллий ғоя – юртимизда ривожлантириб борилаётган ҳар қандай фан соҳаларининг назарий-методологик асосларидан бири бўлиб, олий таълим муассасалари маънавий-маърифий ишлар тизими фаолияти самарадорлигини таъминлайди.

## ТАЛАБАНИНГ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДАГИ ҚАДРИЯТЛАРГА МОСЛАШИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Доц. Х.Р.ХАЙДАРОВА, О.ПЎЛАТОВА – АндМИ*

Олий ўқув юртидаги қадриятлар, аввало, унинг маъмурияти томонидан белгиланган ташкилий маданият, қоидалар, анъаналардир. Талабанинг қабул қилинган маросимлар, анъаналар, белгиланган қоидаларни бажариш ёрдамида сингиб бориши унинг олий ўқув юрти ҳаётига мослашиши ва кейинчалик ўзини улкан бир гуруҳ, ҳамжамиятнинг бир қисми сифатида ҳис қилишига кўмаклашади. Лекин талабанинг олий ўқув юртида бўлишидаги асосий вазифаси ва мақсади нафақат таълим олиш, билимларни эгаллаш ва диплом олиш, шу билан бирга касбий жиҳатдан ёрқин ваколатли мутахассис мақомини ҳам эгаллашдир.

Олий ўқув юртидаги таълим жараёни даврида устунлик қиладиган билимлар қадриятлари – энг асосий, устувор йўналиш ҳисобланади. Мураббий тарбиявий ишларни шу нуқтаи назардан ўтказиши, олий ўқув юртидаги кундалик ҳаётнинг қоидалари, тартиблари, ўзига хос хусусиятларини тушунтириб бориши керак. У шахснинг психологик тузилишини, талабаларнинг шу ёшдаги феъл-атворининг психик моделларини яхши билиши зарур. Фақат ана шундагина у самара олиш мақсадида талабаларни уюштиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишга киришиши керак.

Мактаб, лицей ва коллежларда тўла миқёсда етишмаган хусусиятлар – аниқ мақсадга интилиш, қатъиятлилик, тиришқоқлик, мустақиллик, ташаббускорлик, ўзини тута билиш каби хусусиятлар сезиларли тарзда мустаҳкамланади. Ахлоқий муаммоларга (мақсадлар, турмуш тарзи, бурч, муҳаббат, садоқат ва бошқаларга) нисбатан қизиқиш ошади.

Олий ўқув юртига ўқишга кирганлик факти талабанинг кучи ва қобилиятига ишончини янада мустаҳкамлайди, тўлақонли ва қизиқарли ҳаётга умидни пайдо қилади. Шу билан бирга II ва III курсларда кўпинча олий ўқув юртини, ихтисослик, касбни танлаганликнинг тўғрилиги ҳақидаги масала кўндаланг бўлади. III курснинг охирига бориб касбий жиҳатдан ўзини - ўзи белгилаш ҳақидаги масала узил-кесил ҳал бўлади. Бироқ шундай ҳам бўладики, бу пайтга келиб келгусида ихтисослик бўйича ишламаслик тўғрисида ҳам қарорлар қабул қилинади.

Кўпинча талабаларнинг кайфиятларида – олий ўқув юртидаги таҳсилнинг биринчи ойларидаги завқу шавқ ва қувноқликдан то бу ердаги ўқиш тартиби, ўқитиш тизими, айрим профессор – ўқитувчилардан норози бўлишгача бўлган даражадаги ўзгаришлар юз беради. Кўпинча кишининг касбни танлаши тасодифий омилларга боғлиқ бўлади. Айниқса, олий ўқув юртига ўқишга киришда бунга йўл қўйиб бўлмайди, чунки бундай хатолар жамият ва шахснинг ўзига анча қимматга тушади.

Олий маълумот кишининг руҳиятига, унинг шахсининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Олий ўқув юртида таълим олиш пайтида қулай шарт-

мақсадлари, интилишлари ва манфаатлари йўлида ўзларини намоён қилишга қодир бўладилар.

Бизга маълумки, «2012 йил – Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниб, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ишлаб чиқилди ва ҳозирда амалиётга тадбиқ этилмоқда. Ёшларимизни маънавий тарбиялаш, миллий мафкура ғоялари хусусидаги билимларни бериш орқали уларда ҳар хил кўринишдаги ғоявий таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш муҳим педагогик муаммолардан биридир. Бу эса талабаларни эркин фикрловчи шахс сифатида шакллантиришни талаб этади. Шундай экан, шахс шаклланишининг асосий омили ҳисобланган тарбия жараёнига эътибор янада кучайиб боради. Чунки тарбия жамиятнинг ижтимоий буюртмасини бажарибгина қолмай, яъни жамиятнинг эртанги кунини ривожлантирувчи мутахассис қилиб тарбиялаш билан бирга ёшларни миллий мафкура ғоялари асосида ахлоқий етук инсон қилиб тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шу билан биргаликда ёшларни манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш, ахлоқан етуклигини, сиёсий онг, экологик маданият, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида тарбиялаш ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш лозим.

Ахлоқ ижтимоий онг шаклларидан бири сифатида, инсон турмушининг барча соҳаларида кишининг хулқи, хатти-ҳаракатларини тартибга солиб, бошқариб турувчи қоидалар, тамойиллар, йўл-йўриқлар, мезонлар, панд-насиҳатлар мажмуидан иборат. Ахлоқ - умуминсоний ва миллий характерга эга бўлиб, кишиларнинг тарихан қарор топган ва ҳар бир одам эгаллаши лозим бўлган ахлоқий идеаллари, орзу-умидлари тўғрисидаги тасаввурлар, тушунчалар, билимлар, қарашларни ўз ичига олади. Шунинг учун ахлоқан етуклик бу жамиятнинг ҳар бир шахси учун хос бўлиши керак. Айниқса ёшларда буни шакллантиришга алоҳида эътибор бериш керак.

Инсон онги, руҳияти, дунёқараши ва тафаккурига буйруқ ва фармойишлар бериш йўли билан таъсир этиб бўлмайди. Бунинг учун аниқ мақсадга қаратилган тарбия тизимини ташкил этиш зарур. Тарбия жараёни доимо таълим жараёни билан биргаликда кечади. Шунинг учун ёшларни маънавий-ахлоқан етуклигига асосан таълим жараёни орқали эришилади.

Бугунги кунда таълим муассасаларида таълим олаётган талаба ёшларни миллий мафкура руҳида тарбиялаб, мафкуравий ва ғоявий жиҳатдан қуроллантиришга муҳим педагогик жараён сифатида қаралмоқда. Бунда нафақат ижтимоий-сиёсий, махсус фанлар, балки педагогика туркумидаги фанларнинг ҳам имкониятлари катта. Мазкур фанлараро боғлиқлик талабаларни маънавий шакллантиришга қаратилган таълим - тарбия ўртасидаги узвий алоқанинг ўрнатилишига эришиш, ҳамда маънавий-мафкуравий тарбия самарадорлигини таъминлашга яқиндан ёрдам беради.

Ахлоқий тарбия тури асосида ёшларга асрлар давомида яратилган маънавий қадриятларимизни ўргатиш ётади. Маънавий қадриятлардан «ватанпарварлик» - олий қадрият сифатида қаралади. Миллий мафкуранинг бош ғояси ҳам озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Чунки Ватан меҳрини йўқотган шахс оёғи остидаги заминни йўқотади, гўёки таянчсиз муаллақ ҳолатда қолади. Ватанга муҳаббат, аждодлар меросига қизиқиш, миллий маънавиятдан баҳраманддлик, ўз шахсий салоҳиятига ишонч, умумбашариятга ҳурмат, келажак олдида масъулият туйғуларини тарбиялайди. Биз бўлғуси ўқитувчиларни тарбиялар



экканмиз, улар ахлоқан етук бўлишларида бу хислатларни ўзларида мужассамлаштиришлари, бу қадриятларни келгуси фаолиятларида дастуриламал қилиб олишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг ҳозирги босқичида ёшларимиздан илм-маърифатли, диёнатли, юксак ахлоқли бўлишлари билан бирга, замонавий техника ва технологияларни пухта ўзлаштириб олишлари талаб этилмоқда. Ёшларимиз исломий қадриятлар билан бир қаторда коинот сиру-асрорларигача бўлган дунёвий билимларни ҳам мукаммал ўзлаштиришлари зарур.

## СОҒЛОМ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

*М.М.ЛАДАЖОНОВА – и.ф.н., доц.*
*Д.С.РАҲМОНОВА – АндМИ*

Республикамиз Президенти И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, «Юқори маълумотли, маданиятли ҳамда профессионал жиҳатдан етук шахсгина иқтисодий эркин бўлиши, демократик ва туб иқтисодий ўзгаришларнинг ишончли таянчи бўлиши мумкин»[1]. Ушбу ҳақиқатни тушуниш халқни маънавий ҳаётини яхшилаш, таълим-тарбияни бутун тизимини янгилаш жараёнларининг замирида ётади.

Оила жамият ижтимоий тузумининг дастлабки ва бирламчи бўғинидир. Ижтимоий ҳаёт оиладан бошланади. Оилада бола туғилади, тарбия топиб вояга етади ва меҳнат ресурсларига келиб қўшилади. У улғайгач моддий неъматлар ва хизматлар яратишда қатнашади ҳамда жамиятнинг иқтисодий салоҳияти ва унинг миллий бойлигини оширишга хизмат қилади. Шу сабабдан оилада фарзандни тарбиялаш муаммоларини иқтисодий жиҳатдан таъминлаш муаммоларини ўрганиш ҳозирги даврда ўта муҳим вазифа ҳисобланади.

Республикамиздаги оилалар ҳар йили 130 мингдан зиёд меҳнат ёшига етган ёшларни меҳнат ресурси сифатида қўшиб боради. Оилада инсон капиталини шакллантириш фарзанднинг туғилишидан бошланади. Фарзанд вояга етиб, оёққа тургунча оиладан анчагина моддий ва меҳнат сарфини талаб қилади.

Жамият ривожланган сари болалар тарбияси оила учун серхаражат ишга айланади ва шу сабабли ота-она болалар сонининг меъёрли бўлишига интилади. Инсон капиталини шакллантириш болаларни едириб-ичириш ва кийинтириш билан чекланмайди, балки уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, иқтисодий шароитга мослаштиришни ҳам билдиради. Оила зиммасига улғайган болаларни амалий ишга жалб этиш ҳам юклатиладики, бу уларни оилавий бизнесга тортиш, уй хўжалигини юритишга жалб этиш ва ёлланиб ишлаб пул топишни ҳам тақозо этади. Фарзандли бўлиш ҳар бир оиланинг орзусидир. Болалар ҳар бир ота-онанинг севинчи, қувончи, қариликдаги таянчи, кундалик ҳаётини безаги уларнинг авлодини давомчисидир. Фарзандлик бўлишнинг маънавий аҳамияти жуда каттадир. Шу боис халқимизда «болали уй бозор-боласиз уй мозор» деган нақл тарихдан бизгача етиб келган. Шу сабабдан иқтисод илмида ҳам фарзандли бўлишнинг иқтисодий аҳамиятига ҳам

[1] Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида». –Т.: 1995. – Б.259-260.

«Мустаҳкам оила» давлат дастурларида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида белгиланган тадбирлар бунинг яққол мисолидир.

Мактаб боласининг камол топиши шахс сифатида шаклланишига ёрдам беради. Оила эса боланинг тарбия ўчоғидир. Бола оилада нимани кўрса, шуни бажаришга одатланади. «Қуш уясида кўрганини қилади» деб ота-боболаримиз бекорга айтишмаган.

Боғдод ўғриси ҳақидаги ривоят барчамизга маълум. Ўлимга маҳкум этилган ўғридан сўнгги тилагинг нима деб сўрашганида, у сўнгги бора онасининг ширин тилларидан бўса олишга рухсат сўрайди. Шунда она халойиқ орасидан дод солиб йиғлаб чиқади, фарзанди дийдорига шошилади. Ўғли йиғлаб турган онасининг тилларини тишлаб узиб олади-да, қоп-қора қонга беланган тилни тупроққа улоқтиради. Бу ёвузликни кўрган оломон жунбушга келади. Ўғрини тезроқ ўлдирмоқчи бўлишганида у шундай дейди:

– Мен биринчи бор тухум ўғирлаб келганимда онам мени дуо қилиб оси ҳам бир кунимизга яраб қолибсан, бугун қора қозонимиз қайнайдиган бўлди, деган эди. Ўшанда онам бу бировнинг ҳақи, уни олган жойингга қайтариб олиб бориб қўй, деб уришганида мен, балки, бугун шу дор остида турмаган бўлардим, – дейди.

«Инсон ҳаётидаги энг мураккаб қолипга тушувчи мураккаб даври бу унинг ўсмирлик даври»[1].

Демак, ота-она ўзи билган билмаган ҳолатда ҳар бир айтган сўзи ҳар бир ҳаёт тарзи билан фарзандига тарбия беради. Маҳаллада маҳалладаги инсонларга тенгдошларга муносиб ва хашарларга, ободонлаштириш ишларига мунтазам равишда қатнашишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Ўқитувчи бундай ҳолатда ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлашни, уларнинг имконият ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда ёндашади. Бу ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро муносабатнинг уйғунлиги ўқувчини мустақил бўлишига ёрдам беради. Ўқувчиларни айниқса, ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашда умумий ўрта таълим мактаблари асосий рол ўйнайди. Умумий ўрта таълим мактабида оила, маҳалла ва жамоатчилик асосида олиб бориладиган тарбиявий ишлар самарадорлигига эришишда махсус режа ва дастур ишлаб чиқилиши зарур.

Дастур асосида ўсмир йигитларда:

– Ватанга муҳаббат, садоқат ва умумбашарий қадриятларга, демократик тамойилларга асосланган дунёқарашни шакллантириш;

– ёшларга келажакда ҳаётда муносиб ўрин топиш учун улуғ мақсадларга эътиқод, жасурлик ва фидойилик руҳини янада чуқур сингдириш;

– ўз миллий қадриятларимиз, мутафаккирларимиз меросларидан, ислом динининг мустақил ҳаёт ва ватанпарварлик, инсонпарварлик ота-онага меҳрибонлик ғояларига ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлашда оқилона фойдаланиш;

– ўсмир йигитларни мавжуд кичик муаммоларни аниқлай олиш ва уларни ҳал қилишнинг аниқ йўлларини топишда самарали кўрсатмалар ва маслаҳатлар бериб бориш;

– мактаб, маҳалла ва оила аъзоларига ҳурмат, айниқса, хотин-қизларга бўлган ҳурматни шакллантириш;

– ахборот психологик хавфсизликни шакллантириш;

– соғломлаштириш ишларини олиб бориш, ўғил болаларни жисмонан ва

[1] Возрастная психология. Пособие для вузов. М., 1993. 42-43 ст.



руҳан оилавий ҳаётга тайёрлаш кўникма ва малакаларни шакллантирилади.

Юқорида келтирилган вазифаларни шакллантиришда ўқитувчиларнинг дарсдан ташқари тарбиявий ишларда интерфаол усуллардан фойдаланиши ўқувчиларнинг мотивациясини ва ижодий изланувчанлигини оширишга ёрдам беради.

Қуйида «Мен мактабда, оиламда ва маҳаллада кимдан, нимани ўрганишим керак?» мавзусидаги ролли ўйин машғулоти намунасини келтирамиз.

**Мақсад:** ўқувчиларни ижтимоий – мустақил ҳаётга тайёрлаш, ахборот психологик хавфсизликни шакллантириш.

Ўқувчилар уч гуруҳга бўлинади:

– биринчи гуруҳ – мактаб;

– иккинчи гуруҳ – оила;

– учинчи гуруҳ – маҳалладаги ҳаётий вазиятларни саҳналаштириш топширилади. Саҳналаштириш учун ўн дақиқа вақт берилади. Ҳар бир гуруҳда сардор сайланади. Сценарийни ўқувчиларнинг ўзлари ишлаб чиқишади ва гуруҳ сардори ролларни тақсимлайди. Ташкил қилинган бундай вазият ўқувчиларга ўзларни қизиқтириб юрган масалани ўртага ташлашга ёки ҳаётни кўркам воқеаларни саҳналаштиришга имкон беради.

Биринчи гуруҳ иштирок этганда бошқа гуруҳлар кузатиб ўтиради. Гуруҳ сардори нима учун сценарийни бундай саҳналаштирганини изоҳлаб беради. Сўнгра қуйидаги саволларга гуруҳлар жавоб беришади.

1. Нима учун мавзу номини бундай танладингиз?
2. Бу кўринишни ўқувчи ҳаётига қандай таъсири бор?
3. Сиз бу жараёндан қандай таассурот олдингиз?
4. Сиз мустақил ҳаёт ҳақида тушунчага эгамисиз?
5. Сиз оила бошлиғи бўлганингизда жамият ва оила учун нималар қилар эдингиз?

Дарс охирида гуруҳлар ўртасида савол-жавоб ўтказилади. Саҳна кўриниши ўқувчиларда қизиқиш уйғотади. Бундай ролли ўйинлардан фойдаланиш ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлайди. Кимдан нимани ўрганиши кераклигини инсонларни яхши, ёмонлигини ажрата олишида кўмаклашади. Ўқувчи оддий дарсда ўқитувчи айтаётган фикрларни эшитиб пассив иштирокчи сифатида ўтиради. Биз таклиф қилаётган усулда ўқувчи фаол иштирокчига айланади. У ўзи ҳайратланган ва тенгдошлари учун ҳам таъсири бўладиган ҳаётий вазиятни саҳналаштиради ва ўзига хос образга киради. Ўқитувчи у тўғри бу нотўғри дегандан кўра қандай бўлса тўғри бўлади деган саволга жавоб топади. Ўсмирларни мустақил ҳаётга тайёрлашда «Давра суҳбати» методидан фойдаланиш самарали натижа беради. «Давра суҳбати» методи айлана стол устида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан ўқувчилар томонидан ўз мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методи ҳисобланади. Синфдаги стол-стуллар доира шаклида жойлаштирилган бу ҳар бир ўқувчининг бир-бири билан нафақат вербал балки новербал алоқа ўрнатиб туришига ёрдам беради ва синф ичидаги ўзгариш ўқувчиларда қизиқиш уйғотади. Шундай қилиб айлана бўйлаб ўқувчилар кетма-кет ўз фикр-мулоҳазаларини мустақил оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган ўқувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, ҳамма ўз фикрини баён этгандан сўнг муҳокама қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, таълим жараёнида ўсмир йигитларни ижтимоий мустақил ҳаётга тайёрлашда интерфаол методлардан фойдаланишнинг аҳамияти катта.

гаймоқда, фан номзоди, фан доктори даражасига эришган олимлар таркиби сезиларли ёшармоқда.

Юртбошимизнинг «Тошкентни юксак тараққиёт ва маданият шаҳрига айлантиришимиз керак» номли 1990 йили 20 январда сўзлаган нутқида ҳам ёшлар масаласи четлаб ўтилмайди. Боиси, Тошкентнинг студентлар шаҳри эканлиги, бу ерда ҳеч қандай муаммони ёшларнинг манфаатларини ҳисобга олмай, уларнинг ўқиши, бўш вақтларини ўтказишлари учун шарт-шароитларни яратиб бермасдан ҳал этиб бўлмаслиги эди.[1] Мазкур нутқда пойтахтдаги ўқув юртлари ва студентлар ётоқхоналаридаги етишмовчиликлар ҳақида тилга олинади, ўша даврдаёқ 49 та студентлар ётоқхонасида 4 млн сўм сарфлаб капитал ремонт қилинганлиги, бу маблағ 1988 йилдагига нисбатан тўрт баробар кўплиги, қатор олий ўқув юртларида иссиқ овқатланиш жорий этилганлиги, ётоқхона етишмовчилиги туфайли ижара уйларда яшашга мажбур студентларга харажатларини қоплаш учун пул тўлаш жорий қилинганлиги каби ёшларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида қилинган дастлабки ишлар тўғрисида гапирилади. Тошкент шаҳар ижроия комитети, Халқ таълими министрлигига ёшларнинг билим олишлари, дам олишлари, маданият ва спорт билан шуғулланишлари учун керакли шароитлар билан таъминлайдиган тармоқ программасини ишлаб чиқиш вазифаси юкланади.

«Ўтмишдан сабоқ чиқариб келажакка ишонч билан» номли 1990 йил 5 июнда сўзланган маърузасида президентимиз кўп йиллар давомида жамият ёшларнинг янгиликларга ва жасоратга интилиши, қийин шароитларда ўзини синаб кўришга тайёргарлик каби хусусиятларидан фойдаланиб келгани, бироқ уларнинг энг зарур ҳаётий масалаларини ҳал этмаганини, бунинг натижасида ёшларнинг ижтимоий ҳимоясизлиги юзага келганлиги, уларда одамларга, давлатга нисбатан ишончсизлик пайдо бўлгани, умидсизлик туйғусининг ўрнашиб қолганлиги, ёшлар орасида жиноятчиликнинг ўсгани ҳақида қайтуриб гапиради.

Мустақилликдан кейин, аниқроғи, 1992 йили 4 январда сўзланган «Ўзбекистон дунё харитасида ўзига муносиб жой олди» номли маърузасида И.Каримов келажакнинг бугундан бошланишини, маънавий ва ахлоқий покланиш, имон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат каби чин инсоний фазилатлар ўз-ўзидан юзага келмаслиги, ҳаммасининг замирида тарбия ётишини таъкидлайди.[2]

Юқорида тилга олинган барча маъруза ва нутқлар И.Каримовнинг давлат раҳбари сифатида фаолият бошлаган дастлабки даврдаёқ ёшлар муаммосига эътибор қаратганлиги, ёшлар муаммосига чуқур ёндашганини кўрсатмоқда.

«Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асари бизга мустақилликка эришмасдан олдин, унинг арафасидаёқ ёшлар масаласи, ёшлар тарбияси масаласи давлат сиёсатида етакчи ўрин эгаллаганлиги, ўша тарихий даврда сиёсий фаолият бошлаган И.А.Каримовнинг бунга жиддий ёндашгани ҳақида тасаввур беради. Юртбошимизнинг ўша даврдаги маъруза ва нутқларида илгари сурилган концептуал фикрлар, ғоялар бугунги кундаги ҳосила – ютуқларимизга асос бўлганлиги шубҳасиз. Шу жиҳатдан «Мустақилликка эришиш остонасида» асарининг нашр этилиши буни яна бир карра ёдга солганлиги билан хайрлидир.

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2012. –Б.115.
[2] Ўша жойда. – Б. 412.



# КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МУСТАҚИЛ СОҒЛОМ ФИКР

*Б.М.РАХМОНОВ – ТИМИ,*
*Ж.Б.МИРЗАЕВ – ТТЙМИ*

Баъзи одамларда манманлик касали доимо хуруж қилиб туради.

Манманлик – бу ўз камчилигини ва ўзгаларни тан олмаслик, ўзгалар фикри билан ҳисоблашмаслик, такаббурлик, худбинликдир. Манманлик иллати у макон қурган кишиларни мустақил ва соғлом фикр юритишдан, ўзини такомиллаштириб боришдан маҳрум этади.

Натижада бундай одамларда жаҳолат иллати, яъни билимсизлик пайдо бўлади.

Бир оқил инсоннинг дил изҳорлари: Соф темирнинг камида уч юзтасини янчишга тайёрман ёки кўкрагимга ханжар уриб, дил қони билан фалакни бўяшдек мушкул ишни бажаришим мумкин ёхуд бир умр зиндонга тушишга розиман. Аммо нодоннинг бир дақиқа суҳбатига дош беришим мушкул. Сўз сўзлаганда унинг маъноси ва мантиғига эътибор бермай сўзлайдиган инсонларни тинглаб, дилни яралагандан кўра, оғир меҳнат қилган осонроқ, тана чарчоғи дам олинса чиқиб кетади. Бироқ маза-матрасиз, фаҳм-фаросатсиз суҳбатни тинглаб орттирилган қалб чарчоғи, дил яраси чиқиб кетиши, тузалиши қийиндир. Ха, билдирмоқчи бўлган фикрнинг обдон пухталаниши, сайқалланиши, лўндаланиши ва кейингина тилга чиқарилиши инсонни юксакликка кўтаради, унга латофат бағишлайди. Шунинг учун ҳам инсон қалбидан чиққан самимий, гўзал сўзларга ва ширин муомалага ўзида эҳтиёж сезади.

Инсон энг аввало ҳар томонлама билимдон бўлмоғи лозим. Билимдон бўлмоқлик, бу ўз касбини пухта эгаллаш, эл-юрт, Ватан манфаатлари йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш, унга садоқатли бўлиш, уни эъзозлаш, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий билимларни доимий равишда етарли даражада эгаллаб бориш, манфаатли бўлиш, маънавий камолот сари интилиш, халқнинг, инсонларнинг ғам ташвишлари, қувончларида ҳамдард, ҳамкор, елкадош бўлиш, умумий қилиб айтганда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаол иштирок этиш, унинг истиқболи учун қайғуриш, доимо эзгу ишлар, орзу-умидлар, ниятлар билан йўлдош бўлиб юриш демакдир.

Бунинг учун инсон ҳар доим ўз мустақил ва соғлом фикрлаш қобилиятини шакллантириб, сайқаллаб бормоғи керак.

И.А.Каримов ўзининг «Баркамол авлод орзуси» китобида «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори», «Куч билим ва тафаккурда», деган ғояларни илгари суриб, ёшларни шундай бўлишига ундаётганлиги бежиз эмас. Чунки бугунги ёшлар эртанги юрт эгаларидир. Шунингдек, юртбошимиз комил инсон деганда, биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз, дейдилар.

Демак, Президентимиз орзу қилган жамиятимизнинг тамал тошини қўювчи «Баркамол авлод» комиллигининг асосий мезони, ёшларнинг мустақил ва соғлом фикрлай олиш ва ўрганган билим ва тажрибаларини амалиётда қўллай билишидир.

Хўш, ёшларда мустақил ва соғлом фикрлай олиш ва ўзининг шахсий тўғри

хулосасини чиқара оладиган фазилатини қандай тарбиялаш мумкин?

Мустақил ва соғлом фикрлай олиш комилликнинг асосий белгисидир. Комиллик уч босқичдан иборат:

1. Жисмоний саломатлик;
2. Ахлоқий саломатлик;
3. Ақлий саломатлик.

Бу босқичларни шакллантиришда мустақил ва соғлом фикрлай олиш етакчи устувор ўрин эгаллайди. Ўқувчи ёшлар тарбияланишини қалбан хохлаб интилсалар, жисмоний ва ахлоқий комиллик даражасига осонлик билан эришса бўлади.

Аммо ақлий камолотга эришиш эса, асаб тизимининг тарангланиши, ақлий зўриқиш, хиссий жиддийлашув, барқарор иродавий хатти-ҳаракатлар, узлуксиз фаоллик, фидойилик, билимга чанқоқлик намуналари эвазига босқичма –босқич, аста – секинлик билан амалга ошади. Мустақил ва соғлом фикрлай олиш сарчашмаси фаҳмлаш яъни англашдан, фикр юритишдан бошланади.

Англаш – бирор бир ғояни(мустақил ва соғлом фикрни) туб мазмунига тушуниб етиш.

Мушоҳада- шу ғоя(мустақил ва соғлом фикр) ни мантиқан талқин қилиш.

Тафаккур – инсон онгидаги мавжуд илмий ҳаётий билимлар мажмуаларидан кераклигини саралаб олиш ва амалиётда қўллаш.

Амалиётда қўллаш- ҳаётда бир неча қўлланилган, ўзининг ижобий хосиласини берган, ишончли муаммолар ечими солиштирилиб, хулоса қилиш, сўнг тафаккур саviясига таяниб, ягона ечимни танлаш ва ундан амалиётда фойдаланишдир.

Мустақил ва соғлом фикр юритиш жараёнида инсонда фикр-мулоҳаза, ғоя, фараз, мақсад кабилар вужудга келади. Мустақил ва соғлом фикр юритиш тил ва нутқ билан чамбарчас боғлиқ равишда намоён бўлади, ҳамда улар узлуксиз тарзда бир – бирини тақозо этади. Худи шу боисдан инсон ўзининг мустақил ва соғлом фикрлай олиши, муомаласи(мулоқати), нутқи, онгли хулқ – атвори туфайли борлиқдаги мавжудотлардан тубдан ажралиб туради.

Инсон мустақил ва соғлом фикр юритиш фаолиятида ўзи акс эттирган, сезган, идрок қилган, тасаввур этган, хотирлаб қолган нарса ва ҳодисалар тўғрилиги, аниқлиги ҳақиқийлиги ёки уларнинг воқеликка мос тушишини аниқлайди. Борлиқни билиш жараёнида хосил қилинган ҳукмлар, тушунчалар, хулосалар, фаразлар (тахминлар), чиқарилган қарорлар чин ёки чин эмаслигини белгилаб олади. Инсон мустақил ва соғлом фикрлай олиш орқали воқеликни умумлаштириб, билвосита ва бевосита акс эттиради, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ички, мураккаб боғланишлар, муносабатлар, хоссалар, хусусият ҳамда механизмларни англаб етади. Бинобарин, инсон муайян қонун, қонуният ва қоидаларга асосланган ҳолда табиий, ижтимоий ҳодиса ва воқеаларнинг вужудга келиши, кечиши, ривожланиши ҳамда оқибатини олдиндан кўриб туриш имкониятига эгадирлар.

Одатда, фикр юритиш воқеликни умумлаштириш даражасига, муаммони ечиш воситаси хусусиятига, объектнинг субъект учун янгилиги шахснинг фаоллик кўрсаткичга кўра бир неча турларга ажратилиб таҳлил қилинади. Мустақил ва соғлом фикрлай олиш ақлий фаолият сифатида олиб қаралганда, инсон томонидан масалалар, топшириқлар ечиш назарда тутилади. Уларнинг шартлари, моҳияти, тузилиши, шакллари ва шахснинг англаш имкониятлари кузатилади.

Масала, муаммо, топшириқларни ечиш шахснинг эҳтиёжи, қизиқиши майли,



қобилияти, истеъдоди, салоҳиёти билан боғлиқ равишда олиб қаралади. Уларнинг талабларини қабул қилиш, муайян қарорга келиш, воситалар қидириш мустақил ва соғлом фикр юритишнинг мустаҳкам негизини ташкил қилади.

Мустақил ва соғлом фикр юритиш фаолиятида, муаммо ечимини қидиришни бошқаришда, борлиқни инъикос қилишда инсоннинг хис – туйғулари, кечинмалари, фавқулоддаги вазиятлар, объектив ва субъектив шароитлар алоҳида аҳамият касб этади.

Ижтимоий ҳаётда, таълим жараёнида ва ишлаб чиқаришда шахслараро (объектив ва субъектив) муносабатлар алоқалар, ҳамкорликдаги ақлий ва жисмоний меҳнат маҳсули, муомала меъёри, мустақил ва соғлом фикрлаш мажмуаси тариқасида юзага келади.

Жамоада танқид, ўзини-ўзи танқид қилиш, баҳолаш, назорат қилиш, текшириш, бошқариш, ривожлантириш, намоён қилиш, гуруҳий мулоҳаза, мушоҳададан иборат мустақил ва соғлом фикр юритиш сифатлари шаклланади.

Инсонни инсон томонидан идрок қилиниши, яъни нотаниш шахснинг руҳий ҳолатини аниқлаш тахмин қилиш, энг зарур аломат ва белгиларни тўплаш ҳам мустақил фикрлаш махсулидир. Мазкур мураккаб босқичли билиш жараёни инсондан иродавий зўр бериш, ақлий жиддийликни, онгли муносабатни, барқарор вазиятни, қулай шарт-шароитни талаб қилади, муайян хулосага келинади.

Мустақил ва соғлом фикр юритиш жараёни, муаммоли вазият вужудга келишидан бошланади. Лекин мазкур вазият туғилиши, ечими бу билан тугалланмайди. Инсонда билишга нисбатан мойиллик, ихтиёрсиз хатти-ҳаракат муаммоли вазиятгача ёрқин бўлмаган носизликларни излаб топиш каби ҳолатлар юзага келади, сўнг туб маънодаги ечимга муҳтож муаммоли вазият яралади ва ниҳоят унинг ечими топилса-да, лекин билишнинг муаммодан кейинги босқичи фикрнинг ўз йўналишида ихтиёрсиз давом этаверади.

Ўқув фаолиятида фикр юритишнинг, тафаккур қилишнинг ўзаро мустаҳкам боғланган берк занжири вужудга келади.

Ҳар бир инсон ўз ақл-идроки, тафаккурининг теранлиги, интеллектуал шаклланганлигига хос ва мос ҳолда муаммоларни ечади ва ҳаётга жорий этади. Шу йўсинда шахснинг мустақил ва соғлом фикрлаш қобилияти сайқаллашиб бораверади.

## ТАБИИЙ ФАН ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП КИТОБ, ЖУРНАЛЛАРНИНГ КАСБ -ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИ ҲАЁТИДАГИ РОЛИ

*Б.М.РАХМОНОВ, С.Ш.АЗИЗОВА – ТИМИ*

Замонавий фанлар ютуқларини тарғибот қилиш ишлари ҳозирги кунда қанчалик қийинлашмасин, кўпгина олимлар билимларини оммалаштириш йўлида бор кучларини сарфламоқдалар.

Албатта, хозирги кунда кенг оммага, масалан, элементар зарраларда корпускуляр ва тўлқин хусусиятларининг мавжудлигини тушунтириш осон эмас. Бироқ инсоният тарихида бундай ҳолатлар кўп учраган. Жумладан, машхур Ньютон ва

Кузатишларимизга қараганда, кўпинча ота-оналар ва педагоглар болалар ва ўсмирлар жиноятчилигининг олдини олишга ёрдам қилиш кераклиги, қандай йўл-йўриқ ва усуллардан фойдаланиш зарурлиги масаласида қийналадилар. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, болалар ва ўсмирлар ўртасида хулқ оғишининг олдини олишда ҳеч қандай махсус ишлаб чиқилган йўл-йўриқ ёки усуллардан фойдаланиш талаб этилмайди. Аксинча, барча тадбирларни одатий тарбиявий восита ва болаларнинг умумий хулқ-атворини соғломлаштиришга қаратилган тадбирлар орқали амалга ошириш мумкин.

Шуни унутмаслик керакки, профилактик чора-тадбирларни болалар ва ўсмирларда жиноятчилик кўчасига кириб кетиш хавфи туғилмасдан қўлланилиши яхши натижа беради. Профилактик тадбирларни оилавий носоғлом муҳитнинг болага таъсири сезилганда, оиладан ташқарида хавфли таъсирлар юзага келганда, оилавий тарбияда хатоликка йўл қўйилганда ва болалар қаровсизлиги ҳолатларида амалга оширилиши янада мақсадга мувофиқдир. Болалар хулқидаги ўзгаришларнинг олдини олиш чора-тадбирлари оилада ва мактабда бир хил суръатда амалга оширилиши керак. Ўрни келганда оила ва мактаб умумий тарбияловчилик вазифасини, ўрни келганда эса профилактик таъсир кўрсатувчилик вазифасини амалга ошириши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, вояга етмаганлар ўртасида хулқ оғишини ва жиноятчиликнинг олдини олиш тадбирлари болалар ва ўсмирларнинг ёш ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилишини таъминлаш, вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишда мактаб, маҳалла ва оила ҳамкорлигини юзага келтириш, ижтимоий ҳамда оила муҳитини соғломлаштириш ва шу кабилар асосида олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади.

## АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ФУҚАРОЛАР ПОЗИЦИЯСИ

*Ж. ОЧИЛОВ – ДЖКА*

Жамиятимиз ривожида ахборот ва сўз эркинлиги воситасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш муҳим ўрин тутади. Бунда, айниқса, фуқаролик позициясини такомиллаштириш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Президентимиз И.А.Каримов томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да таъкидланганидек, «фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этади»[1]. Бу масалада ахборот хавфсизлиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки *ахборот хавфсизлиги* фуқароларнинг ахборот ва сўз эркинлигини рўёбга чиқаришда ҳаққоний маълумотларни тарқатиш, узатиш ва таҳлил қилиш билан

[1] Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010.



таъминланади. Бунинг акси ўлароқ, сохта ва ёлғон ахборотларни тарқатиш, узатиш ва тақдим этиш жамият ахборот хавфсизлигига путур етказади. Бундай ҳолат муайян хорижлик сиёсий кучларнинг мақсад-муддаосига айланиб бормоқда ва улар Интернет имкониятларидан фойдаланиб, бирор мамлакат ёки жамият ҳақида ёлғон ахборотларни тарқатмоқда. Натижада айрим мамлакатларда фуқароларнинг ўз жамияти ва тараққиёт йўлига бўлган ишончи сусаймоқда. Шу маънода ахборот хавфсизлигига зарарли таъсир кўрсатувчи омилларга қарши *фуқаролик позициясини* шакллантириш муҳим вазифалардан биридир.

Фуқаролик позицияси – бу жамият аъзоларининг сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, ғоявий ва маънавий жиҳатдан қатъий ва мустаҳкам қарашга эга бўлишидир. Фуқаролар мазкур хусусиятларга, асосан, ўз позициясини намоён қилади ва ахборот хавфсизлигини таъминлашда у муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида оммавий ахборот воситалари, уларнинг нодавлат шакллари, айниқса, Интернет жадал ривожланиб бормоқда. Ҳар қандай ёшдаги фуқаро кабелли телевидиния ёки Интернет воситасида хоҳлаган ахборотни олиши мумкин. Аммо бу ахборот воситаларида тарқатилаётган барча маълумотларнинг ҳаққонийлигига ҳеч ким кафолат бермайди. Шу маънода ахборот олиш, уни таҳлил қилиш ва ҳаққоний маълумотларни ажрата билиш кўникмасига эга бўлиши керак.

Фуқароларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашдаги позициясини мустаҳкамлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади: *сиёсий* жиҳатдан ҳушёр ва огоҳ бўлиш, *ижтимоий* жиҳатдан фуқаровий фаоллик кўрсатиш, *ҳуқуқий* жиҳатдан ахборот олиш ва тарқатиш қоидаларига риоя қилиш, *маданий* жиҳатдан керакли ахборотни истеъмол қилиш кўникмасини эгаллаш, *ғоявий* жиҳатдан миллий ғоя тамойилларини ўзлаштириш ва *маънавий* жиҳатдан эса ахборот соҳасида масъулиятли бўлиш. Бундай асослар фуқароларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашдаги позициясининг маъно-мазмунини белгилайди.

Биз фуқаролар позицияси тушунчасини қуйидагича тасаввур қиламиз (чизмаси):



Фукаролик позицияси телерадио, матбуот, интернет каби оммавий ахборот воситаларидан эълон қилинаётган турли хил ахборотлар оқимидан ҳаққоний ва тўғри, соғлом ва асосли маълумотларни олиш, истеъмол қилиш ҳамда узатишнинг кучли танчи сифатида кўзга ташланади. Шу сабабли ахборот хуружини уюштирадиган ғаразгўй кимсалар фукаролик позициясини издан чиқаришга уринади ва бу жамиятда ахборот хавфсизлигини издан чиқаради.




Мамлакатимизда фуқаролик позициясини мустаҳкам ва такомиллашишини юзага келтирувчи шарт-шароитлар мавжуд. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

***биринчидан***, аҳолимизнинг саводхонлик даражаси юқори бўлиб, фуқароларимиз ўрта ва ўрта махсус ва олий маълумотли;

***иккинчидан***, сиёсий тушунчалари юксак даража;

***учинчидан***, жамиятда ахборот олиш ва узатиш эркинлиги мавжуд (оммавий ахборот воситалари замонавий даражада ривожланган);

***тўртинчидан***, моддий фаровонлик ортиб бормоқда ва ҳ.к.

Мазкур шарт-шароитлар фуқаролик позициясини талаб даражасида бўлишини таъминламоқда. Шу сабабли жамиятда фуқаролик позицияси омилидан унумли фойдаланиш тақозо этилади.

Фуқаролар ахборот хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги механизмлар воситасида ўз позицияси билан фаол иштирок этади.

Демак, турли зарарли таъсирларга қарши курашишда ахборот хавфсизлигининг ўрни беқиёсдир. Ўз навбатида, маърифий ахборот хавфсизлигини таъминлаш фуқароларнинг фаол позициясига таянади. Бу масалани атрофлича тадқиқ этиш зарурат бўлиб турибди.



# МАЪНАВИЯТНИНГ УЛУҒВОРЛИГИ

*Н.ХУШВАҚОВА, А.МАМАТҚУЛОВ – АДУ*

Баркамол шахсни тарбиялаш барча даврларда муҳим ижтимоий талаблардан бири бўлиб келган.

Республикамиз мустақилликка эришгач таълим-тарбия жараёни қайта кўриб чиқилиб уни ривожлантириш учун бир қанча янги асослар юзага келди. Жумладан, «Таълим тўғрисидаги» Қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг яратилиши таълимни тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш имкониятини берди.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ўзининг бир қанча нутқ ва рисолаларида истиқболга эришишнинг йўллари, тамойилларини аниқ ва равшан кўрсатиб берган. Жумладан, «Юксак маънавият-енгилмас куч», «Истиқлол ва маънавият», «Ўзбекистоннинг сиёсий ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида», «Баркамол авлод орзуси» каби асарларида жамиятнинг маънавий жиҳатдан янгиланиши ва ривожланишининг асосий негизлари баён этилган.

Ўтиш даврининг энг асосий хусусиятларидан бири – бу жамиятнинг маънавий жиҳатдан янада юқори поғонага кўтарилишидир. Чунки ўтиш даври биринчи галда жамиятдан маънавий ўсишни талаб этади. Маънавий ўсиш ўз навбатида фан-техника, маданият, санъат ҳамда иқтисодий ривожланишига асос бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда маънавий фазилатларни тарбиялаш масаласи ўта долзарб масаладир.

Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да ҳар томонлама баркамол шахс-фуқарони шакллантириш назарда тутилган. Бундай натижага эришиш учун таълим-тарбия жараёнининг уйғунлигини таъминлаш, тарбия жараёнининг қонуниятларини чуқур ўрганиш ва бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган баркамол ёш авлодни тарбиялаш усулларини тақиқ қилиш лозим.

Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли асарларида шундай фикрлар қайд этилган: **«Ватанимизнинг келажаги халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унумаслигимиз керак».**

Бизга маълумки, бугунги кунга келиб турли хилдаги ядровий урушлардан кўра инсонларнинг қалби ва онгини захарлашга қаратилган мафкуравий курашлар барча мамлакатлар хавфсизлигига жиддий хавф туғдирмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, – «эндиликда ҳарб майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади». Бу аччиқ ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик керак. Чунки кишилар, айниқса, ёшлар онгини захарлаш ва

Миллий ғоямизнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳар бир фуқарода комиллик фазилатларининг мужассам бўлишига эришиш вазифасига тўхталар экан Ислом Каримов Ватан мукофотларига сазовор бўлган кишилар олдида нутк сўзлаб, уларнинг комил инсон сифатидаги ибратомуз ишлари катта аҳамият касб этганлигига эътиборни қаратди. **«Биз Ўзбекистоннинг келажаги шонли ўтмиши каби буюк бўлади, халқимиз фаровон турмуш ва осойишта ҳаётга албатта эришади ва шулар орқали жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллайди деб ишонч билдирар эканмиз, биринчи галда сиз каби фидоий, заҳматкаш, салоҳиятли, илму ҳунар эгаларига таянамиз».**[1]

Ўқимишли, олим кишилар жамиятнинг ибратли кишилари ҳисобланган. Ҳозир ҳам илм-фан ривожи учун жонбозлик қилаётган олимлар жамиятимизнинг мўътабар, ибратли тоифаси ҳисобланади. Ёшларнинг комил инсон бўлиб, илм-ҳунар эгаллашларида, жамият истиқболи учун фаол курашчи бўлиб етишишида улар қилаётган ишлар таҳсинга сазовордир. Бу ҳол Юртбошининг эътиборидан четда қолмади. Замонамизнинг энг фидойи олимларини ибрат қилиб кўрсатар экан, Яҳё Ғуломов каби фуқаролик жасоратини кўрсатган олимларни тилга олади. Унинг фикрича Яҳё Ғуломов «мустақил фикрга эга бўлган, керак бўлса, энг юқори лавозим эгасига ёқмайдиган тўғри гапни айта оладиган олим эди». Унинг фуқаролик жасоратига тўхталар экан Ислом Каримов таъкидлайди: «Тарихий тепаликларни ҳам текислаб пахта даласига айлантириш сиёсати авж олганда бунга қарши чиққан олим Яҳё Ғуломов бўлган».[2]

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз тараққиётига оид, унинг ютуқларини ифода этувчи ва тарғиб қилувчи дадил фикрларни илгари сурган зиёлилардан бири Озод Шарафиддинов бўлган. Унинг фикр тарзини ***маънавий жасорат*** дея тавсифлар экан Ислом Каримов шундай ёзади: ***«Мен билган ва ҳурмат қиладиган маънавий жасорат соҳибларидан яна бири атоқли олим ва жамоат арбоби Озод Шарофиддинов эди».***[3] Юқорида зикр этилган далиллар шуни билдирадики, Ислом Каримов талқинида аждодларимиз ва замондош олимлар ҳамда иқтидорли зиёлиларнинг ютуқлари, ҳаётий тажрибалари, фазилатлари, тафаккур қудрати барча учун, аввало, ўсиб келаётган ёш авлодимиз учун ҳамиша ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади.

## МЕҲНАТ ВА КАСБ ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

*А.А.ЗАПАРОВ, А.ЮНУСОВ, А.А.ЗАФАРОВ,*
*М.ЎРИНБОЕВА – АндДУ*

Истиқлол шарофати туфайли жамиятимизда чуқур маънавий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жумладан, миллий маданий меросимиз, миллий қадриятларимиз тарихини ва мазмунини ҳар томонлама ўрганиш ва тиклашга давлатимиз томонидан катта эътибор берилмоқда.

---

[1] Каримов И. А. Ватан мукофотлари топширилди. //Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. – Т.5. Тошкент. «Ўзбекистон» 1997.

[2] Каримов И. А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». //Каримов И. А. «Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз». Т.7. Тошкент. «Ўзбекистон» 1999. 151-152бет.

[3] Каримов И. А. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Тошкент, «Маънавият» 2008. 167-168 - бет.



Меҳнат ва касб таълими йўналиши талабаларига бой миллий қадриятларимиз, уларни истиқлолимизни ҳар томонлама мустаҳкамлашда тутган ўрнини ўқув жараёнида сингдириб бориш имкониятлари мавжуд.

Ёшларимизни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш маънавий тарбиянинг ажралмас қисми бўлиб, бу масалага жиддий ёндашган ҳолда аниқ режа асосида иш олиб борилиши лозим. Ўқув фанлари мавзулари мазмунига мос ҳолда ҳамда касб-ҳунар таълими бўйича синфдан ташқари ишларни таҳлил қилиш натижасида талабаларга миллий қадриятлар ҳақидаги асосий тушунчаларни сингдириш қуйидаги структуравий кўринишда амалга оширилиши мумкин:




Дарс жараёнида миллий қадриятларни талабаларга тушунтириб боришда ўтилаётган мавзунинг мазмунига мос касб-ҳунар, маънавий-маърифий мавзуларда суҳбат, касбга оид видеофильмлар ва интернет маълумотларидан фойдаланиш мумкин. Мавзулар бўйича материал танлаш ўқитувчидан чуқур билим ва тажриба талаб қилади, акс ҳолда берилаётган материал ўқувчиларга зерикарли туюлиши мумкин. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг толиққанлиги сезилса мавзуга оид (халқ амалий санъати, ҳунармандчилик, маданий меърослар) видеоматериаллар намойиш этишни тавсия қиламиз. Ўтказилган тадқиқотларимизда бундай видеоматериаллар талабаларда тетиклик ва яхши кайфият ҳосил қилиши кузатилди. Бундан ташқари кўргазмали материал сифатида қабул қилинган маълумотларнинг талабалар хотирасидаги яшовчанлиги анча узоқ давом этиши аниқланди.

Талабаларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш синфдан ташқари ишларда, асосан, суҳбатлар, баҳслар, халқ ҳунармандлари билан учрашувлар, ушбу мавзулар бўйича реферат, курс иши, битирув малакавий ишлари тайёрлаш, шунингдек талабаларни техник ижодкорлик ишларига йўллаш каби шаклларда амалга оширилади. Курс ишлари ва битирув малакавий ишлари учун қуйидаги мавзуларни мисол сифатида келтириш мумкин: «Меҳнат ва касб таълими дарсларида талабаларга Миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунчаларини сингдириб бориш», «Меҳнат ва касб таълими дарсларида миллийлик масалалари», «Эркаклар миллий кийимларига замонавий кўриниш бериш ва уни мактаб

ўқувчиларига ўргатиш», «Умумтаълим мактаблари ва касб ҳунар коллежларида ўқувчиларга халқ амалий санъатини ўргатиш», «Умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларида зардўзлик бўйича тўгарак ташкил қилиш», «Аёллар миллий кўйлакларига безаклар беришда дизайн элементларини қўллаш», «Умумтаълим мактаблари ва касб ҳунар коллежлари ўқувчиларига ёғоч ўймакорлигини ўргатиш услубиёти» ва бошқалар.

Ўқув фанлари мазмунини миллий қадриятларимиз билан боғланган ҳолда ўқитиш ёшларимизни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашда ҳамда уларни маънавий етук мутахассислар бўлиб етишишида муҳим роль ўйнайди.

## ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ВА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДАГИ ФАОЛЛИК

*Ж.ШОНАЗАРОВ,*
*Ҳ.ЭРГАШЕВА Қарши МИИ*

Ўзбекистон Республикаси сиёсий мустақилликни қўлга киритгач, ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида туб ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Тоталитар бошқарув усули асосида иш юритилаётган халқ таълими тизимида ҳам сўнгги ўн йилликлар давомида юзага келган муаммоларни ҳал этиш вазифаси Республика ҳукумати ҳамда мутасадди ташкилотларни таълим тизимида ҳам жиддий ўзгаришларни амалга оширишга ундади. Дарҳақиқат, комил ишонч билан айтиш мумкинки, жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш, иқтисодиётда ва ижтимоий соҳаларда мўлжалланган устувор вазифаларни амалга оширилиши ўзининг ижобий натижаларини намоён қилмоқда.

Муҳтарам юртбошимиз Ислом Каримов мустақиллигимизнинг остонасидаёқ башорат қилиб таъкидлаган эдиларки, «...илм-фанда ҳам, техникада ҳам, технологияда ҳам, ишлаб чиқаришни ташкил этишда ҳам шитоб билан ишлаш, шунга яраша одамлар онгида, дунёқарашида ҳам ўзгаришлар бўлиши керак».[1] Жамият аъзоларининг моддий ва маънавий эҳтиёжлари, уларни қондириш йўлида ташкил этиладиган амалий ҳаракатлар ишлаб чиқариш жараёнини юзага келтиради. Мазкур жараёнда ижтимоий субъектларнинг у ёки бу товарларга бўлган эҳтиёжи, бошқа айтганда талаби ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминловчи асосий омил саналади. Ижтимоий субъектларнинг товарларга бўлган эҳтиёж (талаб)ларини қондириш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналари ўз навбатини муайян маҳсулот (таклиф)ни тақдим этади. Бу эса, ўз-ўзидан, ишлаб чиқариш ва ижтимоий субъектга хос эҳтиёжлар ўртасида ўзаро мустаҳкам, қайтар алоқа мавжудлигини ифодалайди. Яъни:

1) ижтимоий субъектларнинг эҳтиёжлари ишлаб чиқариш жараёнини ҳаракатга келтиради;

2) ишлаб чиқариш жараёнида тайёрланган маҳсулот (товар)лар эса ижтимоий субъектларга хос бўлган моддий ёки маънавий эҳтиёжларнинг доимий равишда ўсиб, ортиб боришига таъсир кўрсатади.

[1] И. Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т., 2011. - 77 б.



Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да ишлаб чиқариш кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида эътироф этилади. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш йўналишлари ҳам аниқ кўрсатиб берилган. Мазкур йўналишлар сирасига қуйидагилар киради: кадрлар салоҳиятини тубдан яхшилаш; педагогларнинг касбий нуфузини ошириш; давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг турларини ривожлантириш; таълим тизимини таркибий жиҳатдан қайта қуриш; таълим дастурларини тубдан ўзгартириш; мажбурий ўрта умумий таълимдан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига ўтилишини таъминлаш; янги типдаги ўқув муассасаларини вужудга келтириш; янги касб-ҳунар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар, шу жумладан, бошқарув тизими кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш; таълимнинг барча даража ва бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш; таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва моддий-техник таъминотни яратиш каби ишлар келтирилган.

Ишлаб чиқаришнинг фаол иштироки нафақат техник ва технологик йўналишларда фаолият юритувчи, шу билан бирга, педагогик олий таълим муассасаларида ҳам бевосита кўзга ташланади. Айниқса, педагогика олий таълим муассасаларида ишлаб чиқаришнинг роли малакали кадрларни тайёрлашга буюртма берувчи ва таълим жараёнини молиялаштириш, моддий-техник таъминотини яхшилашдаги иштирокчи сифатидагина намоён бўлмайди, балки умумкасбий фанлар бўйича талабалар томонидан ўзлаштирилаётган назарий билимларни амалиётда бевосита қўллаш орқали кўникма ҳамда малакаларнинг ҳосил қилинишини учун талаб этиладиган зарур шарт-шароитларни яратувчи бўлганлиги билан ҳам изоҳланади.

Маълумки, барча даврларда ҳам ўқитиш мазмуни, таълим тизими ижтимоий тараққиёт билан ўзаро мувофиқликда ривожланиб келган. Рўй берган ижтимоий ўзгаришларнинг барчаси муайян даражада таълим мазмунида ўз аксини топади. Буни илм-фан, техника ва технология соҳаларида рўй берган ўзгаришларнинг ўқитиш жараёнига татбиқи мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда таълим муассасаларида асрлар давомида инсоният томонидан асосланган илмий билимлардан ёш авлодни хабардор этиш мақсадида тизимли, изчил, узлуксиз ва, албатта, мақсадга мувофиқ равишда педагогик фаолият олиб борилади. XX асрда техника ва технология соҳаларининг жадал ривожланиши эса ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий ўзгаришлар, илм-фан, техника ва технология ютуқларини таълим мазмунига сингдиришда пешқадамликка эришилди. Агарда таълим жараёнида ўтган асрнинг 30-йилларида педагогик техника сифатида усул ва воситалар қўлланилган бўлса, 50-йилларда таълим жараёнини техник воситалар ёрдамида ташкил этиш, 60-йилларда эса ўқитиш ишларини дастурлаш анъанаси шаклланди.[1]

Мустақиллик йилларида жамиятда бозор иқтисодиёти муносабатларининг қарор топиши билан боғлиқ равишда ишлаб чиқариш жараёнида фаолият юритаётган, шунингдек, олий таълим муассасаларида тайёрланаётган кадрларда назарий билимларни амалиётга бевосита, самарали татбиқ эта олиш қобилиятини ривожлантиришга бўлган эҳтиёж шаклланди. Олий таълим муассасаларида бўла-

[1] Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. – Тошкент: "Фан" нашриёти, 2006. – 8-бет

жак мутахассисларининг ўкув ва ишлаб чикариш таълими жараёнидаги фаоллигига эга бўлишлари юкорида қайд этилган эхтиёжни кондиришнинг муҳим омилларидан бири хисобланади.

Бўлажак касб таълими ўкитувчиларида ўкув ва ишлаб чикариш таълими жараёнидаги фаоллигини шакллантириш жараёни педагогика олий таълим муассасалари фаолиятининг муҳим таркибий қисми сифатида акс этади. Шу боис мазкур таълим муассасаларида касб таълими йўналиши бўйича талабаларда ўкув ва ишлаб чикариш таълими жараёнидаги фаолиятини шакллантиришга хизмат киладиган зарур педагог шарт-шароитларни яратиш максадга мувофикдир. Хўш, яратилиши лозим педагогик шарт-шароитлар нималардан иборат? Педагогика олий таълим муассасалари талабалари ўкув ва ишлаб чикариш таълими жараёнидаги фаоллигига эга бўлиш учун кандай билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришлари лозим?

Танланган муаммони назарий жиҳатдан ўрганиш, талабалар фаоллигини бевосита кузатиш, касб таълими фани ўкитувчилари билан сухбатлар ташкил этиш ўкув ва ишлаб чикариш таълими жараёнидаги фаоллигига қуйидаги педагогик шарт-шароитларни яратиш оркали эришиш мумкинлигига ишонч хосил килинди:

– таълим жараёнини ихтисослик соҳаси бўйича чукур билим, педагогик маҳорат ҳамда муайян иш тажрибасига эга педагоглар томонидан ташкил этилишини таъминлаш;

– таълим муассасалари билан ишлаб чикариш корхоналари ўртасида малакали кадрлар тайёрлаш борасида ўзаро ҳамкорликнинг карор топтирилишига эришиш;

– таълим ва ишлаб чикариш ўртасида интеграцияни ҳосил килиш;

– мутахассислик билимларини ўзлаштиришда таълим ҳамда ишлаб чикариш ўртасидаги интеграциянинг доимий, изчил, тизимли ва узвий бўлишини таъминлаш;

– таълим ва ишлаб чикариш жараёнларини замонавий илм-фан, техника ва технология ютуклари, инновацион янгиликлар билан бойитиш.

Назарий ўрганиш ва педагогик кузатиш натижаларига кўра педагогика олий таълим муассасаларини талабалари ўкув ва ишлаб чикариш таълими жараёнидаги фаоллигига эга бўлиш учун қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришлари максадга мувофик эканлиги аникланди:

– ўкув ва ишлаб чикариш таълими жараёнидаги фаоллигига эришиш бозор иктисодиёти шароитида кескин ракобатга бардошли бўлишнинг кафолатловчи омил эканлигини тушуниш;

– психологик хусусият ва шахсий сифатлари шахснинг ўкув ва ишлаб чикариш таълими жараёнидаги фаоллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини идрок килиш;

– идрок килиш асосида ўкув ва ишлаб чикариш таълими жараёнидаги фаоллигига эга бўлиш учун муайян даражада амалий ҳаракатларни ташкил этиш, мавжуд вазиятларда назарий билимларни амалда кўллаб кўриш ва бу жараёнда намоён бўладиган конуниятлар моҳиятини ўзлаштириш;

– назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштириш;

– ўзлаштирилган назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш йўлида изчил изланиш;

– билим, кўникма ва малакаларни амалда кўллаш тажрибасини ҳосил килиш;



– муайян муддатларда фаолият натижаларини таҳлил килиш оркали эришилган ютук ва йўл кўйилган хатоларни аниклаш ҳамда фаолият самарадорлигини мустакил ёки масъул шахслар (педагоглар, ишлаб чикариш усталари) томонидан баҳоланишига эришиш.

Юкорида билдирилган фикрлар, шунингдек, мавжуд манбалар билан танишиш натижасида педагогика олий таълим муассасалари талабаларида ўкув ва ишлаб чикариш таълими жараёнидаги фаоллигини шакллантиришда қуйидаги йўллардан фойдаланиш кутилган натижаларни кўлга киритиш имкониятини ярата олишига ишонч ҳосил килинди:

1. Инновацион технологияларни жорий этиш ва интерактив таълимни йўлга кўйиш;

2. Талабаларни ишлаб чикариш амалиётига фаол жалб килиш;

3. Факультет талабаларининг ишлаб чикариш устахоналарида кўшимча равишда мустакил шуғулланишлари учун шароит яратиш;

4. Талабаларнинг дарсдан бўш вактларида ихтисослик соҳалари бўйича ишлаб чикариш жараёнида банд бўлишларини таъминлаш.

Касбий таълимни ташкил этишда мазкур йўллардан фойдаланиш талабаларда ўкув ва ишлаб чикариш таълими жараёнидаги фаоллигини шакллантирибгина колмай, шу билан бирга уларнинг мустакил касбий фаолиятга самарали тайёрлашга ҳам ёрдам беради.

Шундай килиб, бозор муносабатлари шароитида педагогика олий таълим муассасалари талабаларида ўкув ва ишлаб чикариш фаоллигини шакллантириш уларнинг келгусида кучли ракобатбардош кадрлар тайёрлашни таъминлайди. Ана шу максадда олий таълим муассасаларида муайян шарт-шароит яратиш, шунингдек, талабаларда ўкув ва ишлаб чикариш таълими жараёнидаги фаоллигини шакллантириш самарадорлигини таъминловчи йўллардан фойдаланиш талаб этилади. Хулоса ўрнида шуни кайд этиш жоизки, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Ўзбекистон республикасида таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳалар мазмунини ўзида акс эттирган муҳим юридик ҳужжат бўлиб, истикбол учун йўлланмадир.

## СОҒЛОМ АВЛОД – ЖАМИЯТ ТАРАККИЁТИНИНГ ПОЙДЕВОРИДИР

*доц., М.ДАДАЖОНОВА, Ф. ЖАЛОЛОВ,*
*Ҳ.САЙФУТДИНОВ – АндМИ*

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузасида «жисмоний ҳам маънавий жиҳатдан етук, ўз мустакил фикрига эга, оқни корадан ажратишга, тараккий топган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишга кодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг соғлигини асраш, ҳаётга йўллашда оиланинг ўрнини ҳеч нарса билан баҳолаб бўлмаслигини юксак кадрлашимиз»[1] айтиб ўтдилар.

[1] "Халк сўзи" газетаси 2011 йил 8 декабрь.

маънавий баркамол, жисмоний етук ёшларни тарбиялаш иши янги босқичга кўтарилаётганини кўрсатади.

Дастурнинг болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг таълим олиши, жисмоний, маънавий камол топиши билан боғлиқ бўлган вазифаларни кенг кўламда бажариш масалаларига ҳам катта эътибор берилди. Болаларнинг туғма касалликларини даволаш бўйича эътиборга лойиқ бўлган кўп ишлар қилинди.

Бошлангич мактабларда ўқийдиган ёш болаларга ҳам катта ёрдамлар кўрсатилгани ҳаммамизга маълум. 2000 йилнинг ўзида умумтаълим мактабларининг биринчи синфга кираётган болалар, меҳрибонлик уйларида тарбияланувчиларни дарсликлар, ўқув анжомлари билан таъминлаш учун 2 миллиард 508 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида кенг кўламда замонавий лицейлар ва коллежлар қурилаётгани ҳам соғлом авлодни тарбиялаш билан боғлиқ бўлган тадбирлар тизимига киради.

Соғлом авлод – маънавий камолотнинг жисмоний саломатлик билан бирлигидир. Шу сабабли Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Барча босқичдаги ўқув юртларида спорт, жисмоний тарбия ишлар кенг йўлга қўйилди.

Миллий спорт турларини ривожлантириш ва кенг тарғиб этишга ҳам катта эътибор берилмоқда. «Алпомиш ўйинлари», ёшлар ўртасидаги теннис мусобақалари, спартакиадалар шулар жумласидандир.

Бу борадаги тадбирлар кишиларнинг онги, эътиқоди, ҳаётий мўлжалларига ҳам таъсир этди. Ислом Каримов кўрсатиб ўтганидек, «Соғлом авлод дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш натижасида, мана шу хайрли ва савобли ишлар туфайли кенг жамоатчилик онгида, халқимиз дунёқарашида соғлом авлод масаласига бўлган муносабат тубдан ўзгариб бормоқда»[1]

Ислом Каримов соғлом авлодни тарбиялаш билан боғлиқ, тадбирлар кенг кўламлилиги, мавсумий эмаслиги, давлатимиз ва миллатимиз истиқболи учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканини кўрсатиб, 2000 йил 7 декабрда Ўзбекистон конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантана маросимида сўзлаган нутқида 2001 йилнинг мамлакатимизда «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиш тўғрисида таклиф киритди. Бу таълим, тарбия ишлари борасидаги бутунлай янги бир йўналиш эмас, балки соғлом авлодни тарбиялашдаги тадбирларнинг мантиқий давоми, янги бир босқичдир. Ислом Каримов кўрсатиб ўтганидек, биз « Соғлом авлод йили» деб номлантан 2000 йил мобайнида қилган барча эзгу ва савобли ишларимизни янги йилда ҳам давом эттиришимиз зарур»[1].

Ислом Каримов ўз нутқида бу борада қилиниши лозим бўлган асосий вазифалар тизимини ҳам белгилаб берди. Бу вазифалар тизимига она бағрида юзага келган зурриётни соғлом ҳолда ривожланишини, уни энг замонавий тиббий воситалар ёрдамида кузатиб бориш, онанинг саломатлигини сақлаб, боланинг ҳам саломат туғилишини таъминлаш, туғилган гўдакни дунёга келган куниданоқ тиббий назорат остига олиш, турли касалликларга қарши эмлаш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш, болаларни ёшлигиданоқ жисмоний, маънавий соғлом этиб тарбиялаш, тарбиянинг педагогик, психологик муаммоларини ота-оналарга тушунтириш, бу ишларда ота-боболаримиздан мерос бўлиб келган анъаналар, қадриятлардан фойдаланиш ва бошқалар киради.

---

[1] "Ишонч" газетаси 2000 йил 8 декабрь.



Тарбия муаммолари инсоният тарихининг барча даврларидаги ғоялар, мафкуралар тизимидан ҳам катта ўрин олган. Инсоннинг онги, эътиқоди учун бўлган курашлар ҳам ёшларга тарбиявий йўллар орқали таъсир этиш шаклида намоён бўлади. Шу сабабли ҳам жисмоний соғлом, маънавий баркамол инсонни тарбиялаш Ўзбекистон миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойилларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ислом Каримов миллий мафкурамизнинг асоосий ғоявий – тарбиявий жиҳатлари устида алоҳида тўхтаб қуйидаги фикрларни айтди: «Миллий мафкура халқнинг мақсад-муддаоларини ифодалайди, тарих синовларидан ўтишда унинг руҳини кўтариб, суяниб ва таянч бўлади, шу миллат, шу жамият дуч келадиган кўплаб ҳаётий ва маънавий муаммоларга жавоб излайди. У инсонга фақат моддий бойликлар, неъматлар учун эмас, аввало, Аллоҳ таоло ато этган ақл-заковат, имон-эътиқод туфайли юксак маънавиятга эришиш учун интилиб яшаш лозимлигини англатадиган, бу мураккаб ва таҳликали дунёда унинг тараққиёт йўлини ёритадиган маёқдир»[1].

Оиланинг моҳияти, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар ҳақида катта-катта асарлар ёзилган. Таълим-тарбия масалаларида барчамиз тарихий мерос, ўз давримиз эҳтиёжлари ва имкониятларидан келиб чиқиб фикрлаймиз. Лекин тараққиёт давом этаверади. Инсон тарбиясини такомиллаштириш, маънавий камолотини янги босқичга кўтариш зарурияти ҳеч қачон тўхтамайди.

Жамият тараққий этгани сари соғлом авлод тушунчасининг мазмуни кенгайиб, ёшларни давр руҳи, эҳтиёжлари асосида тарбиялаш борасидаги вазифалар тизими ҳам такомиллашиб боради. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ.

## ОИЛА ВА ЖАМИЯТДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

*С.С.АБДУКАРИМОВА – Вилоят ҳокими ўринбосари,*
*хотин-қизлар қўмитаси раиси*

**Илм ва тафаккур олимлар қалбига нур, онгига зиё, хонадонига файз барака келтирадиган мўъжизадир.**
***Ислом Каримов***

Ўзбекистон XXI асрга мустақил диёр сифатида қадам қўйди. Мамлакатимиз мустақиллиги туфайли қадриятларимиз тикланиб, хотин-қизларнинг республикамиз сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги, жамиятимиз турмушининг маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлашдаги мавқеи ва мавқеи ошди.

Истиқлолни мустақил фикрловчи, фидоий, интеллектуал салоҳиятли, зиёли инсонлар мустаҳкамлайдилар. Бу жараёнда ўзининг билими, илми билан меҳнат қилаётган олима аёлларимизнинг ўзига хос ўрни бор, албатта. Аёлларга эътибор қаратган, уларни эъзозлаган юрт тараққийпарвар ва инсонпарвардир.

---

[1] "Миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойиллар". Тошкент. 2000 йил.

кўпгина диний маросимлар халкимиз томонидан исломгача ижод килинган. Улар халк орасида асрлар давомида шаклланган, умуминсоний кадриятларга айланган одатлар. Бу миллий маросимларга мусулмон диний арбоблари диний мазмун бериб, исломга мослаштириб олганлар.

Ўзбек халкининг диний маросимлари кишиларнинг ўзаро муносабатларидаги яхши фазилатларини, миллий, умумбашарий кадриятларини акс эттиради, аҳоли ўртасида меҳр-окибат ва мурувватни баркарорлаштиради. Бу маросимлар халқ манфаати учун хизмат килади. Қадим замонлардан бери халқ томонидан авайлаб сакланиб келинаётган диний урф-одатлар маросимларининг айримлари Рамазон ва Қурбон ҳайитлари, мукаддас жойларни зиёрат килиш, никоҳ ва никоҳ тўйи, хатна тўйи, ҳаётдан кўз юмганларнинг хотирасини ёд этиш, жаноза ва бошкалар. Бу байрам, тўй ва бошка маросимлар халкимиз томонидан сакланиб келинмокда ва жамоатчилик иштирокида ўтказилмокда.

Исломга хос маросимлар, урф-одатлар халкимиз ҳаётига сингиб кетган ва халкнинг турмуш тарзига айланиб колган. Жумладан, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари мусулмонларнинг анъанавий байрамлари ҳисобланади. Бу байрамларда кишилар кариндош-уруғларидан, кексалардан, касаллардан хабар олишган, урушганлар ярашган. Диний байрамлар фукароларни бир-бирига якинлаштирган, бирлигини мустаҳкамлаган. Бу шодиёна байрамларни каттаю-кичик сабрсизлик билан кутган. Халкимиз бу ҳайитларни ишламай, байрамона кийиниб, дам олиб, ўйин-кулги билан ўтказган.

1917 йилдан 1991 йилга кадар, яъни Совет даврида бу байрамларни нишонлаш ман этилган эди. Ҳайит кунлари Совет идоралари, корхоналар, хўжаликларда иш куни бекор килинмаган, дам олиш, байрам килишга рухсат берилмаган.[1] Чунки бу байрамларни Совет хукумати эскидан колган удумлар деб, халкларни маънавий ҳаётидан узоклаштирганлар.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати мустакилликнинг дастлабки йилларидаёк диний ташкилотлар билан алокаларни ўрнатди ва узвий ҳамкорликни таъминламокда. Шу максадда 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича Қўмита ташкил килинди. Диний ташкилотларнинг манфаатларини давлат сиёсатида ифода этиш ушбу кўмитанинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Республикада виждон эркинлигини жорий этилиши, аҳолининг диний маросим ва урф-одатларини адо этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмокда. Ушбу максадда янги масжид ва мадрасалар курилди, эскилари эса таъмирланди.

Мусулмонларнинг кутлуғ саналари – Қурбон ва Рамазон ҳайитлари кунларини доимий суръатда байрам килиш ва ушбу кунларни дам олиш кунлари деб эълон килиниши ҳам халкнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарди ва мустакиллик неъматларидан бири бўлди. 1992 йил 27 мартда Республикамиз Президенти мусулмонларнинг истак ва хоҳишларини инобатга олиб ҳамда фукаролар ўртасида меҳр-окибатни баркарорлаштириш максадида «Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон килиш тўғрисида» фармон эълон килди. Ушбу фармоннинг аҳамияти кишиларимизнинг 20 йиллик мустакиллик даврида эзгулик томон кескин бурилганликларида намоён бўлмокда. Ўзбекистонда диний маросимлар ва урф-одатларнинг ривожланишига кенг йўл очиб берилиши миллий тараккиётимизнинг янада гуллаб-яшнашига хизмат килади.

---

[1] Усмонов М.А. Ислом ақидалари ва маросимлари. –Т.: «Ўзбекистон»,1975.



# ТАЛАБАЛАРГА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ БЕРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Д.Р.ФАРСАХОНОВА – ЖДПИ*

Жамиятнинг таълим-тарбия соҳасидаги асосий эҳтиёжларидан бири бу – ҳар томонлама баркамол, етук мутахассис кадрлар тайёрлашдан иборат. Шундай экан, бўлажак мутахассисларни интеллектуал салоҳиятли, маънавий-ахлокий баркамол шахс сифатида тарбиялаш давр талаби ҳисобланади. Бунда эса талабаларнинг ахлокий жиҳатдан етуклиги ҳам муҳим ўрин тутади.

Мазкур маколада талабаларга ахлокий тарбия беришни такомиллаштириш йўллари хусусида фикр юритилади.

Инсоннинг ахлокий тарбияланганлиги унинг теварак-атрофдаги муносабатларидан намоён бўлади. У инсоннинг ҳисларида, кечинмаларида ифодаланади ҳамда хулк-атворида, хатти-ҳаракатида кўринади. Ахлокий тарбиянинг максади шахсни ахлокий жиҳатдан етук килиб шакллантиришдир.

Шахснинг муҳим маънавий сифатлари бўлган ахлокий онг, ҳиссиёт ва хулкни шакллантириш, ватанпарварлик, ватанга муҳаббат, Ўзбекистон герби, байроғи, мадҳиясига ҳурмат, инсонпарварлик, меҳнатга муносабат, жамоа билан биргаликда килинадиган изланишларга муносабат, онгли интизом ва бошка туйғуларни камол топтириш ахлокий тарбиянинг асосий вазифаларидир.

Ахлокий тарбиянинг мазмуни, аввало, талабаларнинг амалий фаолиятларида, ўкиш, меҳнат, жамоатчилик ишларида, уларнинг муносабатлари характерида, ўзаро таъсир кўрсатиш усуллари, хулк-атвор меъёрларини ўзлаштиришларида намоён бўлади.

Ахлокий тарбия деганда, шаклланаётган, ривожланаётган, ўсиб келаётган авлодда хулк-одоб меъёрларига мос келувчи сифатларнинг шаклланиши тушунилади. Талабаларга ахлокий тарбия бериш жараёнида ахлокий тарбиянинг ўзаро боғликлик жиҳатларига эътиборни каратиш муҳим ҳисобланади. Ушбу соҳада олиб борилган изланишларимиз натижаларининг кўрсатишича, талабалар ахлокий тарбияси бўлажак мутахассисларни маънавий етук килиб тарбиялашда мустаҳкам ғоявий-дидактик асос бўлар экан. Шу сабабли ҳам уларни ўрганиш ва талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда талабалар маънавий-ахлоқий тарбиясига куйидагича (1-шакл) тизимли ёндашув лозим. Бунда маънавий ва маърифий таъсирлар, ахлок категориялари ҳамда муносабатлар каби кисм тизимларининг ўзаро алокадорлигига ҳам эътиборни кучайтириш лозим.

Ахлокий тарбияда тарбияланувчига таъсир кўрсатадиган муҳитни (оила, ўртоклар ва дўстлар, жамоа муҳити) ҳам ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Бўлажак мутахассисларни ахлокий жиҳатдан тарбиялаш жараёнида кишилар ўртасидаги муносабатлар алоҳида аҳамият касб этади. Талабаларда таркиб топтириладиган ижобий муносабатларни куйидагича тизимлаштириб, муносабатлар иерархияси ҳосил килинди:




1-шакл. Ахлоқий тарбиянинг ўзаро боғлиқлик жиҳатлари.



**I. Талабаларнинг Ватанга бўлган муносабатлари:** туғилиб-ўсган юртига бўлган ижобий муносабати; она замин табиатига бўлган тўғри муносабати; Ватан тараққиёти босқичларига бўлган муносабати; халқига бўлган муносабати; она тилига бўлган муносабати; турмуш тарзига бўлган муносабати; маданиятига бўлган муносабат; қадриятларга бўлган муносабат ва шу кабилар.

**II. Талабаларнинг оилага бўлган муносабатлари:** ота-онага бўлган муносабати; ака-укага бўлган муносабати; эр-хотиннинг ўзаро муносабати; фарзандга муносабати; талабаларда қариндошларга бўлган муносабати; оилавий урф-одатлар ва анъаналарга бўлган муносабат; оилавий қадриятларга муносабат ва шу кабилар.

**III. Талабанинг жамиятга бўлган муносабатлари**: ишлаб чиқаришга муносабат; оилавий муносабатлар; сиёсий муносабатлар; ҳуқуқий муносабатлар; ахлоқий муносабатлар; диний муносабатлар; эстетик муносабатлар ва ҳоказо.

**IV. Талабаларнинг ўқув масканига бўлган муносабатлари**: ўтиладиган фанларга муносабат; амалдаги ўқув режасига муносабат; дарс сифатига муносабат; ўқитувчи шахсига муносабат; мураббийга муносабат; «Устоз-шогирд» тизимига муносабат ва ҳоказо.

**V. Талабаларнинг бир-бирига бўлган муносабатлари:** биргаликда дарс фаолиятига муносабат; ўз муваффақиятларини ўртоқлари билан баҳам кўриш; ўз гуруҳдошларига содиқ қолиш; ижтимоий фойдали ва онгли меҳнатга муносабат; иқтидори бўйича гуруҳда ўз ўрнига эга бўлишга интилиш; ўртоқларига меҳр-оқибат кўрсатиш; сўзида тура билиш; тенгдошларининг хато-камчиликларини тузатиш ва шу кабилар.

Талабаларда мазкур муносабатларни таркиб топтиришни жорий этиш учун махсус ишлаб чиқилган «Ахлоқ» номли компьютерли тизимдан фойдаланиш ижобий педагогик самараларини берди. Чунки, компьютерли тизимда муносабат турлари бўйича талабалар учун қизиқарли бўлган, уларни ўзига жалб қила оладиган дидактик материаллар тўпланган эди. Бундан ташқари, яратилган компьютерли тизимда ахлоқ категориялари, маънавий таъсирлар, маърифий таъсирлар, электрон қомусий луғат, дидактик портфель учун бой материаллардан маълумотлар базаси яратилган.

Мазкур компьютерли тизим ушбу соҳадаги инновацион таълим технологиясидан иборат бўлиб, у бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида унумли ва ўринли фойдаланишга кенг имкониятлар яратади ва юқори ижобий истиқболли натижаларини қўлга киритишни кафолатлайди.

## АХБОРОТЛАШУВ ЖАРАЁНИНИНГ ТИҒИЗЛАШУВИ – МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТИЗИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛИ

*Г.АҲМАДБЕК қизи – ТДИУ*

Ҳозирги даврда инсоният ахборотлашган жамият шароитида яшамоқда. Бундай ном жамият бойлигини яратишда ахборот, билимнинг ҳал қилувчи ролини таъкидлаш билан кифояланмайди, балки жамият ва инсон ҳаётида ахборотнинг ўрни тубдан ўзгарганлигини, ижтимоий соҳаларда кечаётган барча жараёнларга ҳал қилувчи таъсир кўрсатаётганлигини ҳам билдиради.

Албатта, ҳар қандай жамиятда ахборот бўлган. Ахборот инсон ҳаётининг атрибутив хусусиятидир. Бинобарин, жамият такомиллашган сари ахборотнинг жамият ва инсонга таъсири ҳам кучайиб келган. Аммо бу борада ўтмиш тарихдаги ҳеч бир даврни ахборотнинг ўрни масаласида ҳозирги давр билан таққослаб бўлмайди.

**Биринчидан,** у ёки бу мамлакатнинг иқтисодий бойлиги, иқтисодий ривожланиши, ва демак бошқа соҳалардаги имкониятлари ахборотлардан (билимлардан) ишлаб чиқаришда қай даражада фойдалана олиш, энг янги технология асосида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан белгиланади. Шу сабабли, моддий ишлаб чиқаришда ахборот, билим, ғоя бирламчи, уни амалиётга қўлловчи интеллектуал касб соҳалари муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

**Иккинчидан,** ҳозирга қадар билишнинг субъекти фақат инсон, бошқа унинг билим фаолияти йўналган барча нарсалар, шу жумладан, ахборот ҳам билишнинг объекти бўлиб келган бўлса, ҳозирги шароитда вазият ўзгарди. Ахборотнинг тиғизлиги, оқимлари шу даражада кучайиб кетдики, уни келажакнинг қиёфасини белгилаб берувчи алоҳида дунё сифатида қарамоқда, инсон руҳияти ва онгига шу даражада таъсир кўрсатмоқдаки, инсонни ахборот объекти сифатида қарамоқдалар.

Ҳақиқатдан ҳам, ҳозирги авлод турли шаклларда, турли воситаларда, турли усулларда тарқалаётган кучли ахборот оқимлари босимлари остида яшайди. Бу ахборотларга унинг ўзи ҳам интилади, ундан қочиб қутула олмайди ҳам. ОАВдан тарқалаётган ахборотлар, интернет, дисклар, уяли алоқа воситаларига юбориладиган маълумотлар (SMS, MMS) унинг онгига тинимсиз таъсир қилиб туради, охир-оқибатда инсоннинг онгини, маънавиятини, дунёқарашини ва ҳ.к., ахборотнинг мазмуни белгилайди.

Ахборот жамият ҳаётида шундай инқилоб қилмоқдаки, у бир томондан, моддий тараққиётни белгилаб бермоқда (тугаб бораётган ресурсларнинг ўрнини коплайдиган манбаларни яратадиган билимларсиз тараққиётни тасаввур қилиб бўлмайди). Иккинчи томондан эса, ахборотлар турли кучларнинг манфаатларини ифодалайди, турли ахлоқий ғояларни, хатти-ҳаракатларни тарғиб қилади, инсон руҳияти ва онгига осон таъсир этадиган восита ва шаклларда уйғотилиб, кишиларни ўзига ром қилиб қўяди. Бу жараённинг оқибати ўта хатарлидир. Ҳозирги кунда туғилган чақалоқ эсини таниб-танимас ўзини компьютер ўйинларига уради, энди унга аллалар, бувилари, оналари айтиб берадиган эртаклар, қўшиқлари керак бўлган халқ ижоди, достонлар ва ҳ. бегона. Йиллар давомида ана шундай муҳитда яшаган ўсмирнинг маънавияти қандай бўлиши мумкин.

Қисқаси, таълим, жумладан, олий таълим муассасалари маънавий-маърифий тизимини шакллантиришда ахборотлашув жараёнининг тиғизлашуви, мафкуравий кураш муҳитини ҳисобга олмоқ керак. Маънавий-маърифий тизимнинг самарали фаолият кўрсатишида психологик ва педагогик принциплар, ёндашувлар, услублар айниқса муҳим аҳамиятга эга.

Олий таълим муассасаларида ёшларга таълим беришда ҳам, тарбия беришда ҳам янгича ёндашувларсиз, психологик ва педагогик усулларсиз кутилган натижаларга эришиб бўлмайди. «Нимани ўқитиш керак?», «Қандай ўқитиш керак?», «Тарбияда қандай усуллар кўпроқ самара беради?» деган масалалар ҳар томонлама тез ўзгариб бораётган жамиятимизда олий мактабни ислоҳ қилишнинг асосий масалаларидан биридир. Бошқача айтганда, психологик ва педагогик



принципларга асосланган таълим ва маънавий-маърифий тизимгина давр талабларига жавоб бера олиши мумкин.

Ахборотлашув жараёнининг тиғизлашуви, ахборот босимининг кучайиши шароитида таълим ҳам, тарбия ҳам методологик йўналишда олиб борилиши зарур. Таълимда соҳа келажаги учун энг зарур билимлар танлаб берилса (ҳеч бир соҳада ҳамма билимларни ўргатишнинг имкони йўқ), маънавий-маърифий тарбия қатор ўзига хосликларга эга. Бунда талабаларнинг ижтимоий-гуманитар назариялари ўзлаштириб олганлик даражаси, жамият келажаги ҳақида тасаввурлари, умуминсоний, миллий, маънавий қадриятларни билишлари ҳисобга олинади ва энг самарали бўлган мос психологик, педагогик услублар танланади. Маънавий-маърифий тизимларда ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллаб бораётган мураббийлик, тьюторлик лавозимлари бу соҳада ишлаётганлар олдига катта талабларни қўймоқда.

Биз қатор олий таълим муассасаларида (ТДИУ, ТДТУ, ТДПУ, ТДМРДИ) талаба ёшларнинг маънавий ахлоқий билимларини ўрганиб, қуйидаги далилларга дуч келдик. Кўпчилиги болалигидан эртаклар эшитмаган, ўзбек халқ эртаклари ва достонларини жуда кам, ўрта мактаб дастури даражасида билади. Айримлар энг яхши кўрган эртакларини мультфильмлар орқали (асосан, «Зумрад ва Қиммат» эртаги), тарихий романларни эса кинофильмлар орқали билишади. Санъат намуналарининг моҳиятини юзаки тушунишади, ижодий, танқидий таҳлил лаёқатлари ривожланмаган. Чет элнинг фантастик, даҳшатли, комедия фильмларидан бир мунча яхши хабардор. Интернет хабарларидан, чет эл ахборотларидан, янги чет эл фильмларидан хабардор бўлиш истаги маънавий меросимизнинг юксак намуналарини ўрганиш истагидан кучлироқдир.

Олий таълим муассасасининг маънавий-маърифий тизими талаба ёшлар маънавий тарбиясини миллий тараққиёт талабларига мос олиб бориш учун таркибий тузилиши ва методларини такомиллаштириб бориши зарур.

## МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТИЗИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ФАНЛАР РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ МУАММОЛАРИ

*Доц. А.БОБОЕВ – ТДИУ,*
*Т.САИДМУРОДОВА – РИММАЛ*

Айнан олий мактаб таълимининг мазмунини тубдан ўзгартириш орқали ватанимизни дунёнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлари қаторига олиб чиқишга қодир. Бироқ бунда иқтисодий келажагимизни белгилайдиган, технологияларни яратаётган фанларни ўргатиш билан кифояланиб бўлмайди. Маънавий юксак, ватанпарвар мутахассисларни тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунга эришиш учун олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий тизимни узлуксиз такомиллаштириб, тез ўзгариб, глобаллашув кучайиб бораётган ҳозирги замон талаблари асосида ташкил қилмоқ зарур.

Олий касбий таълимда гуманитар, фалсафий фанлар алоҳида ўрин тутади. Инсоннинг ижтимоийлашувига йўналган бу фанлар ёш авлоднинг жамиятга, та-

этибгина қолмай, уларнинг ижтимоий ҳаётга нечоғлик таъсир этишини ўрганиши билан муҳим аҳамият касб этади. У умуминсоний манфаатларини ҳимоя қилишга, халқнинг кундалик фикр ва туйғуларини ифодалашга, халқ ҳаёти, фикр-ўйлари, қувонч-ташвишини, орзуларини акс эттиришга, ижодкор аҳлидан ҳақиқатни қатъий талаб этишга хизмат қилади.

Шунингдек, матбуотнинг моҳиятини ташкил этувчи унинг ички қонуниятларидан бири, унинг анъанавийлиги, ҳамда янги қонуниятларга амал қилишидадир. Масалан, ўз мустақиллигига эришган Ўзбекистон тараққиёт йўлида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг амалиётга татбиқ этишида, кишилар онгига мустақиллик ғоялари, янгича фикрлашни сингдиришда, миллий мафкурани вужудга келтиришда, тарихий босқичларда шаклланган ва бошқа кўплаб давлат, мамлакатлар ҳаётида синовдан ўтган анъаналар, шу жумладан, миллий меросимизга амал қилиб келмоқда.

Истиқлол йилларида журналистика соҳасида юз берган фавқулодда янгиликлардан бири мамлакатда нодавлат-мустақил ва хусусий нашрларнинг чоп этилишига ҳуқуқий имконият ва шарт-шароит яратилгани бўлди. Бундай нашрларнинг вужудга келиши, кўпайиши ва такомиллашиб бориши энг аввало мамлакатда фикрлар эркинлигига, хилма-хиллигига йўл очди. Босма нашрлар қайсидир мафкуранинг хизматкори эмас, балки ўз муассислари томонидан белгиланган ва таҳририят уставларида белгилаб қўйилган йўналишлар асосида фаолият юритиш йўлига ўтдилар. 1991 йилда «Бизнес Вестник Востока», 1992 йилда «Новый век», «Ҳамроҳ» газеталари, 1993 йилда «Ўзбекистон футболи» газетаси, 1994 йилда «Зеркало 21» газетаси, 1995 йилда «Қизилқум» газетаси, 1996 йилда «Маҳалла», 1997 йилда «7х7» ва «Хумо» газеталари, 1998 йилда «Суғдиёна» ва «Тасвир» газеталари, 1999 йилда «Даракчи», 2000 йилда «Моҳият» газетаси, 2002 йилда «Отдохнём!», «Хордиқ плюс», «Чархпалак», «Аёл қалби» газеталари, 2003 йилда «Бекажон», «Кўнгил хўпалари», «Оила тилсими» газеталари, 2005 йилда «Ҳаёт», «Шифо-инфо» газеталари, 2006 йилда «Uzbekistan Today» (рус ва инглиз) ва «Жамият» каби бир қатор газеталар ташкил этилган бўлиб, улар бугунги кунга қадар ўзлари танлаган йўналишда фаолият олиб бормоқдалар.[1]

Истиқлолдан кейинги давр матбуотида юз берган ўзгаришлардан яна бири вилоят ва туман миқёсларида нашр этиладиган газеталар фаолияти, иқтисодий таъминоти, йўналишлари, даврийлиги, ижодий ўзига хослиги, ахборот бериш концепциясини белгилаш марказдан, яъни республика пойтахтидан эмас, балки муассис ихтиёрига ўтказилганлиги билан боғлиқ. Бунинг натижасида вилоят ва туман нашрлари, қолаверса, ҳудудий нодавлат нашрларнинг мазмун-мундарижасида ўзгаришлар кузатилди. Маҳаллий газеталар нафақат ўз ҳудуди ва республика, балки жаҳонда бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги хабар ва янгиликларни ёритишга киришдилар. Бундай ўзгаришлар жуда тезликда ўз натижасини кўрсатди – йилдан-йилга газеталар сони, хилма-хиллиги ва адади ўсиб борди.

Умуман олганда ҳам, ахборот соҳасидаги ўзгаришлар, давлат томонидан амалга оширилаётган қўллаб-қувватлаш чоралари мамлакат босма оммавий ахборот воситаларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Уларнинг сони кейинги 11 йил ичида икки баравардан зиёд ошди.

Айни пайтда, мулк шакли турлича бўлган босма ва интернет нашрлар, теле-

---

[1] Интернет маълумоти: www.google.uz



радиостанциялар, ахборот агентликлари ўз йўналишлари ҳамда мақсад-вазифалари бўйича эркин фаолият олиб бораётгани миллий матбуот ҳаётида ўзига хос тенденция тусини олганлигини ҳам таъкидлаш лозим. Қолаверса, «тўртинчи ҳокимият» вакилларининг янгиланаётган жамият ва демократик ислоҳотлар жараёнини амалга ошираётган мамлакат ҳаётида тутган ўрни тобора ортиб бориши билан бир вақтда, эндиликда миллий матбуот ҳудудида бозор муносабатларига хос жараён – соғлом рақобат муҳити юзага келганлигини намойиши ҳамдир. Оммавий ахборот воситалари соҳасидаги рақобатбардошлик биринчи навбатда кенг омма учун ахборотни танлаб олиш имкониятидир, ахборотни танлаш имконияти эса жамиятдаги демократик муҳитнинг бирламчи шартидир.

Мамлакат ва халқ тақдирига дахлдор ҳар қандай катта-кичик масала ҳамда муаммолар ҳақида шу тариқа жамоатчилик фикри туғилади, шаклланади, пировардида улар амалиётда ўз ифодасини топади.

Нодавлат матбуот нашрларидан «Даракчи», «7х7», «Тасвир», «Бекажон», «Суғдиёна», «Хордиқ» каби газеталарда шов-шувли хабарлардан ташқари, жиддий мақола ва материалларга ҳам алоҳида эътибор берилиб, уларда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий жараёнлари ёритиб келинмоқда. Ҳозирги замон матбуотида тезкорлик, ахборотнинг серқўламлилиги, ўқувчини ўзига жалб қилиш усулларидан фойдаланилмоқда. Бу эса, аудитория эътиборини тортмай қолмайди. Нодавлат матбуот нашрларининг омма орасида, айниқса, ёшлар ўртасида ўз ўрнига эга бўлишида газета саҳифаларининг маълумотларга бой, ҳаққоний бўлиши, мақолаларнинг ўқувчилар савиясини ҳисобга олиб ёритилиши ҳамда тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши муҳим роль ўйнайди. Бу борада республиканинг журналистика факультетларида профессионал журналистларни тайёрлашда катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда олий таълим муассасаларида тайёрланган маҳоратли, юксак малакага эга бўлган журналистлар ҳар жойдан керакли ва мавзу доирасидаги маълумотларни ҳар қандай вазиятда тайёрлашга қодир. Шундай бўлса-да, бугунги нодавлат матбуот нашрлари саҳифалари камчиликлардан холи эмас. Бундай шароитда энг аввало, ёшларни маънавий етук бўлишларини таъминлайдиган, уларни баркамол шахс бўлиб етишишига, тарбиясига ижобий таъсир этувчи мақолаларни кўпайтириш зарур. Ёшлар уларни ўқиб, ўз камчиликларини тузатиб бориши, айрим иллатларга бефарқ қарамасликни ўрганиши, ўқиб маданий-маънавий озуқа олиши зарур.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида мамлакатда замонавий бозор муносабатларига мослашган миллий ахборот муҳити вужудга келтирилди. мазкур муҳит оммавий ахборот воситалари тизими майдонида ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий имкониятларни яратди ҳамда нодавлат матбуот нашрларида ёритилаётган саҳифалар орқали баркамол авлодни тарбиялашда ўз ўрнига эга бўлди.

# ОЛИЙ ТАЪЛИМДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ОМИЛЛАРИ

*А. БАҲРИЕВ, психол.ф.н., доц.,*
*Н. БАҲРИЕВА – БухДУ*

Муҳтарам Юртбошимиз И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» номли китобида бугунги кун ёшларининг маънавий тарбиясини ташкил этишда ўз она тарихимизни изчил ўрганиш ва шу асосда тарбиявий ишларни оқилона ташкил этиш борасида фикрлар билдирилган.

Ёшларни маънавий тарбиялаш бугунги кунда таълимнинг барча бўғинлари ва босқичларида изчил амалга оширилмоқда. Зеро, жамиятнинг жадал ижтимоий тараққиёти шуни тақозо этмоқда.

Маълумки, маънавият руҳият билан боғлиқ бўлиб, аввало инсоннинг ўз моҳияти, онги ва виждони олдидаги масъулиятидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасида: «Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар»[1], – деб ёзилган. Бу сўзларнинг замирида катта маъно ва мазмун ётади. Зеро, маданият ва маънавиятни асраш, бу миллатнинг истиқболи ва келажагини асрашдир.

Олий таълим тизимида талабаларга маънавий тарбия бериш йўлларидан бири бу – маънавият соатларида амалга ошириладиган тарбиявий ишлардир. Мазкур фаолият илмий-услубий жиҳатдан анча кенг миқёсли иш бўлиб, унинг амалга оширилишида таълим жараёнида иштирок этувчи барча субъектларни назарда тутиш зарур. Шу жиҳатдан, амалга ошириладиган тарбиявий ишларни уч босқичга бўлиш мумкин.

Биринчидан, олий таълим муассасасидаги талабалар касаба уюшмаси, Камолот ЁИҲ ва бошқа жамоат ташкилотларининг истиқболли тарбиявий иш режалари ўзаро мувофиқлаштирилиши лозим. Режалаштириладиган ишлар талабаларнинг билиш эҳтиёжи ва қизиқишлари, ёши, тажрибасини инобатга олиб, ўқув юрти маъмурияти ва ижтимоий ташкилотларнинг тарбиявий фаолиятларини мувофиқлаштирган ҳолда амалга оширилиши керак. Истиқболли режаларда ўқув юрти шароитида анъанага айланган, амалда ўзини оқлаган самарали шакл ва методларга алоҳида эътибор бериш зарур.

Иккинчи босқичда таълим жараёнининг тарбиявий таъсирини кучайтириб, ўқув-тарбиявий ишлар дастурини тузиш, унда ўқув юртига эндигина қабул қилинган талабалардан бошлаб, бутун ўқиш даврида ва битирувчилар билан амалга ошириладиган ишлар доирасида ўз ифодасини топиши лозим. Бу дастурларда турли таълимий ва тарбиявий иш усуллари, мутахассисларни тайёрлаш, уларни шахсий ва касбий жиҳатдан шакллантириш вазифалари яхлит тизимга келтирилган бўлиши лозим.

Ўқув юртининг ушбу таълим-тарбиявий дастури асосида гуруҳ, кафедра, факультет, жамоат ташкилотлари, талабалар турар жойида тарбиявий ишларнинг истиқболли, жорий режалари тузилиши мақсадга мувофиқ.

Олий ўқув юртида талабаларни тарбиялаш жараёнини бундай ташкил қилиш бирданига, ёки хоҳиш билан бўлмайди, албатта, бунинг учун илғор иш

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1998



тажрибаларини ўрганиш, амалга оширилган тадқиқотлар натижасидан фойдаланиш, энг муҳими тарбия объекти ҳисобланган талабалар хоҳиш-истаги, қизиқиши, уларнинг ёш хусусиятлари билан боғлиқ талаб ва эҳтиёжлари ўзгаришини инобатга олиш муҳимдир.

Учинчи босқичда ўқув юртининг ўрта умумтаълим мактаби, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, меҳнат ва ишлаб чиқариш корхоналари, халқ таълими органлари, маҳалла, кенг жамоатчилик - ҳомий, васий ва илмий тадқиқот ташкилотлари билан узвий алоқадорлиги масаласига асосий эътибор қаратилиши керак бўлади.

Бу босқичнинг моҳияти шундан иборатки, ўқув жараёнини ишлаб чиқариш ва фан билан интеграциялаштириш, талабаларни ишлаб чиқаришга, илмий тадқиқот ҳамда ижтимоий фаолиятга кенг жалб қилиш асосида уларнинг касбга иштиёқини ўстириш, касб учун зарур сифатлар, ишлаб чиқариш муомаласи, мулоқотини ўрганишлари учун қулай шароит яратиш мумкин бўлади. Шу асосда ўқув юртида мутахассисларни тайёрлаш ва бу тайёргарликнинг сифат даражасини ишлаб чиқаришда синаб кўриш, мутахассисларга бўлган жамият ва ишлаб чиқаришнинг эҳтиёжини чуқур ҳис қилиш мумкин. Натижада ҳар бир талабанинг индивидуал ўқув-тарбиявий иш режасини тузишга эришиш мумкин.

Бунда иш режалари талабаларнинг ҳар томонлама касбий ва шахсий такомиллашувининг ҳамма йўналишларини ўз ичига олиб, илмий дунёқараши, ижодий, ғоявий-сиёсий, ташкилотчилик, умумий маданий савияси ва бошқа сифатларини унинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда жамият ва ишлаб чиқариш талабларига мос равишда ривожланишига эришиш даркор. Кўрсатилган талаблар асосида тузиладиган ўқув-тарбиявий дастурлар маънавий тарбиянинг мақсад ва вазифалари, шакл, метод ва воситалари яхлитлигини таъминлашга хизмат қилиши керак. Шу билан бирга дастур тарбиявий жараён иштирокчиларининг вазифаларини ўзаро мувофиқлаштириши лозим. Олий ўқув юртида бу мақсад талаба шахсининг касбий ва ахлоқий сифатларини ўстиришга қаратилгандагина натижа бериши мумкин.

Тарбиявий жараённинг натижаси деганда талабанинг миллий ва умумбашарий қадриятларни ўқиш даврида унинг шахси ва касби учун зарур сифатларни эгаллаши ҳамда ўқишдан сўнг фуқаро сифатида умумижтимоий ва касбий талабларни ҳаётий меъёрга айлантиришини тушуниш керак.

Зеро, – «Эркин фуқаролик жамиятини маънавий баркамол, эзгу ғоялар ҳаётий эътиқоди бўлган инсонларгина бунёд эта олади. Шунинг учун янгиланаётган жамиятимизда соғлом авлодни тарбиялаш, эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш, маънавий-маърифий ишларни юксак даражага кўтариш орқали баркамол инсонларни вояга етказишга муҳим эътибор берилмоқда»[1].

Хўш талабалар гуруҳларида тарбиявий иш режалари тузишда манба сифатида нималарга эътибор бериш керак. Талаба-ёшларни маънавий тарбиялаш самарадорлигини оширишда «...буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини мустаҳкамлаш ва замон талаблари билан уйғунлаштириш»[2] катта аҳамият касб этади.

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Т.: Ўзбекистон, 2001, 56-б.
[2] Президент И.Каримовнинг 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқидан. - Т.: Шарқ НМК, 1998, 5-б.

Шу боис, энг асосий манба «Таълим тўғрисидаги конун», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», шунингдек, Мухтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг асарлари бўлиб ҳисобланади. Бундан ташкари:

– ҳукуматнинг таълим ислоҳотини амалга ошириш билан боғлиқ кабул килинган карорлари, олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг талабалар тарбиявий ишларини ташкил килиш бўйича буйруклари ва меъёрий хужжатлари;

– маҳаллий ҳокимиятларнинг карор ва норматив ҳужжатлари, Камолот ЁИҲ кўмитасининг карор ва норматив ҳужжатлари;

– олий ўкув юрти ва факультет маъмуриятининг буйрук, кенгаш карорлари, талабалар жамоат ташкилотларинининг кўрсатма ва карорлари шулар жумласидандир.

Жорий ўкув йилига тарбиявий иш режа тузаётганда вилоят, шаҳар, ўкув юртининг тарбиявий имкониятлари ҳакида тўлик ахборотга эга бўлиш, бу жойларда таълим муассасалари, маданият, санъат ва жисмоний тарбия муассасаларининг имкониятларидан келиб чикиш керак.

Шу билан бирга анъанавий умумхалк байрамларининг ўтказилиши, машҳур давлат ва фан арбоблари, миллий меросимиз намоёндаларининг таваллуд кунларини нишонлашлар хам эътибордан четда колмаслиги лозим. Ватанимиз мустакиллиги куни – 1 сентябрь, Конституция куни, миллий армиянинг ташкил топган куни, Хотира ва кадрлаш куни, Наврўз байрами, диний байрамлар, ёшлар ва олий ўкув юрти хаётига доир анъаналарни нишонлаш муҳим манба хамда фаоллаштирувчи восита ҳисобланади. Тарбиявий ишлар тизимида анъанавий тадбирлар талабаларни янада жипслаштириб, фаолликка ундайди.

Гуруҳ раҳбарлари тарбиявий ишларини режалаштиришда иш шаклларини танлаш ва уларнинг максадга мувофиклигига эътиборни каратиш муҳим талаблардан биридир. Режада тадбирлар микдори ўзаро мутаносибликда бўлиб, вакт жиҳатидан тўғри таксимланишига алоҳида эътибор бериш лозим.

Юкорида келтирилган тарбиявий иш усулларидан фойдаланган ҳолда маънавий-маърифий тадбирларни мунтазам ташкил этиш талаба-ёшларни ватанпарварлик ва миллий анъаналар руҳида руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

# ЎЗБЕК ОИЛАСИНИНГ ЭТНОПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*доц. М.Н.УСМАНОВА, Д.Б.РАХМОНОВА – БухДУ*

Оила хаётининг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, урф-одатларимизни, анъана, ахлокий меъёр ва коидаларни мужассам этган, келажак авлод тарбиясига бевосита таъсир кўрсатадиган, инсонлар ўртасида ўзига хос муносабатлар шаклланадиган ижтимоий маконлир. Ундаги ўзаро муносабатлар эса оила аъзолари ўртасида муайян маънавий-руҳий ришталарнинг мустаҳкамланиши, феъл-атвори, кизикиши, ҳатто физиологик хусусиятлари билан фаркланадиган инсонларнинг ҳамжихатликда яшашини таъминлайди.

Маълумки, ўзбек оиласи азалдан ўзига хос менталитетга эга бўлиб, унда турли авлод вакиллари ўртасида самимий муомала, меҳр-окибат, мурувват, андиша ва ор-номус каби туйғулар устувор ўрин тутади. Бундай юксак инсоний фазилатлар эр-хотин, кайнона-келин, ота-она ва фарзанд ўртасидаги ўзаро муносабатларда намоён бўлади ва сайкал топади. Эр-хотиннинг оиладаги ўзаро муносабатларидаги меҳр-муҳаббат, турмушдаги масалаларни ҳал этишда бир-бирига маънавий ҳамда моддий жиҳатдан кўмаклашиш, болалар тарбиясида ҳамжиҳатлик, сабр-токат ва ўзаро ҳурмат туйғулари ҳам дастлаб оилада шаклланади.

Этнопсихологик хусусиятлардар тил, маданият, маънавият, хиссиёт даражаси, характери, психологик киёфа, ўз-ўзини англаш даражаси, хулк-атвор, туйғу ҳамда доимий хўжалигига хос жиҳатлардан шаклланади.

Масалан, ўзбекларга хос этнопсихологик хусусиятлар сифатида кўз олдимизга бағрикенглик, меҳмондўстлик, хушмуомалалик, кон-кариндошларга меҳр-окибатлилик кабилар кўрсатилади. Бу хусусиятларни бир томонлама ижобий баҳолаш мумкин эмас, албатта. Ўзбеклар орасида куйидаги ўткир саволлар кўпинча аник жавобсиз колади. Нима учун биз ўзимизга раво кўрмаган тансик дастурхонни меҳмонларга илинамиз? Нима учун юрагимиздаги энг «нозик» адолатли гаплар шарт юзга айтилавермайди? Хушомад килиш нима учун айб саналмайди ва ҳоказо.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир оила ёки этник гуруҳлар психологияси асосида табиий омиллар мавжуд бўлганлиги боис, ҳам ўзига хослик, тафовут мавжуд. Руҳиятдаги ўзига хослик оилавий, ижтимоий муносабатлар тизимидаги тафовутларда ўз аксини топади. Шунинг учун бир оиланинг урф-одати, муносабатлар тизими сезиларли фаркланади.

Оиланинг ҳар бир аъзоси этник хусусиятларни ташувчиси ҳисобланади. Чунки оддий ёки мураккаб руҳий жараён инсоннинг туғилиши билан дарҳол намоён бўлавермайди, балки ундаги ижтимоий-маданий шароитлар асосида шаклланади.

Инсон онги ташкаридан келаётган маълумотлар асосида фикрлайди. Шунинг учун ҳам турли оилаларда яшаган инсонлар бир-биридан факат, амалий фаолият шакллари ва онгнинг мазмуни билан эмас, балки онгли фаолият шакли, тузилиши билан ҳам фаркланадилар.

Янги туғилган чакалокка хотира, идрок, тафаккур тарзига хос психологик хислатлар асосан ирсий омиллар ёрдамида ўтса, ижтимоий муносабатларда ўз ўрнини топиш, бирор бир фаолият турига кўникма, малака ҳосил килиши, ўз хиссиётларини назорат кила олиш даражаси каби холатлар оилавий тарбия ва яқин атрофдагилардан олган ахборотлари натижасида шаклланиб боради. Бунда оилавий урф-одатлар, миллий анъана ва маросимлар муҳим ўрин тутади. Ғарб олимлари шу маънода гарчи индивид руҳиятига кўплаб этник маданиятнинг бир кисми сифатида урғу беришса-да, индивид руҳиятининг шакли, аввало, этник хусусиятларга боғликлигини инкор этмайдилар.

Шахснинг онгига илк болаликдан бошлаб оила ва маҳалла муҳити ижобий таъсир кўрсатади. Бу ижтимоий психологик омиллар энг аввало, ҳар бир оилада ўзига хос муомала, бола тарбияси , ўзаро мулокот, рўзғор юритиш ва бошкариш анъаналарига асосланган бўлиб, уларнинг сакланиши шахснинг ижтимоий хулки, маданияти ва дунёкараши учун реал асос ҳисобланади. Масалан, ўзбек оиласидаги барча катта муаммоларни биргаликда ҳал килиш одатини кўрсатиш мумкин. Оила бошлиғи ота ёки она ўз фарзандларини ички имкониятларини бирлаштириб, кун тартибида турган катта тадбирларни осонлик билан ҳал килади. «Кўпдан қуён кочиб кутулмас», деган халк маколи бежиз айтилмаган. Бу одат бир томондан

оилавий муносабатларини мустаҳкамлашга, ўзаро ҳамкорлик йўли билан оилавий бюджетни шакллантиришга, миллий урф-одатлар ва қадриятларнинг турмушдаги катта ўрни ва ролини намоён бўлишига имконият яратади. Иккинчи томондан, болалар тарбиясини миллий этник хусусиятлар асосида йўлга қўйиш асосида авлодлар довомининг давомийлиги таъминланади.

Тўғри, хозирги глобаллашув ва интеграциялашув жараёнларининг кучайиши муносабати билан оиланинг этнопсихологик хусусиятларидаги миллий барқарорлик сусайиб, замонавийлашиш тенденцияси яққол кўзга ташланмоқда. Бу тенденцияни қуйидаги йўналишларда кўриш мумкин.

1. Оилавий анъаналар, урф-одатларга танқидий ёндашиш, илғор миллат ва элатларнинг маданият намуналарини ўрганиш ва турмушга олиб киришга интилиш кучаймоқда.

2. Ёшлар орасида хорижий мамлакатлар турмуш тарзига хос хусусиятларга қизиқиш ва интилиш ортмоқда.

3. Оилада хорижий тилларни ўрганишга бўлган муносабат тубдан ўзгариб, ёшлар учун бу асосий камолотга эришиш омилига айланмоқда.

4. Ёшлар орасида хорижга чиқиб ишлашга бўлган қизиқиш ва интилиш йилдан-йилга кучаймоқда.

5. Ёшлар орасида анъанавийлик ва замонавийликни уйғунлаштириш, миллий қадриятларни миллий хурофотлардан тозалашга бўлган ҳаракат ортмоқда.

6. Оилавий муносабатларни илмий-амалий ўрганиш, муаммоларни очиқ муҳокамага олиб чиқиш, муаммоларнинг самарали ечимларини топиш ҳаракати кучаймоқда.

7. Ёшлар орасида миллий маънавий меросга бўлган қизиқиш ва интилиш ортмоқда.

Ўзбек оилаларига хос бўлган этник хусусиятлардан яна бири ота-онадан кўра бобо ва бувиларнинг фарзанд тарбияси билан машғул бўлишлари ва уларга ижобий таъсир этишларининг кучлилигидир. Бундай азалий оилавий тарбия анъанаси буюк шахслар ва алломалар ҳаётида ёрқин кўринади. Масалан, Амир Темур шахзодаларининг тарбияси билан уларнинг бувилари шуғулланишган. Шунга кўра, Сароймулкхоним Шоҳрух Мирзони, суюкли набиралари Муҳаммад-султон Мирзо, Халилсултон Мирзо, Улуғбек Мирзо тарбияларини ўз зиммасига олган.

Ота-онага бўлган меҳрнинг чексизлиги, улар розилигининг аҳамияти ҳақида ҳазрат А.Навоий, «Ҳайратул-аброр» асарида қуйидаги мисраларни келтиради: Тарбиянинг яна бири ота-онани ҳурмат қилиш, буни бажариш фарзанд учун мажбуриятдир. Бу иккисига хизматни бирдек қил, хизматинг қанча ортиқ бўлса ҳам кам деб бил. Отанг олдида бошингни фидо қилиб, онанг боши учун бутун жисмингни садақа қилсанг арзийди. Икки дунёнинг обод бўлишини истасанг, шу икки одамнинг розилигини ол!

Халқимизнинг яна бир болажонлик, соддалик, тантилик, бағрикенглик каби хислатлари ҳам борки, бу хислатлар тасвирланган М.Юсуф қаламига мансуб қуйидаги мисрани ўқиб эшиттирмоқчимиз.

Ўзбекка ўхшашин топмоқ муаммо,
Ўхшаса ўзига ўхшайди ўзбек.
Қ и ё с и йўқ унинг, меҳри бир дарё,
Дунёда болам деб яшайди ўзбек.
Бир қўлда беланчак, бир қўлда Қуръон,



Бир елкада кетмон, барида иймон.
Барчага баравар бир офтобсимон
Яшасин олам деб яшайди ўзбек
Муҳаммад ким бўлдинг, киёсин топиб,
Ўхшаса ўзига ўхшайди ўзбек,
Ёмон шеър ёзсанг ҳам юзингдан ўпиб,
Кам бўлма болам, деб яшайди ўзбек.

Юқоридаги фикрларнинг якуни сифатида шундай хулосага келиш мумкин: ўзбек оиласидаги этник хусусиятлар ёзилмаган қонун даражасида мавжуд. Ўзбек оиласининг этнопсихологик хусусиятлари шаклланишида объектив омиллар тарихий хотира, муҳит, маънавий мерос қанчалик муҳим бўлса, субъектив омиллар ҳам шунчалик муҳимдир.

## BARKAMOL AVLODNI TARBIYALASHDA IJTIMOIY PEDAGOGIKA FANINING TUTGAN O'RNI

*I.OXUNOV – ADU*

Ma'lumki, jamiyat taraqqiyoti, ijtimoiy-ma'naviy hayotning rivojlanishi murakkab jarayonlardan iborat. Albatta, bunday jarayon kishilarga turlicha ta'sir ko'rsatadi. Bilim saviyasi yetarli, iymon-e'tiqodi but bo'lgan kishilar har qanday qiyinchiliklarni bardosh bilan bartaraf etishga harakat qilsa, ba'zilar bunday holatdan esankirab qoladilar. Natijada ijtimoiy hayotga loqaydlarcha munosabatda bo'ladilar, ba'zilar esa, hayotning yengil tomonini tanlaydilar. Bunday kishilar o'zlarining huzur-halovatlarini o'ylaydilar. Buni bozor iqtisodiyoti sharoitidagi qiyinchiliklar yoki turli mafkuraviy g'oyalar oqimi harakati jarayonida yaqqol ko'rishimiz mumkin.

Bundan tashqari hozirgi vaqtda ijtimoiy hayotimizga, turmush tarzimizga yot bo'lgan giyohvandlik, fohishabozlik, qonunbuzarlik, turli aqidaparastlik kabi illatlarning ham suqulib kirib kelishi ayrim kishilar, ayniqsa, yoshlar tarbiyasiga salbiy ta'sir ko'rsatmoqda.

Shunday ekan, salbiy og'ishlar girdobiga kirgan shaxslar bilan tarbiyaviy ishlar ko'lamini kuchaytirish, ta'sir ko'rsatishning darajasini oshirishni taqoza etadi.

Bu xususda yurtboshimiz I.A.Karimov o'zining barcha nutq va asarlarida, ayniqsa, «Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch» kitobida alohida ta'kidlab, o'sib kelayotgan yosh avlodni ma'naviy jihatdan barkamol qilib tarbiyalash davlat ijtimoiy-iqtisodiy siyosatining markazini tashkil etilishligini uqtiradi.

Buning uchun esa keng omma, shu jumladan, salbiy og'ishga moyil bo'lgan shaxslar bilan shug'ullanishning faol yo'l, usul, vositalarini aniqlash, ularga tarbiyaviy ta'sir ko'rsatishning uslubiyotini ishlab chiqish zarur. Bunday mas'uliyatli ish esa umumiy pedagogikaning alohida sohasi bo'lgan «Ijtimoiy pedagogika»ning zimmasidadir. Chunki, tarbiyaviy ish nafaqat ta'lim muassasalarida, balki ijtimoiy hayotimizning barcha jabhalarida amalga oshiriladi.

Keyingi yillarda pedagogika yo'nalilishidagi oliy o'quv yurtlarining pedagogika va psixologiya ta'lim yo'nalishida «Ijtimoiy pedagogika» fani o'qitilib kelinmoqda. Bizningcha, bu fanni barcha oliy o'quv yurtlarining mavjud ta'lim yo'nalishlarida

o'qitilishi maqsadga muvofiq bo'ladi. Sababi shundaki, mazkur o'quv yurtlarini tamomlab tegishli joyga mutaxassis bo'lib kelganlar o'z navbatida o'zi faoliyat ko'rsatayotgan ob'ektda ijtimoiy pedagoglik vazifasini ham bajaradi.

Shu sababli ijtimoiy pedagogika jamiyatni va ijtimoiy munosabatlarni o'rganadi, hamda insonlar bir-birlari bilan qanday muomalaga kirishishlarini, nima uchun bir guruhga birlashishlarini va jamiyatning boshqa ijtimoiy masalalarini aniqlashga harakat qiladi. Shuningdek, u bu muammolarni ijtimoiy pedagogika vazifalariga mos ravishda o'rganadi. Bugungi kunga kelganda ijtimoiy pedagogika mustaqil fan sifatida faoliyat ko'rsatmoqda.

Hozirda uning nazariy va amaliy faoliyati sohasiga maktab va maktabdan tashqari muassasalardagi tarbiya va qayta tarbiya, bolalar uylari, qariyalar uylarida yashovchilarga g'amxo'rlik, huquqbuzarlar bilan ishlash, kabilar kiradi. Ijtimoiy pedagogikaning o'ziga xos harakteri uning boshqa fanlar bilan munosabatida bevosita namoyon bo'ladi.

Yuqoridagilarni umumlashtirgan holda shunday xulosaga kelish mumkinki, ijtimoiy pedagogika mustaqil fan tarmog'i sifatida o'zining nazariy va amaliy mohiyatiga ega. U bugungi kunda ijtimoiy hayotimizning barcha jabhalarida o'zining yorqin ifodasini topmoqda.

Mustaqilligimizning dastlabki kunidan e'tiboran mamlakatimizda ijtimoiy pedagogik fikrlarni rivojlantirish asosida mazkur fanni yanada mukammallashtirish masalasiga alohida e'tibor qaratilib kelinmoqda. Buni hozirda mazkur fan bo'yicha ilmiy-tadqiqot ishlarining keng ko'lamda olib borilayotganligi, matbuot sahifalarida esa bu boradagi tadqiqot natijalarining, ilg'or pedagogik tajribalarning yoritilib borilayotganligi bilan izohlash mumkin.

Ushbu fanning o'qitilish samaradorligi esa:

- DTS, fan dasturi talablariga javob beradigan darslik va qo'llanmalarning bir necha variantlarda yaratilishi;
- mashg'ulotlar jarayonida ta'limning ilg'or pedagogik texnologiyalarini qo'llashga doir ishlanma, tavsiyalarning ishlab chiqilishi;
- o'qitish jarayonida ta'lim-tarbiyaning qonuniyat va tamoyilidagi uzviyligiga amal qilinishi;
- o'qitishda ta'limning zamonaviy va innovatsion usullari (tanqidiy fikrlash, aqliy hujum, kichik guruhlar bilan ishlash, muammoli topshiriqli, «debat», «klaster» kabi) ning qo'llanishi;
- mashg'ulotlar jarayonida multimediali va masofali o'qitishning amalga oshirilishi;
- o'qitishda fanlararo uyg'unlikning amalga oshirilishi;
- talabalar tomonidan bajariladigan mustaqil ish shakllarining boyitilishi;
- ilg'or pedagogik tajribalarning ommalashtirilishi;
- omma orasidagi ijtimoiy holat, kayfiyatni o'rganishga doir sotsiologik tadqiqotlarga talabalarni keng jalb etilishi;
- ijtimoiy pedagogika bo'yicha ilg'or tajribalarni o'rganish va ularni pedagogik amaliyotga tadbiq etish kabilar bilan bog'liqdir.



# ТАЛАБА ЁШЛАРНИ БАРКАМОЛ ШАХС ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ

*П.ф.н. Н.Х.КУШВАКТОВ, М.Р.ИСАКУЛОВ ЖДПИ*

Ёш авлод тарбияси доимо халқимизнинг диққат марказида турган. Улар ўз фарзандларини ота-боболарнинг маънавий меъросларига таяниб тарбиялаб келган шунинг учун ҳам ёш авлод қалбида миллий қадриятларимизга эътиқод кучли бўлган. Ана шундай бир оғир, истиқболи йўқ шароитда мустақилликка қадам қўйган юртимизда ёш авлод тарбиясига биринчи кундан алохида эътибор қаратилди. Бизнинг ота-боболаримиз миллий тарбия тизимидан оқилона фойдаланиб келганлиги боис ҳам юртимизда олиб борилаётган туб ислоҳотлар негизига миллий қадриятлар киритилди. Миллий қадриятларга таянган ҳолда «Баркамол авлодни» тарбиялаш масаласи шахсан юртбошимиз томонидан кўтарилди.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ёшлар тарбиясига қаратилган эътибор натижаси ўлароқ бугунги кунда ёшларимиз юртимиз байроғини жаҳоннинг энг нуфузли жойларида баланд кўтармоқда.

Бунинг негизида узлуксиз таълим тизимида ёшларга берилаётган билим ётади. Илм соҳиби ҳар жойда ўз ўрнини топади. Буюк илм соҳиби Юсуф Хос Ҳожиб «Инсоннинг буюклиги ва бебаҳолиги, унинг ақл-идрок ва тафаккур соҳиби эканлигида, айнан шу шуурий қудрат барча воқеа-ҳодисалар замиридаги туб моҳиятларни англаш калитидир», – деганда минг бора ҳақ эдилар.

Шунинг учун ҳам юртимиз президенти И.А.Каримов ўзининг ҳар бир чиқишида ёшлар тарбиясига алоҳида тўхталади. Жумладан, «Мухтасар қилиб айтганда, ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга хурмат эхтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур», – деган фикрлари доимо ўзининг долзарблигини сақлаб қолади.

Демак, ёшларни ҳар томонлама етук шахс қилиб тарбиялашда миллий қадриятларнинг ўрни беқиёсдир. Миллий қадрият мураккаб ижтимоий-руҳий ҳодиса бўлиб, миллатнинг тили, маданияти, тарихи, урф-одатлари, анъаналарини, жамийки моддий ва маънавий, бойликлари, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча томонларидир.

Ота-боболар панд-насихатлари остида тарбиялашни йўлга қўйишда узлуксиз таълим тизимининг ўрни беқиёсдир.

Баркамол авлод тарбиясини йўлга қўйишда тарбияда узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш орқали таълимни инсонпарварлаштириш, миллий тарбиянинг замон билан узвий боғлиқлигини йўлга қўйиш зарур. Бу маънода таълим-тарбия тизимида ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Таълим тизимидаги ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад, шахс тарбиясидир. Баркамол шахс тарбиясида билим даражаси билан бир қаторда инсонларга меҳр-муҳаббат, адолат, самимийлик ва ахлоқ эгаси бўлиш каби туйғуларнинг ёшлар қалбидан жой олиши муҳим хисобланади. Билим замирида муҳаббат жўш уриб тургандагина интеллектуал мулк жамиятга хизмат қилади.

Демак, ёшларимизни илму маърифатга ихлосманд қилиб тарбиялаш билан бир қаторда, уларнинг онги ва қалбига миллий қадриятларимизни сингдириш орқали миллий ва умуминсоний маънавиятни шакллантириш зарурияти ётади.

Шунинг учун ҳам айнан, ҳозирги шароитда ҳар хил маълумотлар тинимсиз ёшларга етказилаётган бир пайтда уларни юксак инсонпарварлик тамойиллари асосида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда узлуксиз таълим тизимида ёшларни баркамол авлод қилиб тарбиялашга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Булар:

– ёшларни спортга жалб қилиш;
– ижтимоий фойдали меҳнатга ўргатиш;
– илмий дунёқарашини бойитиш;
– маҳалла билан алоқа ўрнатиш;
– таълим тизимида интерфаол методлардан фойдаланиш;
– ахборот олиш маданиятини шакллантириш;
– ахборот ва телекоммуникация имкониятларидан кенг фойдаланиш;
– таълим-тарбия тизимида интегратив ёндашувни амалга ошириш;
– мафкуравий иммунитет тизимини амалга ошириш;
– миллий-маънавий қадриятлардан таълим-тарбия жараёнида кенг фойдаланиш;
– интеллектуал салоҳиятни юксалтириш каби ишлар орқали ўсиб улғайиб келаётган ёшларни ҳар томонлама етук шахс, жамиятнинг фаол аъзоси қилиб тарбиялаш бугунги куннинг асосий талабидир.

## ТАЛАБАЛАРНИ ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ ВОСИТАСИДА ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ МАЗМУНИ

*Ў.ФАРМОНОВ ЖДПИ*

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичда демократик давлат ва фуқаролик жамиятимизнинг бунёдкори бўлган юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни маънавиятли қилиб тарбиялаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, маънавий тарбия воситасида «ҳаётда ўз фикрига, ўзининг қарашлари ва қатъий фуқаролик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантириш» имкониятлари кенгайди[1].

Мазкур масалалар олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини маънавиятли қилиб тарбиялаш орқали ижодий фаолиятга тайёрлаш муҳим ҳисобланади. Чунки бу билан бошланғич синф ўқитувчиларини маънавий тарбиялаш ишларини кучайтириш ва ижодий фаолиятга тайёрлашни илмий-педагогик қонуниятлар воситасида ташкил этиш юзага келади. Бунинг учун маънавий тарбиянинг мазмунини белгилаб олиш лозим бўлади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини олий педагогик таълим жараёнида маънавий тарбиялаш жараёнининг мазмуни Президентимиз Ислом Каримовнинг асарлари ва нутқларида ўз ифодасини топган. Уларда маънавий

¹ "Халқ сўзи" газетаси 2012 йил 15 феврал.



тарбияга доир концептуал фикрлар асосланган. «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, «Таълим-тарбия – онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни, халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди. Мухтасар қилиб айтганда, охирги йилларда таълим-тарбия соҳасида амалга оширган, кўлами ва моҳиятига кўра улкан ишларимиз биз кўзлаган эзгу ниятларимизга эришиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш, ёшларимиз, бутун халқимизнинг маънавий юксалиши йўлида мустаҳкам замин яратди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди» [Қаранг: юқоридаги асар, 60-64]. Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, маънавий тарбия ҳар қандай мамлакатда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Демак, унинг ўсиши ва тараққиёти учун моддий ва маънавий бойликлар яратиш тўхтовсиз равишда юксалиб бориши лозим. Бунинг учун ёш авлод ушбу бойликларни яратишда ижодий фаолиятга, яратувчанликка интилиб ўз аждодларидан юқори даражага кўтарилмоғи шарт. Шунингдек, мустақиллик йилларида давлатимизнинг меъёрий ҳужжатларида ҳам маънавий тарбия ва уни амалга ошириш вазифалари белгилаб берилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августда ПҚ-451-сонли «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди[1]. Бу қарор, *биринчидан*, таълимнинг барча тизимлари қаторида олий таълим босқичида талабаларни маънавий тарбия асосида ижодий фаолиятга, яратувчанликка ва изланувчанликка тайёрлаш асосида касбга йўналтиришни кучайтириш; *иккинчидан*, маънавий тарбия асосида ижодий фаолиятга тайёрлашни тубдан янги асосда ташкил қилиш; *учинчидан* маънавий тарбия асосида ижодий фаолиятга тайёрлаш бўйича юксак малакали ва интеллектуал салоҳиятли кадрлар авлодини тарбиялаш вазифаларини қўйди. Айнан мазкур қарор олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини маънавий тарбиялаш жараёни учун муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Талабаларни олий педагогик таълим жараёнида маънавий тарбиялаш воситасида ижодий фаолиятга тайёрлашнинг ўз хусусиятлари мавжуд. Бу хусусиятларнинг айримларини қуйидагича таъкидлаш мумкин:

– талабаларни маънавий тарбиялаш воситасида ижодий фаолиятга тайёрлашни касбий кўламнинг кенгайиши сифатида қабул қилиш;
– бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини маънавий тарбиялаш воситасида ижодий фаолиятга тайёрлаш кўникмаси ва малакаси билан қуроллантириш;
- бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини маънавий тарбиялаш воситасида ижодий фаолиятга тайёрлаш билан боғлиқ муаммоларни илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилиш ва баҳолай олиш лаёқатини шакллантириш.

Мазкур масалаларни илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ҳал қилиш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун ижодий фаолият бўйича олимларимиз томонидан билдирилган фикрларга таяниш самарали бўлади. Ижодий фаолият барча руҳий ва ақлий кучларни ишга солиб инсоннинг аниқ бир мақсадга интилувчанлиги, махсус ҳиссий ҳолати, илҳомланиши, шунингдек, руҳий кечинмаси, муаммони

¹ "Халқ сўзи" газетаси 2006 йил 26 август.

Тарихан шаклланган, жамоатчилик фикри асосида сайқалланиб келган бундай анъаналар етимларга, бева-бечораларга, беморларга меҳр-мурувват, раҳм-шафқат кўрсатиш масаласида, айниқса, кучли бўлган. Бу фикрни асослаш учун ҳадиси-шарифларда айтилган қуйидаги сўзларни келтириш мумкин:

«Ён қўшниси оч туриб, ўз қорнини тўйғазиб юрган одам комил мўмин эмас». Бу фикрлар ёшлар учун ҳозир ҳам катта тарбия мактаби бўла олади.

Оилани мустаҳкамлаш, ёшларни тарбиялашда жамоатчилик фикрининг кучи ва таъсиридан кенг фойдаланиш ҳозирги кунда ҳам катта амалий аҳамият касб этмоқда. Бу борадаги тажриба ва анъаналардан самарали фойдаланиш мустақиллик шароитида амалга оширилаётган маънавий, тарбиявий ишларни яхшилашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Бугунги кунда биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат, халқимиз учун озод ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадлари билан яшар эканмиз, оилаларимизни мустаҳкамлаш, бу борада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларимизни янги босқичга кўтариш алоҳида аҳамият касб этишини ҳис этиб яшашимиз лозимдир. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганимизда, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир.

## БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАР МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ БОЙИТИШДА ТАЪЛИМИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

*Д.АЛИБЕКОВ, Ҳ.СОДИҚОВ – ЖДПИ*

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий мақсади – баркамол шахс ва малакали мутахассисларни тарбиялашдан иборатдир. Бу мақсадни тўлақонли амалга оширилиши узлуксиз таълим тизимини ижтимоий талабларга мувофиқ равишда қайта шакллантиришга боғлиқ.

Шуни таъкидлаш мумкинки, ёшларга таълим-тарбия бериш билан бирга уларни маънавий жиҳатдан ҳам етук қилиб тарбиялаш лозимдир. Бунинг учун аввалambор, бўлажак ўқитувчиларни маънавий дунёқарашини шакллантириш долзарб вазифа ҳисобланади. Бўлажак мутахассислар тайёрлаш тизимида бугунги кун билан ҳамнафас мутахассислар таълим-тарбия муассасаларининг барча бўғинларида ёшларни маънавий дунёқарашини таркиб топтиришга маъсулдир ва бу билан улар озод ва обод ватан, эркин ва фаравон ҳаёт қуришдек муқаддас бурчга содиқ бўладилар. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсоннинг инсонлиги аввало маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамоллиги билан белгиланади.

Ушбу соҳада олиб борган изланишларимиз натижаларининг кўрсатишича бўлажак мутахассисларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш қуйидаги жиҳатларга боғлиқ экан:

– ота-она, фарзанд, маҳалла ва халқ фаравонлиги ҳақида қайғуриш;

– атрофдаги инсонларни ўзига кераклигини ҳис этиш ва ўзи ҳам уларга керакли киши бўлишга интилиш;

– одоб-ахлоқ, феъл-атвори ёқимли бўлишини юксак инсоний бурч деб ҳисоблаш;



– ота-боболардан ёдгор бўлиб қолган маданий меросни қадрлаш;

– миллий қадриятларни эъзозлаш;

– ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик туйғуларини барқарор бўлиши;

– ўзаро муомала муносабатида ўрнак бўлиши;

– бировнинг оғирини енгил қилиш;

– Конституцияни ҳурмат қилиш ва унга садоқат намуналарини амалда кўрсатиш;

– Ватанни ҳимоя қилиш;

– адолат, диёнат, меҳр-шафқат ва эзгуликни ҳимоя қилиш;

– ваъдага вафоли бўлиш ва шу кабиларга.

Бўлажак мутахассисларни юқорида таъкидланган жиҳатлар орқали уларнинг маънавий дунёқарашини юксалтиришда таълимий қадриятлардан фойдаланиш керак экан. Таълим муассасаси талабаларига педагогика фанларини ўқитиш жараёнида маънавий дунёқарашни таркиб топтиришда таълимий қадриятлардан фойдаланиш аҳамияти жуда муҳимдир. Бўлажак мутахассисларни маънавий дунёқарашини юксалтиришда қуйидаги таълимий қадриятлардан фойдаланиб иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир:

- «Авесто»даги таълим-тарбия ва маънавиятга оид тушунчалар;
- энг қадимги ёзма манбалардаги маънавий фикрлар;
- қомусий олимлар ҳаёти, фаолияти ва улар асарларидаги таълим-тарбия ва маънавиятга оид фикрларини талабалар онгига сингдириш;
- ёзувчи ва шоирлар асарларидаги маънавий қарашларни ўргатиш;
- ҳадисшунос олимлар ҳаёти ва ижоди ҳамда асарларидаги таълим-тарбия ва маънавиятга оид фикрларнинг талабалар томонидан ўзлаштирилишини таъминлаш;
- шарқ уйғониш давридаги маънавиятни юксалтиришга доир қарашларни талабаларга ўргатиш;
- халқ ҳикматлари, анъана, урф-одат ва маросимларни талабалар онгига сингдириш;
- халқ оғзаки ижоди намуналаридан таълим-тарбия жараёнида кенг фойдаланиш.

Бундай жараёнда таълимий қадриятлардан фойдаланиш ижобий педагогик самара беради.

Бунга сабаб таълимий қадриятлар шахсга илмий-назарий билимларни бериш, унда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялаш, ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишда муҳим ижтимоий-педагогик аҳамиятга эга бўлган, шунингдек ўзига хос аҳамият касб этувчи объектив ва субъектив омиллар мажмуасидир.

Демак, бўлажак мутахассислар таълимий қадриятлардан фойдаланган ҳолда маънавий дунёқарашини юксалтиришда қуйидаги жараёнларга эътибор қаратиш лозим:

– талабаларнинг келгусидаги педагогик фаолиятига;

– талабалар дунёқарашига;

– талабалар одоб-ахлоқига;

– маънавият дарсларининг ташкил қилинишига;

– талабаларнинг ўзаро муносабатига;

– талабаларнинг ижтимоий ҳимояланганлигига;
– таълим жараёнини самарали ташкил этилишига;
– талабалар ижодкорлиги ва шу кабиларга.

Ушбу жараёнларни амалга ошириш тўғри ташкил қилинса, бу ҳолат бўлажак мутахассислар маънавий дунёқарашини юксалтиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ ОСТОНАСИДА» КИТОБИДА МУСТАҚИЛЛИК ҒОЯСИ МАСАЛАЛАРИ ТАЛҚИНИ

*Доц. Т.АБДУЛЛАЕВ, и.ф.н. А.МАХСУТАЛИЕВ,*
*Б.МЎМИНОВ – АКХИ*

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобида унинг 1989 йилнинг 24 июнидан 1992 йилнинг 4 январига қадар, яъни республикамиз раҳбари сифатидаги фаолиятидан бошланиб, биринчи кунидан то мамлакатимиз истиқлолга эришганидан сўнг умумхалқ сайлови асосида мустақил Ўзбекистон Президенти этиб сайланиши ва ўз вазифасини бажаришга киришиш санасигача бўлган даврда сўзлаган нутқлари, маърузалари, мақола ва интервьюлари, Юртбошимиз томонидан имзоланган фармон ва қонунлар ўрин олган.

Китобга киритилган, биз учун яқин тарихимизнинг энг ноёб ва ишончли манбаига айланган ана шу ҳужжатларни ўрганишда (бу ҳақда тўпламнинг кириш қисмида ҳам батафсил маълумот берилган) қуйидаги муҳим жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, юқорида зикр этилган характердаги тарихий ҳужжатларнинг барчаси китобга тўлиқ киритилмасдан, унда фақат халқимизнинг асрий орзуси бўлган миллий истиқлол мавзусига оид фикр ва қарашлар атрофлича ўз ифодасини топган. Бошқача айтганда, мустақиллик ғояси, мустақиллик мавзуси мазкур тўпламга киритилган барча нутқ ва маърузаларда бамисоли қизил ип бўлиб ўтади. Шунинг учун ҳам у яхлит асардек катта қизиқиш ва ҳаяжон билан ўқилади.

Иккинчидан, китобда юқорида қайд этиб ўтилган даврда юз берган барча воқеа-ҳодисаларни ва муаллифнинг уларга бўлган муносабатини хронологик тарзда, қатъий кетма-кетлик ва изчилликда тўла ва батафсил ёритиш мақсад қилиб қўйилмаган. Асосий мақсад — совет давлати ҳали ўзининг ҳукмронлик кучини йўқотмаган, унинг репрессив сиёсати давом этаётган, "пахта иши" деган туҳмат, сунъий равишда ўйлаб топилган сиёсий кампания пайтида қанчалан-қанча одамлар ноҳақ қамалган, тазйиқ ва таъқибларга учраган, халқимиз ўртасида тушкунлик, эртанги кунга ишончсизлик кайфияти, қўрқув ва ваҳима кенг тарқалган бир пайтда — ана шундай ўта оғир, умумий инқироз ҳаётнинг ҳамма соҳаларини тўлиқ қамраб олган таҳликали шароитда Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган Ислом Каримовнинг мустақилликка эришиш масаласини кун тартибига қатъий қилиб қўйганини аниқ тарихий ҳужжатлар орқали



кўрсатиш, бу йўлда қандай улкан тарихий ишлар амалга оширилгани ҳақида ўқувчилар, айниқса, кечаги тарихни, ўша даврдаги зулм ва адолатсизликни ўз кўзи билан кўрмаган ёшларга маълумот етказишдан иборат.

Учинчидан, шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бу китоб орадан йигирма йил вақт ўтганидан кейин мозийга қайтиб, ўша давр воқеаларини қайта эслаб, мемуар ёки эсдалик шаклида ёзилган асар эмас. Аксинча, бу китоб аслида ўша шиддатли тарихий воқеалар содир бўлган даврда, ана шу долғали ва драматик жараёнлар билан бирга туғилган асардир. Унда озод ва мустақил ҳаёт сари боришда халқимиз қалбида туғилган барча саволларга жавоб бор. Шунинг учун ҳам у жуда катта фактик ва аналитик материални ўзида мужассам этадиган қомусий асардир.

Юртбошимиз ўз асарида таъкидлаганидек, "Бизга зарба бўлиб тушган энг оғир танглик иқтисодий эмас, балки маънавий танглиқдир. Асрлар мобайнида қарор топган ахлоқий-маънавий қадриятларни ғоявий қарашларга қурбон қилиш оқибатларини бартараф этиш иқтисодиётни тартибга келтиришдан кўра анча машаққатли бўлади. Ахир, яқиндагина эмасмиди, коммунист, айниқса, у юқорироқ лавозимда бўлса, ўз яқин кишилари билан охирги марта видолашиш учун қабристонга ҳам боролмасди. Дафн маросимида иштирок этиш энг катта айб саналиб, бундай одамни партиядан ўчириб, ишдан бўшатишарди. Виждон азобидан сал бўлсада, қутулиш, айни пайтда йиллар бўйи меҳнат қилиб эришган имтиёзлардан маҳрум бўлмаслик учун одамлар қариндош-уруғлари, ҳатто, ота-онаси вафот этганда касалхонага ётиб олишар ёки "шошилинч командировка"га кетиб қолишар эди. Ана шундан кейин ҳам биз, одамлар ҳеч нимага ишонмай қўйишган, уларда ҳеч қандай муқаддас нарса йўқ, деб айтишга қандай тилимиз борар эди"[1]. Президентимиз республика раҳбарлигига тайинланган дастлабки кунлардаёқ юртимизнинг маданий қадриятларини тиклаш ва ривожлантириш вазифасини ўз олдига буюк мақсад қилиб қўйди.

Советлар ҳукмронлигининг сўнгги ўн йилликларида Ўзбекистон маданиятининг ривож топишига маданият ва санъат соҳасини моддий-иқтисодий жиҳатдан таъминлашда йўл қўйилган жиддий хатолар ҳам салбий таъсир кўрсатди. Хусусан, 1940 йилдан бошлаб сурункали равишда мазкур соҳа учун давлат бюджетидан маблағ ажратиш камайиб борди. 1940 йили республика аҳолиси талаб-эҳтиёжлари учун ижтимоий-маданий тадбирлар ва фаннинг ривожига сарфланган харажатлар республика бюджети умумий харажатлар қисмининг 67,9 фоизини ташкил этган бўлса, 1980 йилга келиб 46,9 фоизини ташкил этди. Фан ва маданият учун ажратилган маблағнинг мунтазам камайиб боришига сабаб давлатнинг бу соҳа учун маблағ ажратишни истамаганидан эмас, балки Совет давлатининг иқтисодий аҳволи тобора ёмонлашиб бораётганлигидан далолат эди. Айниқса, бу ҳолат 80-йилларнинг иккинчи ярмига келиб кескин тус ола бошлади.

Бу йилларда республикада кўплаб масжидлар, мадрасалар ёпиб қўйилди, улар яна омборхоналарга айлантирилди. Диний маросимлар қатъий чекланди, жаноза ўқиш, марҳумларни сўнгги йўлга кузатиш ва бошқа одатлар тақиқланди. Ўрта Осиё халқларининг қадимий, исломгача мавжуд бўлган миллий-анъанавий байрами «Наврўз» таъқиб остига олинди. Гўё Наврўзни умумхалқ байрами сифатида нишонлаш бошланганидан буён республикада «динга ишонувчилар сони

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2011, 206-бет.
[2] Ўша асар, 206-бет.

кўпайтган» эмиш. Коммунистик ақидапарастлар Наврўзни тақиқлаб, унинг ўрнига «Навбаҳор» байрамини ўйлаб топди. Лекин ўзбек халқи юқоридан «туширилган» янги байрамни қабул қилмади.

Президент ўз асарида мустақиллик арафасидаги маданиятнинг аҳволини афсус билан шундай тасвирлайди: «Маданиятнинг моддий базасига назар солсак, уялиб ерга кириб кетгудек бўламиз. Ҳамонки, жамият маданиятга ҳаётнинг бошқа соҳаларига нисбатан сариқ чақа сарфлаётган экан, вужудидан юксак ички маданият нурдек таралиб турган одамни тарбиялаши мумкинми?»

Бутун босиб ўтган йўлимизга ўз-ўзини танқид руҳида назар ташлаб, шуни рўй-рост тан олишимиз керакки, биз маданият муаммоларига кечириб бўлмайдиган тарзда кам эътибор берган эканмиз.

Тарихдан маълумки, бир халқни ўзига тобе қилишни истаган кучлар аввало уни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо қилишга интилади. Босиб олинган мамлакат халқлари маданий-маънавий тараққиётини бўғиб қўйиш истилочи, босқинчи мамлакатлар томонидан мустамлакачилик тартибларини сақлаб туриш ва мустаҳкамлашнинг азалий, тарих синовидан ўтган анъанавий йўлларидан бири бўлиб ҳисобланади. Истилочи мамлакат итоат қилдирилган халқларни бора-бора ўзига сингдириб юборишни, бунинг учун ўз мафкураси ва ғояларини уларга мажбуран жорий этиш, маданиятига шикаст етказиш, миллий тили, миллий урф-одатлари ва миллий қадриятлари ривожига йўл бермасликни ўз сиёсатининг асосий мақсади деб билади.

Тил – ҳар бир халқ ва миллатнинг миллий ўзлигини намоён қилишда муҳим воситадир. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар! Шахс маънавий камолотининг зарур шартларидан бири ўз она тилини билишидир. Тил билмайдиган одам халқнинг дилини ҳам билмайди. Бирон – бир сабаб туфайли миллий тил йўқолса миллат бора-бора йўқолиб кетади, миллий ўзига хослигини йўқотади.[1] Шундай бўлгач, бирон - бир миллий тилнинг йўқолиши ўша халқнинг муқаррар равишда ҳалок бўлишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ҳар бир нутқи ва маърузалари, мақола ва асарларида юксак маънавият келажак пойдевори эканлигини қайта-қайта таъкидламоқда. Зеро, – деб уқтиради Ислом Каримов, – биз жамиятимиз тараққиётининг фақатгина иқтисодий, ижтимоий фаровонлик билан эмас, халқимизнинг маънавий баркамоллиги, Демократик ва инсонпарварлик тамойилларини кишилар онгида нечоғлик чуқур илдиз отиши билан баҳолаймиз[1].

Маънавий тарбия соҳасида кўзбўямачиликка йўл қўйиш ниҳоятда хатарли. Маънавият жамият ҳаётининг шундай бир нозик аҳамиятли соҳасики, бу борада хўжакўрсинга иш қилиш иқтисодий ва сиёсий соҳаларда кутилмаган турли инқирозларни келтириб чиқариши мумкин. Айниқса, бу соҳада ўзи бўларчилик ва лўттибозликка йўл қўйиб бўлмайди. Кишиларда, хусусан ёшларда янги маънавиятнинг шаклланиши анча мураккаб ва машаққатли жараён ҳисобланади. Буни амалга оширишда учун кенг кўламли маданий, тарихий, маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш керак бўлади. Эски тузум шароитида таркиб топган маънавий инқирозга барҳам бериш, янгича тафаккурга эга бўлган инсонни шакллантириш мураккаб, муайян даврни талаб қилувчи, аста- секин амалга ошириладиган жараён бўлганлиги сабабли тарихнинг бурилиш даврларида жамият ҳаётида маънавий бўшлиқ ҳолатлари ҳам юзага келиши табиийдир. Бу бўшлиқ жамият учун иқтисодий, сиёсий инқирозга нисбатан анча хатарлироқ кечади. Бунга кейинги вақтларда юз берган мудҳиш воқеалар яққол мисол бўла олади. Шу сабабли тарихий бурилиш даврларида объектив тарзда юзага келадиган бундай ҳолатларни чуқур англаб, уларга тўғри муносабатда бўлиш лозим. Мамлакатимиз раҳбарияти буни тўғри англаб, бундай ҳолатларнинг қалқиб юзага чиқишининг олдини фақат одамларимиз, аввалambор ёшларимизнинг иймон - эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларнинг ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш орқалигина олиш мумкинлигини, мустақиллик тафаккури, маънавиятини шакллантириш, мақсад, вазифа, воситалари йўлларини излаб топиш, ҳаётга жорий этиш орқали ҳал этиш мумкинлигини таъкидлаб келмоқда. Зотан ёш мустақил мамлакатимизнинг келажаги учун маънавияти юксак, баркамол инсонлар зарур.

---

[1] Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. 23-бет.



## ЁШЛАРДА ВАТАНПАРВАРЛИК, ҲАЛОЛЛИК ТУЙҒУЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

*М.ТЎЛАНОВ, М.АКРАМОВ – АндМИ*

Миллий мустақиллик – халқимизда айниқса ўсиб келаётган ёш баркамол авлодимизни ватанпарварлик туйғуларининг тикланишида муҳим аҳамият касб этди. Ҳозирда ватанпарварлик ўзининг қандай қирралари билан намоён бўлаётир? Ватанпарварликнинг моҳияти нималарда, қандай амалий ишлар фаолиятида намоён бўлади? Умуман ватанпарварлик нима, уни қандай тушунмоқ керак, у ҳақда донишмандлар нима деганлар? Қуйида ана шулар ҳақида баҳс юритмоқчимиз. Аввало, ҳозирги ўзбек ватанпарварлиги ота-боболаримиз яратувчанлик ишининг восита давомидир. Саодатли, бахтли, келажаги буюк Ўзбекистонга ҳозир ҳар дақиқада улуш қўшмоқ, ватанга муҳаббат, ватанпарварликнинг асл кўринишидир. Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, унинг ери, суви, эли билан чамбарчас боғлиқ эканлигимизни теран англаш, уни ардоқлаш ҳам ватанпарварликнинг бир кўриниши, қирраси.

Ватанпарварлик деганда эса яна қуйидагиларни англаш жоиз:

– ўз халқини, тарихини яхши билиш ва у билан фахрланиш:

– қадимий обидалар, мислсиз иморатлар, аждодлар яратган моддий ва маънавий меросларни кўз қорачиғидай асраш ва авлодларга тақдим этиш:

– халқимизнинг, аждодларимизнинг гўзал ва маънили урф-одатлар, расм-русм ва удумларни қадрлай билиш, уларни давом эттириш:

– ажойиб ватандошлар – аждодлар номи билан, уларни улуғ ишлари, ютуқлари билан фахрланиш, уларнинг ишларини давом эттириш, уларга муносиб ворис бўлиш:

– шундай ажойиб халққа, юртга, унинг бой тили ва маданиятига мансублиги билан фахрланиш:

– Туронзаминни ҳимоя қилиб, томирдан охирги қони қолгунча душманга

қарши курашган баҳодирларни, аёвсиз жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонларни ёд этиш:

– асримизнинг 20-50 йиллари ва ниҳоят 80 йилларида халқимиз, миллатимизга қарши уюштирилган қатағонларда қамоқ ва сургун азобларини бошдан кечирган ва ҳалок бўлган минглаб миллатимиз гулларини унутмаслик:

– бу азиз ва гўзал ватанимизда юксак эътиқод билан яшаш, унга ҳамиша садоқатли бўлишдир

Ватанпарварлик ҳаммамизнинг ўз ишимизга масъулият билан қараш, ватаннинг бойликларини кўз қорачиғидай асраш, бойликларига бойлик кўшишга ўз улушимизни қўшиш, фан чўққилари сари интилиш ва бошқалардир.

Ватанпарварлик бир сўз билан айтганда ўз ижобий ишларимиз, бунёдкорлик ҳаракатларимиз билан унинг куч-қудратига, гуллаб-яшнашига имкон даражасида ҳисса қўшиш:

– она юртимизда тинчлик, барқарорликни ва осойишталикни сақлашга интилиш ватанпарварликнинг белгисидир.

– ватанпарварлик – халқаро муносабатларда ватан, миллат манфаатларини биринчи ўринга қўйишдир.

Ватанпарварлик тушунчаси инсонпарварлик тушунчаси билан уйғундир. Ватанпарварлик учун интилиш, ватанпаврварлик учун курашнинг заминида инсонпарварлик ётади.

Инсонпарварлик бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. У нурмаъно ва сермазмун тушунчадир. Инсонпарварлик инсон, халқнинг ажралмас хислати тарзида кўзга ташланади. Қуръони Карим инсонпарварлик ғоялари асосига қурилган. Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари ғояларга бой ҳикматлар мажмуасидир. Инсонпарварлик кишиларнинг бир-бирига ҳурматида, қадр-қимматида, меҳр шафқатида, диёнатда, ўзаро кўмаклашувида ҳамдардликда, бошқалар қайғусига шерик бўлиб, қувончидан ва бахтидан севинишида, халқ бахти ва ютуқларидан фахрланишида кўринади. Ўзбек халқи доимо у инсоният дардини куйлаб келган. Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Ибн Сино, аз-Замахшарий, Паҳлавон Маҳмуд, Навоий, Огаҳий асарлардаги ғоялар инсонпарварлик руҳи билан ажралиб туради. Хусусан, Навоий ижодида инсонпарварлик алоҳида аҳамият касб этади. Унингча, ватанга, халққа садоқат энг аввал унинг тақдири устида ғамхўрликдан иборатдир. Инсонга нисбатан бепарволик, унинг тақдири ва бахту саодати ҳақида ғам емаслик ҳақиқий инсон учун тамомила ётдир.

Бугун Мустақил Ўзбекистонни жаҳонда ўз муносиб ўрнини топиши, миллатимизнинг қадр-қимматини жойига қўйиш она заминда яшаётган барча миллат ва элатлар вакиллари билан барқарор ривожланиш йўлида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номи миллатпарварликнинг ёрқин ифодаси сифатида халқимиз қалбидан чуқур ўрин олган. Миллатпарвар инсонлар эса иймонга бой инсонлар ҳисобланадилар.

Соғлом дунёқараш, масъулият, иймон ва эътиқодни ёшлар онгида шакллантиришнинг қуйидаги асосий объектив шарт-шароитлари ва омилларини ажратиб курсатиш мумкин:

**а)** ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий муҳит, **б)** соғлом ғоялар, **в)** сиёсий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг ўсиши, **г)** ёшларнинг билим даражаси, **д)** одатий, анъанавий фикрлаш тарзидан янгича, илғор фикрлашга ўтиш.

Инсоннинг чин маънодаги инсонлиги – унинг иймони, диёнати, меҳр-



оқибати, поклиги ва ҳалоллиги, камтарлиги ва бошқалар билан ўлчанади. Инсонийлик эса фақат иймонли инсонлардагина бўлади. Агар биз иймон тушунчасининг моҳиятини тўғри англаб тушуниб олсак, иймонни ифоҳловчиси бўлган диёнат, меҳр-оқибат, поклик ва ҳалоллик камтарликнинг ҳам моҳиятини билиб оламиз. Фақат иймонли кишиларгина поклик ва ҳалоллик диёнат, эзгулик, меҳр-оқибат йўлида бўладилар.

Маънавий-ахлоқий фазилат сифатида эса иймон фақат одамзотгагина хос руҳий ҳодиса жумласига киради. Инсон, одамзотдан ташқари ҳеч бир маҳлуқотда иймоннинг ўрни йўқ. Бинобарин, одамзот жамики бошқа жонзотлардан бирон бир нарсага ишониб, уни муқаддас деб билиши, яъни иймон келтириши билан ажралиб туради. Иймон киши маънавиятининг, ахлоқнинг ўқ илдизи, пойдевори, негизидир. Иймондан маҳрум кимсанинг ақли нечоғли ўткир, иродаси наҳадар чўнг бўлмасин ва шулар туфайли ўзлигидан қанчалик мағрурланмасин, у чинакам инсонлар қаторига киритилмаган, киритилмайди ҳам. Зеро, иймонсиз одам на Аллоҳдан қўрқади ва бандаларидан уялади, у нафсининг итоаткор қули бўлиб, ҳар қандай разолат ва пасткашликлардан қайтмайди, Аллоҳ ҳаммамизни шундай асрасин. Бунинг учун иймон йўлини тутишимиз лозим.

Иймонли бўлишнинг яна бир белгиси одамнинг диёнатли, виждонли бўлишидир. Диёнат ва виждон бир-бирига яқин тушунча. Диёнат ва виждон одамлардаги инсоф туйғусига ҳамоҳангдир. Диёнат ва виждон кишининг кундалик фаолияти, қилмиши, феъл-атвори учун аввало ўзи олдида, қолаверса оила, жамоат, жамият ва ватан олдида маънавий масъулият ҳис этишидир. Виждонли, диёнатли киши ноҳақ адолатсиз ишлардан ғазабга келади, уларга қаршилик билдиради: ўз фаолиятининг яхши томонларидан қаноатланиб хурсанд бўлса, ёмон томонларидан норози бўлиб, руҳан эзилади, виждон азобидан оғирроқ жазо йўқ. Бинобарин, халқимизда виждон азоби, гўр азоби деган мақол бор. Бу мақолнинг тагида чуқур маъно ётади.

Меҳр-шафқатлилик ҳам иймоннинг белгиларидан биридир. Юқоридагилар каби меҳр-шафқат ҳам халқимизга хос хусусият саналади. Меҳр-шафқат одатда етим-есир, қаровсиз қолган қариялар, ғарибларга, ногиронларга нисбатан моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш туйғуси, десак бўлади. Бизнинг мустақил Республикамиз раҳбарияти ота-боболаримиз удумини давом эттириб, бозор муносабатларига ўтиш шароитида ота-онасиз, қаровсиз қолган болалар ва ҳеч кими йўқ қариялар, шунингдек ногиронларга нисбатан юксак меҳр-шафқатлилик намунасини кўрсатаётир.

Ҳалолликнинг янада кенгроқ маънодаги жиҳатлари бу – турмушдаги ҳалоллик, ўзаро муомала-муносабатдаги ҳалоллик, жамоа орасидаги ҳалоллик, савдо-сотиқдаги ҳалоллик, дўстлар ўртасидаги ҳалоллик ва шу кабилардир. Юраги, қалби пок ва тоза, ҳалол йўлдан юрган инсонлар ҳамиша хотиржам бўлади, кўнгли равшан, доимо сиҳат-саломат юради. Буюк аллома Маҳмуд аз-Замахшарий бу ҳақда шундай деб насиҳат қилади: «Ҳалол ва покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бировга хиёнату ёмонлик қиладиган киши эса ҳалокатга гирифтордир».

Хулоса шуки, ёшларимизда ватанпарварлик туйғусини шаклланиши поклик ва ҳалоллик иймонли бўлиш асосида юзага келади.

маслаҳатлар мажмуини ишлаб чиқишдан иборат бўлади.

Мухтасар қилиб шуни айтиш мумкинки, ёшларни миллий истиқлол руҳида тарбиялашда Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» ва «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» номли асарлари барчамиз учун дастуриламал бўлади десак, ҳеч муболаға қилмаган бўламиз.

# МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИНИНГ ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Н.УСМАНОВ – доц., ЖДПИ*

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, барча соҳаларда туб ислоҳотлар амалга оширилаётган бир даврда таълим-тарбия соҳасида ҳам улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Бу жараёнлар Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисидаги Қарори, «Баркамол авлод йили» давлат дастурининг қабул қилиниши туфайли ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, уларда маънавий-ахлоқий жиҳатларни қарор топтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Айникса, ёшлар онгида миллий ғояни таркиб топтириш, маънавиятини шакллантириш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ижтимоий фаоллигини юзага келтириш ва жамият ҳаётидаги фаол иштирокини тарбиялашни давр тақозо этмоқда.

Шу жиҳатдан ёшлар ўртасида мафкуравий билимларни чуқурроқ тарғиб этиш, миллий ғоя таълим-тарбиянинг изчил тизими ҳамда унинг моҳияти хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўз мулоҳазаларини билдирар экан «... агар иқтисодий ўсиш тараққиёт танаси бўлса, маънавият, маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи ва жонидир. Буюк давлат, буюк келажагимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айни пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак», - деб таъкидлайди. Шундай экан, бугунги кун таълим-тарбиясининг олдида турган асосий вазифа ёшларни миллий ғоя асосида тарбиялаш билан биргаликда уларни жаҳон таълими стандартлари даражасидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллаган баркамол авлодни тарбиялашдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун бир қатор вазифаларни амалга ошириш лозим:

– ёшлар миллий ғоя тарбиясининг бугунги кундаги аҳволини ўрганиб, таҳлил қилиш;

– миллий ғояни ёшлар онгига сингдириш бўйича илмий-амалий дастурларни ишлаб чиқиш;

– миллий ғоя тарғиботи жараёнида ёшлар миллий ғоя тарбиясини такомиллаштиришнинг турли хил усул ва воситаларини ишлаб чиқиш;

– ёшлар миллий ғоя тарбиясини такомиллаштириш борасида педагогика туркумидаги фанларда фойдаланадиган миллий ғоя тарбиясига оид электрон энциклопедия яратиш.

Бу хил ёшлар онгига миллий ғояни сингдириш ва маънавий-маърифий



тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий ахборот технологиялари ва механизмларининг турли хил шаклларидан фойдаланиш зарурлигини кўрсатади. Чунки жамият тараққиётида миллий ғоянинг аҳамияти юқори бўлмоқда. Бу миллий ғоя тарғиботини мудом такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Миллий ғоя тарғиботининг самарадорлигини оширишда педагогик ёндашув катта аҳамиятга эга. Чунки педагогик хусусиятлар қуйидаги жиҳатлари билан мақбул ҳисобланади:

– тарғибот ишида илмийлик ва амалийликка уйғун риоя қилиш;

– тарғиботда тарбия омилининг бирламчи ҳисобланиши ва тушунтиришнинг устувор бўлиши;

– тарғибот ишларининг методик таъминлангандиги;

– педагогик ва замонавий ахборот-коммуникацион технологияларидан унумли фойдаланишнинг мавжудлиги;

– тарғибот объекти бўлган шахснинг маънавий, жисмоний ва физиологик хусусиятларининг ҳисобга олиниши.

Миллий ғоя тарғиботининг педагогик омили истиқболли эканлиги билан диққатни тортади. Шу сабабли миллий ғоя тарғиботининг турли методик кўринишларини ишлаб чиқишга уринишлар бўлмоқда. Бунинг учун бир неча жиҳатларни ҳисобга олиш лозим бўлади: ***биринчидан***, миллий ғоя тарғиботида замонавий ва илғор педагогик тажрибалардан унумли фойдаланиш; ***иккинчидан***, тарғибот усулларидан энг қулайларини танлаб олиш; ***учинчидан***, тарғиботнинг педагогик самарадорлигига эътиборни қаратиш.

Бизнинг назаримизда, миллий ғоя тарғиботининг педагогик хусусиятлари нисбатан самарали ҳисобланади. Шу сабабли бу ишга кўпроқ педагогик кадрларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Негаки миллий ғоя тарғиботи методик жиҳатдан асосли бўлсагина кутилган самарани беради. Бунинг учун: а) миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойилларини чуқур ўзлаштириш; б) эмпирик тадқиқотларни кучайтириш, в) тарғибот бўйича илғор тажрибаларни оммалаштириш лозим бўлади.

Бугунги кунда ўқув юртларида тайёрланаётган педагог кадрларга турли хил ва ҳар томонлама маълумотлар берилмоқда. Шу маънода бўлажак педагог кадрларни миллий ғоя тарғиботи билан чуқур таништириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Мисол учун, бу борада факультатив курслардан фойдаланиш ҳам кутилган самарани беради. Биз фаолиятимиз давомида буни тажрибада синаб кўрдик. Тажрибада қуйидагиларга эътибор қаратилди:

1) «Миллий ғоя тарғиботининг педагогик асослари» ихтиёрий факультатив курси ташкил қилинди;

2) курсда миллий ғоя тарғиботининг замонавий технологиялари билан таништиришга эътибор қаратилди;

3) курсда ахборот-коммуникацион технологияларидан унумли фойдаланилди;

4) асосий диққат медиатаълим технологиясидан фойдаланишга қаратилди.

Натижада олий педагогик таълим жараёнида талабаларни миллий ғоя тарғиботига тайёрлашнинг имкониятлари кенглиги маълум бўлди. Дастлаб медиатаълим ва ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланиш педагогларнинг келгуси фаолиятида қандай самара бериши мумкинлиги ўйлантирган эди. Чунки педагоглар мактабларда бу технологиялардан фойдаланиши керак. Бундан

қўйчиш ўринсиз бўлиб чиқди. Ҳозирги кунда Республикамизда мавжуд тўққиз минг тўрт юздан ортиқ умумтаълим мактаби ёки жами мактабларнинг 96 фоизи Ziyonet электрон ахборот тармоғига уланган ( Қаранг: «Халқ сўзи» газетаси 2012 йил 27 январ сони). Бу имконият педагогларимизнинг ўз фаолиятида медиатаълим ва ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади.

Аввало, педагоглар ўз фаолиятида ахборот-коммуникацион технологияларини жорий этишнинг тарбиявий аҳамиятга эга хусусиятларига алоҳида диққат қилиши керак бўлади. Бунинг учун олий педагогик таълим жараёнида қуйидагиларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир:

– ахборот-коммуникацион технологияларини жорий этиш бўйича имкон қадар ҳар бир талаба билан индивидуал ишлаш;

– мазкур йўналишда махсус ўқув дастури яратиш ва уни махсус курс сифатида ўқитиш;

– талабаларнинг ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланиш малакасининг шаклланишини мониторинг тизимида кузатиб бориш.

Шундай қилиб миллий ғоя тарғиботининг педагогик хусусиятлари ўзининг қулайлиги билан ажралиб туради.

## БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИГА ТАЙЁРЛАШ

*Н.УСМАНОВ – доц., ЖДПИ*

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида миллий ғоя муҳим ўрин тутмоқда. Шу асосда ёш авлодни ҳар томонлама вояга етказиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини миллий ғоя тарғиботига тайёрлаш долзарб масала қилиб белгиланган. Чунки, бошланғич синф ўқитувчилари ўз ўқувчиларида миллий ғояга ишонч, шу ғоя атрофида уларни бирлаштириш, маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, мустақил Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини тушунтириш ишларини ўқув фанлари ва турли тарбиявий тадбирлар воситасида амалга ошириш баркамол авлодни вояга етказишнинг асосини ташкил этади. Бу масалада Республикамиз Президенти Ислом Каримов жорий йилнинг 16-17 феврал кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқида қайд этганидек, «бизнинг янги авлодимиз билимли, ўтмишнинг ҳар қандай иллатларидан озод бўлган ёшларимиз бугунги кунда мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, уни янгилаш ва ишончли тарзда равнақ топтиришнинг ҳал қилувчи ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда»[1]. Чунки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сонли «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарорида кўрсатилганидек, «Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига, она-юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда»[1]. Шу мураккаб ва шарафли вазифани талаб даражасида бажариш учун бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини миллий ғоя тарғиботига тайёрлаш жамиятимизда таълим-тарбия жараёнини ривожлантиришда, интеллектуал салоҳиятли кадрлар тайёрлашда муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатдан ҳам олий педагогик таълим жараёнида бошланғич синф ўқитувчиларини миллий ғоя тарғиботига тайёрлаш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини миллий ғоя тарғиботига тайёрлаш технологиясини яратишнинг самарадорлиги шундаки, унинг асосий тамойиллари энг мақбул ва қулай воситалар асосида талабаларга тушунтирилиши ва сингдирилиши керак. Бунинг учун ўқитувчи замонавий ва янги шакл, услуб, усуллар ҳамда технологияларга эга бўлиши лозим. Мазкур масала бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга муаммолардан бири ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини миллий ғоя тарғиботига тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш кенг қамровли иш. Шу сабабли биз таълим-тарбия жараёнида замонавий ахборот-коммуникацион ва педагогик технологияларни қўллашга асосий эътиборни қаратдик. Чунки, технология – соҳанинг объектив қонунларини юқори ўлчовда акс эттирадиган ва муайян шароит учун натижаларнинг ўрнатилган мақсадларга мос келишини таъминлайдиган фаолиятдир. Бунда ахборот-коммуникацион технологиялар мақсадлилиги, қулайлиги, таъсирчанлиги, кўргазмалилиги ва самарадорлиги билан аҳамиятлидир:

– узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш ва унинг даражасида таълим-тарбия жараёнини олиб боришнинг оптимал вариантларини яратиш ва жорий этиш;

– замонавий ахборот ва педагогик технологиялар негизида таълим-тарбия олиб боришни компьютерлаштиришга эришишнинг илмий-педагогик асосларини яратиш;

– бой миллий қадриятлар ҳақидаги ахборотлар тизимини тайёрлаш ва ундан келиб чиқадиган миллий ғояни аниқлаш;

– ишлаб чиқилган тизимни жорий қилишнинг баркамол авлод тарбиясидаги аҳамияти ва ундан таълим-тарбия жараёнида фойдаланишга услубий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Бугунги кунда шу муаммо ечимини ҳал этишда замонавий ахборот технологияларидан, яъни компьютер технологиясидан фойдаланиш орқали юқори самарадорликка эришилади. Чунки, бу муаммонинг ечими жуда катта ҳажмдаги маълумотларни ёдда тутишга тўғри келади. Шу сабабли юқорида қайд этилган компонентларга мос маълумотлар «ахборотлар банки» ташкил этилса, улар орасидаги узвийлик ва узлуксизлик орқали талабалар онги ва тафаккурига миллий ғояни сингдиришнинг оптимал варианти таъминланади.

Бошланғич таълим жараёнида ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш ўқувчининг онги ва қалбига миллий ғоянинг асосий тамойилларини

[1] "Халқ сўзи" газетаси, 2012 йил, 18 феврал.

[1] "Халқ сўзи" газетаси, 2006 йил, 26 август.

кутилган даражада сингдириш имконини беради. Бунинг учун бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари куйидаги кўникма ва малакаларни эгаллаши керак:

– бошланғич синф ўкувчиларининг ёш ва физиологик хусусиятларини билиши;

– бошланғич синф ўкувчиларининг ёш ва физиологик хусусиятларига мос ўқитиш дастури ва режасини туза олиши;

– бошланғич таълим жараёнида компьютер ва техник воситалардан унумли фойдаланиш;

– бошланғич таълим жараёнида мультимедиа, оҳангли тасвирлар, қизиқарли лавҳалар ва кўрсатувлардан фойдаланиб машғулот ўтиш;

– имкон қадар миллий ғоянинг асосий тамойиллари бўйича рангли ўкув материаллари тайёрлаш;

– ўкув материалларини тайёрлашда давлат таълим стандартларига қатъий амал қилиш.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари миллий ғояни ўкувчилар онгига сингдиришда ахборот таъминоти бўйича куйидагиларни амалга оширишни лозим:

– миллий ғоянинг асосий тамойиллари бўйича аниқ дастур тузиш;

– ҳар бир мавзу учун медиаматериаллар банкини шакллантириш;

– қўшимча маълумотлар, материаллар ва фактлар мажмуасини тайёрлаб қўйиш.

Шу маънода ахборот-коммуникацион тизимни амалиётга жорий этишда режали ва дастурли ёндашиш исталмаган муаммоларнинг олдини олиш имконини беради. Мазкур масалада мисол учун, Ўзбекистонда режали ишлар амалга оширилмоқда. Таълим – тарбия тизимига «Ziyonet» ягона комплексли вебсайти жорий қилинди. Бунинг натижасида ахборот – коммуникацион технологиялардан марказлашган тарзда фойдаланиш тажрибаси таркиб топди. Ахборот-коммуникацион тизимларни кенг жорий этиш, компьютерлардан тўлақонли ва оқилона фойдаланиш, тармоқлар ва тизимларга уланиш бутун Республика бўйича амалга оширилмоқда[1].

Аввало, бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари ахборот-коммуникацион тизимларни жорий этишда тарбиявий аҳамиятга эга хусусиятларга алоҳида диққат қилиши керак бўлади. Бунинг учун олий педагогик таълим жараёнида қуйидагиларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир:

– ахборот-коммуникацион тизимларни жорий этиш бўйича имкон қадар ҳар бир талаба билан индивидуал ишлаш;

– мазкур йўналишда махсус ўкув дастури яратиш ва уни махсус курс сифатида ўқитиш;

– талабаларнинг ахборот-коммуникацион тизимлардан фойдаланиш малакасининг шаклланишини мониторинг тизимда кузатиб бориш.

Шундай қилиб ахборот-коммуникацион тизимни жорий этиш асослари янгича ёндашувларга таянишни тақозо этади. Бу масалада қуйидагича хулосаларга келиш мумкин:

**Биринчидан**, бошланғич синф ўқитувчиларини миллий ғоя тарғиботига тайёрлашга ахборот-коммуникацион тизимни жорий қилиш асослари мақбуллик

[1] "Жиззах ҳақиқати" газетаси, 2001 йил, 20 апрел.



ва маъкуллик принципл[illegible]ути.

**Иккинчидан**, ма[illegible]-коммуникацион тизимидан фойдаланиш, унга эстетик ёндаш[illegible] бўлиши асосий негиз хисобланади.

**Учинчидан**, ахбор[illegible] тизимини бу масалага жорий этишнинг мохиятини «ўкитувчи – [illegible]кацион воситаси – ўкувчи» тизимини ташкил килади.

## МИЛЛИЙ ИСТИКЛОЛ ВА ЖАМИЯТНИНГ МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШИ

*А.САТТАРОВ, Д.ИСАНОВА - АДТИ*

Хар бир жамият [illegible] ижтимоий ва миллий кадриятлар асосида ўзининг эзгу идрокин[illegible] салохиятига, яратувчилик кучи, истеъдоди хамда кабилиятига [illegible] мустакил фикрли эркин шахс. Хар кандай босим ва куруклар[illegible] чидашга кодир инсон килиб тарбиялаш мамлакат истиклолини [illegible] кучайтиришда мухим ахамият касб этади. Бошкарув бошланди. Таъкидлаш [illegible] 24 март куни Президентлик [illegible] босилган сенлардан кадамлардан бири иниг жорий этилиши [illegible] Ўзбекистон олдидаги долзарб муаммоларни бўлди. Чунки ёш, мус[illegible] йўл очар эди. Республика биринчи хал этишда Президент [illegible] фаолиятининг марказида халкнинг маънавий Президенти Ислом [illegible] рухий ва жисмоний камолотига эришиш бойлигини ва юксалтир[illegible] маънавиятни эски мафкура акидаларидан халос эканлигини алохида [illegible] мафкурани шакллантириш ва ривожлантириш килиш, миллий тикланиш[illegible] хар кандай миллатнинг маънавий бойлиги учун катта имконият[illegible] кадриятларнинг бирлигидан таркиб топади. миллий ва умумин[illegible] миллий кадриятларнинг тикланиши, Мустакилликнинг [illegible] эътибор берилди. Бизга маълумки, уларнинг жамият [illegible] асосида акл-заковат билан яратилган, кадрият кишиларнинг [illegible], орзу-истаклари, эътикодлари, ахлок уларнинг тасаввурлари [illegible] маънавий бойлик хисобланади. Кадрият коидаларида ўзида [illegible] эътиборга олиб, таълим-тарбия тарбиянинг таянч [illegible]. Шунинг диккатга сазовор. Ўзбекистон тизими шу асосда ка[illegible] мамлакатда миллатлараро тинчлик, миллий каби кўп миллатли, [illegible] давлатлар четлаб ўтилди ва бугунги кунда бу ва диний бетокатлик [illegible] ишлар ўзининг ижобий самарасини барала амалга ошир[illegible] бермокда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганларидек, "Ўзликни англаш, миллий [illegible] тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги рухий-маънавий бо[illegible] намоён бўлади"[1]. Тил миллат рухидир. Бу фикр ота-боболаримиз[illegible] асарларида хам кўп таъкидланади. Жумладан, "Миллий тил[illegible] миллат рухини йуксалтирар", – дейди жадидлар харакати[illegible] намояндаларидан бири А.Авлоний. Барчамизга

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. 83 бет.

хонадоннинг дарду ҳасратидан, иссиқ-совуғидан, аввало, маҳалла хабардор бўлади. Муҳтож оилаларга маънавий ва моддий ёрдамлар кўрсатади. Маҳалла ҳудудида олиб бориладиган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари, халқимизнинг азалий қадриятларидан бири ҳисобланган ҳашар ёшлар тарбиясида алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, йигит ва қизларимизнинг мустақил ҳаётга кириб боришида, ёш оилаларнинг жамиятдан ўзларига муносиб ўрин топишларида бу фидоий ва меҳрибон, жонкуяр одамларнинг қанчалик муҳим рол ўйнаётганини ҳурмат билан эътироф этишимиз лозим. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлардан яна бири – жамиятимизни маънавий юксалтириш билан боғлиқ бўлиб, бу жараённинг ўзига хос мураккаб томони шундаки, бу йўлда учраган жуда кўп ижтимоий муаммоларни ўзимиз ҳал этишимизга тўғри келмоқда. Айнан шу мақсад йўлида мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ телевидение, радио, оммавий ахборот воситалари ва бадиий асарларга эътибор кучайтирилди. Чунки улар ҳар бир хонадонга кириб боради ва инсонлар қалбига йўл топади. Бугунги кунда ўз ҳаётини мана шундай масъулиятли соҳага бағишлаган истеъдод эгалари мамлакатимизда янги жамиятнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, комил инсонни тарбиялашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Айниқса, бугуннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланган, оммавий маданиятнинг зарарли таъсиридан ёшларимизнинг онгу тафаккурини асрашда илм-фан, маданият ўчоқлари ва ижод аҳлининг ўрни беқиёс. Илм-фан масканлари инсонларга фан доирасидаги илмларни бериш билан биргаликда улардаги маънавий бўшлиқни ҳам тўлдириб боради. Инсонларни маънавий бўшлиқдан халос этишнинг самарали йўлларидан бири уларнинг кўпроқ вақтларини маданият масканларидан ҳисобланадиган театрда ўтказишларидир. Чунки театрда намойиш этиладиган саҳна кўринишларида жамиятнинг ижтимоий муаммоларини жонли тарзда кўрсатиб, ҳар бир томошабиннинг қалбига йўл топиш мумкин. Театрнинг ҳаётдаги маънавий ўрни нечоғлик юксаклигини Маҳмудхўжа Беҳбудий "Театр – бу ибодатхонадур" деб изоҳлаганда айнан ҳақиқатни айтган эди.

Инсонларнинг маънавиятини юксалтиришда асосий омиллардан яна бири, бу шубҳасиз, кутубхоналар ҳисобланади. Кутубхоналарга борган ҳар бир ўқувчи ўзи хоҳлаган китобини тезда топиб, қулай ва шинам ўқув хоналарида ўзларини қизиқтирган маълумотларни ўрганиб, салоҳиятларини оширишлари мумкин.[1]

[1] Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганиш бўйича материаллар. Тўплам-3 –Т.: "Фан". 2009.



# БЎЛАЖАК ОФИЦЕРЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИДА ХАЛҚ ҚАҲРАМОНЛАРИНИНГ ЖАСОРАТИ НАМУНА СИФАТИДА

*Б.ҒАЙБУЛЛАЕВ – ЖОҲАБЮ*

Жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги, аввало халқ маънавиятини тиклаш, бой тарихий меросимизни чуқур ўрганиш, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи, замонавий фан-технология ютуқлари билан қуролланган малакали бўлажак ёш мутахассис кадрларни тайёрлаш билан узвий боғлиқдир.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада такомиллаштириш даркор. Барча бўғиндаги командирларнинг фаолияти офицерлар, сержантлар ва аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъулият билан яшаш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш туйғусини янада кучайтиришга қаратилиши лозим».

Эл-юртига, Ватанига садоқатли, иймон-эътиқодли, мард ва жасур, малакаси етук, маънавияти юксак инсонлар, баркамол авлод ҳар қайси давлатнинг қудратли салоҳият манбаидир.

Миллий-маданий мерос барча даврларда ҳам ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, уларга аждодлар анъаналарини етказиш воситаси бўлиб келган. Айни вақтда улар ёшларга миллий ўзликни англатиш, уларда Ватан ва миллатга бўлган меҳр-муҳаббатни қарор топтириш, миллий ифтихор туйғуларини шакллантиришда алоҳида ўрин тутади.

Курсантларга миллат тарихининг шонли саҳифаларидан олинган далилларни юксак маҳорат билан кўрсата олиш, уларда миллат тарихидаги барча ижобий, миллий тараққиётни таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-тарихий воқеа-ҳодисалар билан ҳақли равишда фахрланиш, ифтихор этиш ҳиссини уйғотиш зарур.

Тарихга назар солар эканмиз, халқ бахт-саодати, тинчлиги, озодлиги йўлида ўз ҳаётини бахшида этган ватандошларимиз кўрсатган қаҳрамонлик, инсонпарварликни кўрамиз, у билан фахрланамиз. Икки дарё оралиғида камол топган, жаҳон цивилизациясига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган халқимизнинг тарихи кўпгина даврларда мустақиллик, озодлик учун мардонавор, қонли курашлар билан боғлиқ. Бу аёвсиз курашларда халқ ўғлонлари ва қизлари кўплаб жасоратлар кўрсатишган. Масалан, Тўмарис «Кимки душман найрангига дучор бўлса халок бўлади, кимки она-Ватан меҳр-муҳаббатини дилига тугиб душманга қарши мардонавор курашса ғалаба қозонади» – деган жуда кўпдан-кўп ибратли ғоялар бу ходисот мағзида сингиб ётибди. Широқ – ўз жонидан кечиб, Доронинг жуда катта лашкарини сувсиз саҳрода куч-мадоридан қолдириб, мағлуб этадики, буюк аждодларимизнинг бу буюк жасорати ҳикматy ибратдир. Спитамен «...Сен Искандарга қарши мардона курашга асос қўйдинг. Сенинг номинг келажак авлодлар учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади. Бир йилдан кейин иккита Спитамен чиқади, ўн йилдан кейин Спитамен мингтага етади. Юз йилдан кейин ўн минглаб Спитамен бош кўтаради. Сен топлатган битта уруғдан кўплаб, ҳадсиз-

ҳисобсиз ниҳоллар туғилади. Улар ҳам янги ҳосил беради ва ниҳоят, эртами-кечми душман муносиб жазосини олади. Буюк ишлар бир зумда амалга ошиб кетмайди. Ҳужум қил! Кураш! Лозим бўлганда орқага чекин. Аммо нима учун курашаётганингни унутма»[1].

Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудида Тўмарис, Широк, Спитамен, Муқанна каби халқ қаҳрамонлари ҳурлик, эрк, озодлик, адолат, халқ ва Ватан мустақиллиги учун жондан кечиб курашганларки, уларнинг пок ва жанговар руҳлари доим кўз ўнгимизда ҳаётдак нур тараб туради. Бу кишилар каби мардона қаҳрамонларимиз борлигидан фахр-ифтихорга тўлмоғимиз, она-Ватанимизга кўз олдайтирадиган ҳар қандай душманга шу улуғ кишиларнинг мардона руҳларидан қувват олиб, жавоб бермоғимиз керак.

Ёшлар – Ватанимизнинг, миллатимизнинг келажагидир. Ватанимиз тақдирини уларга ишониб топширамиз. Бунинг учун улар зиммаларига юклатилаётган энг мураккаб ва масъулиятли вазифани бутун моҳияти ила чуқур англашлари, унга ўзларининг ҳиссаларини қўшишлари лозим.

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ШАХС СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ

*Г.ЎСАРОВ – ЖОҲАБЮ*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган инқилобий ўзгаришлар фуқароларнинг сиёсий маданияти билан чамбарчас боғлиқ. Сиёсий маданият шахснинг ижтимоий тузумга, ҳокимиятга, давлат амалга ошираётган ички ва ташқи сиёсатга муносабатини акс эттирибгина қолмай, балки шахснинг сиёсий онги билан сиёсий фаолияти бирлигини ҳам ифодалайди. Шахс сиёсий маданиятининг ҳолати, даражаси қанча баланд бўлса, унинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётига иштироки шунча юқори бўлади.

Шахс сиёсий маданияти яхлит, бир бутун тизим бўлиб, ўзаро бир талай барқарор ва беқарор унсурларни бирлаштиради. Қолаверса, бу маданиятнинг савияси нақадар баландлигини худди ўша унсурлар белгилайди. Шунингдек, у ўз таркибида сиёсий туйғулар, сиёсий билимлар, сиёсий баҳолар, сиёсий нормалар, сиёсий қадриятлар каби барқарор таркибий қисмларни мужассамлаштиради.

Сиёсий маданиятли инсон шахсини тарбиялашга ҳаракат қилаётган миллий истиқлол мафкураси тарғиботчилари ва ташкилотчилари, олий ва ўрта махсус ўқув-юртларининг муаммолари инсон сиёсий маданиятининг таркибий компонентларини билмасдан туриб, бу борада амалга ошираётган мафкуравий тарбиявий ишларимизнинг самарасини ошириб бўлмайди.

Билиш босқичининг энг асосий барқарор сифати – сиёсий билимлардир. Сиёсий билимлар асосан икки гуруҳга – ижтимоий-сиёсий, ташкилий-техникавий билимларга бўлинади. Ижтимоий-сиёсий билимлар сиёсатнинг мақсад ва вазифалари, унинг иқтисодий базаси билан боғлиқлигини акс эттиради. Ташкилий-техникавий билимлар эса бевосита жамият ёки давлатни бошқарув жараёнига тааллуқли билимлардан иборат бўлади.

[1] Явдат Илёсов. "Сўғдиёна" (тарихий роман). "Шарқ" нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти. Тошкент, 1994.



Сиёсий билимлар – ҳокимият ва тузум, ижтимоий жараёнларни бошқаришнинг асосини ташкил этувчи ғоялар ва қарашлар, меъёр ва қоидалар, давлат тузилиши ва унинг сиёсий тизими, давлатни бошқаришда иштирок этишнинг шакллари ва усуллари ҳақидаги маълумотлар йиғиндисидир. Сиёсий билимлар ижтимоий амалиётга татбиқ этилгандагина шахс унинг моҳияти ва мазмунига чуқур тушуниб етади. Бундай билимлар шахс сиёсий фаолиятида қўлланилса, инсонда турли муаммоларни ҳал этишнинг энг қулай жиҳатларини танлай олиш малакаси ҳосил бўлади. Инсонда ҳақиқий сиёсий маданият воқеликни илмий билиш, ҳуқуқий ахлоқий ва гуманистик қадриятларни тушуниш асосида шаклланади. Шу сабабли тушуниш ва англаш билишнинг энг муҳим асосларидан бири ҳисобланади ва шахснинг сиёсий етуклиги даражасини белгилайди. Шу билан бирга сиёсий билимларни сиёсий фаолиятда қўллаш истагини туғдиради. Қисқаси, тушуниш ва англаш – шахснинг маданий савияси юқори даражада ривожланганлигидан далолат беради. Қолаверса, бу омиллар шахсни онглилик сари етакловчи кучдир. Бошқача айтадиган бўлсак, юз бераётган сиёсий воқеа ва жараёнлардан хабардорлик – шахс сиёсий маданиятининг қай даражада шаклланганлигини кўрсатади. Шахс сиёсий онглилиги даражасини белгиловчи далил бу эътиқоддир. Сиёсий билимлар шахс манфаатлари йўлида қўлланила бошлагандагина эътиқодга айланади. Эътиқод шахснинг турли ижтимоий фазилатларида намоён бўлади. Инсон сиёсий маданиятининг шаклланиши жараёнининг муҳим босқичларидан яна бири баҳолашдир. Баҳолашнинг энг асосий ўзаги – сиёсий фаолият нормалари ҳамда сиёсий қадриятларни ўзлаштиришдир. Чунки, сиёсий нормалар жамият ҳаётининг изга солишда муҳим аҳамият касб этади.

Шахс сиёсий маданияти – анъанага айланиб қолган сиёсий ҳаракатлар ва оммавий сиёсий ижодиёт натижаларининг шахс томонидан ўзлаштирилиши билан характерланади. Шахс сиёсий маданиятининг шаклланишига бевосита таъсир ўтказувчи сиёсий қадриятлар қуйидагилардан иборат:

– биринчидан, сиёсий мафкура;
– иккинчидан, сиёсий анъаналар ва тажрибалар;
– учинчидан, сиёсий ҳуқуқ нормалари (Конституция, сиёсий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий актлар);
– тўртинчидан, сиёсий фаолият шакллари.

Сиёсий мафкура нафақат сиёсий ғоялар, сиёсий қадриятларнинг тизими, балки мустақил фикрлаш, ишлаш, яшаш маданиятига эга бўлган гуманистик типдаги янги шахсни шакллантиришга қаратилган ижтимоий тарбия ҳамдир.

Сиёсий анъаналар бир авлод эришган ютуқларини ўзида сақлаб қолади, бойитади ва иккинчи авлодга етказади. Бошқача айтадиган бўлсак, сиёсий анъаналар инсоният босиб ўтган тарихий тараққиёт давомида тўпланган сиёсий тажрибани авлоддан-авлодга етказадиган воситалар йиғиндисидир. Ажлодлар яратган маданий меросга суянгандагина ўтмиш, бугун ва келажак ўртасидаги ўзаро алоқадорлик сақланиб қолади.

Сиёсий анъаналар – сиёсий онг ва сиёсий фаолият бирлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам сиёсий анъаналар сиёсий маданиятни шакллантиришнинг асосий омилларидан биридир. Бироқ шуни унутмаслик зарурки, фақат замонлар ва заминлар синовидан ўтган прогрессив аҳамиятга эга бўлган сиёсий анъаналаргина шахс сиёсий маданиятини шакллантиради. Бундай сиёсий анъаналар тарбиявий таъсири маънавий маданият ёрдамида кучайтирила-

ди, чунки, маънавий маданият кишиларнинг ижтимоий-тарихий амалиёти билан бевосита боғлиқ, иқтисодий ва ижтимоий сиёсий тузум билан кафолатлангандир.

Возрождение и изучение духовного наследия, приобщение к нему широких масс выступают опорой, интеллектуальным фактором в воссоздании нового Узбекистана.

Познание духовного наследия служит укреплению и развитию национального самосознания, национальной гордости, национального своеобразия.

«Через века он бережно пронес хрупкие ростки справедливости, равенства, добрососедства и гуманизма. Высшая цель обновления Узбекистана – возродить эти традиции, наполнить их новым содержанием, создать необходимые условия для достижения на нашей земле мира и демократии, достатка, культуры, свободы совести и развития каждого человека.

Гуманизм – это неотъемлемая черта национального духа узбекского народа. Жестокость и насилие чужды ему. За тысячелетия своей богатейшей событиями истории наш народ пережил многое – радость расцвета культуры, науки, государственности и горечь раздоров, чужеземного порабощения, потерь лучших сынов и дочерей. Ни превратности истории, ни жестокие войны, ни стихийные бедствия и голод не сломили человечности народа. *И сегодня узбекская семья – воплощение добра и света, любви к детям, почитания старших, чуткого отношения к ближним и к чужому горю».*[1]

Необходимость построения нового Узбекистана обуславливает воспитание свободомыслящего, инициативного гражданина-патриота.

Любовь к Родине должна превратиться в нравственное убеждение. Правильно понимаемый, свободный от национализма и национальной ограниченности патриотизм – это еще и социальный ориентир, духовная установка.

Патриотизм народа, его стремление к свободе, к счастью находят воплощение в новой государственной символике независимого Узбекистана, которая приобретает священный смысл для каждого узбекистанца.

Символы нашего государства – флаг, герб, гимн вбирают в себя честь, гордость, историческую память и устремления народов Узбекистана. Почитать эти символы, значит укреплять свое личное достоинство, уверенность в своей стране. Человек, гордящийся своей страной, может сделать многое, что прославит и его семью, и его фамилию.

Это сохранение и приумножение семейных традиций, стремление не запятнать доброе имя отцов и дедов, желание своим трудом и знаниями упрочить авторитет фамилии, заслужить уважение людей.

*«Высокое национальное достоинство, честь и слава узбекского народа основаны на его великой доброте и честности. Мы и впредь будем духовно возвышать национальную гордость узбеков, одновременно стремиться к братству со*

[1] Каримов И.А. Узбекистан: национальная независимость, экономика, политика, идеология. КН. 1.-С.74.

*всеми другими народами, живущими вместе с нами на нашей общей Родине и преданными Республике Узбекистан»*[2]

Без воспитания любви и уважения к своему народу, его традициям, языку и культуре невозможно воспитать настоящего человека, патриота своей Родины. Патриотизм, межнациональное согласие – это то, на чем строится независимое государство Узбекистан.

Умение правильно использовать культурное наследие и имеющиеся ценности, извлечь уроки из прошлого, критически, но творчески относиться к истории и современности, религиозным и нравственным нормам, к уровню собственной политической и правовой культуры, практики, к образу жизни составляет важную духовную основу укрепления независимости.

Еще одна из духовных основ – это глубокое осознание необходимости взаимодействия и взаимообогащения национальной культуры с культурами других народов, осознание гибельности национальной изоляции, осознанное стремление к всесторонней и равноправной интеграции с мировым сообществом.

Умение гармонизировать национальные интересы с требованиями современности также относится к духовным основам укрепления независимости.

Нравственные основы состоят из таких многогранных понятий и норм, как добро, гуманизм, патриотизм, справедливость, совесть, долг. Они органически связаны между собой и включают в себя более узкие, но не менее важные понятия – честность и справедливость, доброжелательность и отзывчивость, стыдливость, взаимопомощь и коллективизм.

Гуманизм нельзя представить без доброжелательности и отзывчивости, взаимопомощи и справедливости. Это общечеловеческие нормы.

Нравственные основы состоят из таких многогранных понятий и норм, как добро, гуманизм, патриотизм, справедливость, совесть, долг. Они органически связаны между собой и включают в себя более узкие, но не менее важные понятия – честность и справедливость, доброжелательность и отзывчивость, стыдливость, взаимопомощь и коллективизм.

Гуманизм нельзя представить без доброжелательности и отзывчивости, взаимопомощи и справедливости. Это общечеловеческие нормы.

«Узбекистан, следуя лучшим традициям цивилизаций Востока, широко открыт гостеприимству и дружелюбию. Изгнанники, лишенные своей родины, жертвы войн и преследований всегда находили в узбекском доме приют и заботу. «Ты – не сирота!» – в годы Великой Отечественной войны из самого сердца узбека вышли эти душевные слова, обращенные к детям, потерявшим родителей и родной дом. Тогда народный поэт Гафур Гулям написал сокровенные строки:

Разве ты сирота ?...
Успокойся, родной!
Словно доброе солнце,
Склоняясь над тобой,
Материнской, глубокой
Любовью полна,
Бережет твое детство

[1] Каримов И.А. Узбекистан: национальная независимость, экономика, политика, идеология. КН. 1.-С.81.



Большая страна.
Здесь ты дома,
Здесь я стерегу твой покой.
Спи, кусочек души моей,
Маленький мой!»[1]

Народ Узбекистана из поколения в поколение, горячо любит свою землю, всегда был неравнодушен к судьбам близких и дальних народов.

К духовным основам, укрепляющим независимость Узбекистана, относятся также культура, наука и интеллектуальный потенциал народа.

Воспитание нового, свободомыслящего, высококультурного гражданина-патриота с чувством национальной гордости – вот задача сегодняшнего дня! Такие граждане должны быть свободными от свойственных старшему и среднему поколению определенных духовных недостатков – социальной инертности и нравственного конформизма, чувства национальной неполноценности. Лишь потом они поднимутся до уровня личностей нового исторического типа.

*«Нам теперь необходимо воспитать и растить людей, мыслящих по-новому, работающих на основе современных требований. Нам следует критически отнестись к нашему близкому прошлому и, взяв на вооружение все положительное и ценное из прошлого, отказаться от старого стиля работы и политики, которая не соответствует сегодняшнему дню и является преградой на нашем пути».*[2]

# ФОРМИРОВАНИЕ НРАВСТВЕННОЙ КУЛЬТУРЫ УЧИТЕЛЯ КАК ПРОБЛЕМА МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОГО ИССЛЕДОВАНИЯ

*З.М. НАСЫРОВА – АДУ*

С зарождением педагогической деятельности вопрос о нравственном облике учителя являлся предметом обсуждения. Время не ослабило его актуальности, и в настоящее время проблема воспитания нравственной культуры учителя приобретает значение первостепенной важности в общей системе профессиональной подготовки педагогов в Узбекистане.

Анализ ситуации, сложившейся в последнее десятилетие показал:

- Нравственные ценности в обществе из области сопричастности идеалу ответственности за другого человека, из области сопереживания сместились на проявление практичности и рационализма.
- В результате этого усиливается разобщенность людей, ухудшается нравственность, происходит разрушение семьи, потеря смысла жизни, криминализация сознания. Такие негативные явления особенно заметны в молодежной среде. Это ставит перед государственными образовательными структурами, ответственными за духовное здоровье нации, неотложную задачу социально-педагогической коррекции и реабилитации юных членов общества.

В связи с этим воспитание учителя как носителя высокой нравственной культуры, который сможет противопоставить моральным антиценностям совре-

[1] Каримов И.А. Узбекистан: национальная независимость, экономика, политика, идеология. КН. 1.-С.74.75.
[2] Каримов И.А. Наша цель: свободная и процветающая Родина. Кн.2. – Т.: Узбекистан, 1996. С.252

менного общества традиционные ценности культуры, может быть рассмотрено в качестве дидактической формы духовно-нравственной коррекции общественного сознания. А воспитание нравственной культуры учителя, выступающей неотъемлемой стороной его педагогической деятельности, должно быть признано первоочередной задачей высшей школы.

Изучение проблемы выявило несколько направлений исследования. Первое из них ставит задачу теоретико-методологического обоснования системы научных понятий, раскрывающих теоретические и практические стороны процесса воспитания нравственной культуры. Так как их разночтение не позволяло очертить границу исследования, было проведено изучение феномена «нравственная культура» в историко-теоретическом аспекте.

Нравственная культура учителя - сложное интегративное образование, выражающееся в высоком уровне морально-нравственных отношений к педагогической деятельности, профессионально-этической воспитанности, усвоении нравственного опыта и духовных ценностей общества и воплощении усвоенного в практике. Однако анализ вопроса показал отсутствие понятия «нравственная культура учителя» в изданиях педагогического профиля. В то же время, в профессионально-значимых качествах личности учителя представлены такие нравственные характеристики, как общительность, терпимость, самообладание, оптимизм и другие . Требования к учителю в различных педагогических системах всегда были представлены в форме долженствования, когда речь шла о нравственных качествах. Учитель должен любить детей, понимать их, знать детскую психологию, особенности внутреннего мира детей («... если педагогика хочет воспитывать человека во всех отношениях, она должна прежде узнать его во всех отношениях» быть требовательным, но справедливым и уважительным к детям.

Понятие «любовь», характеристически относящееся к области нравственной культуры, – категория философско-этическая. Поэтому исследование феномена нравственной культуры личности было произведено в пограничной зоне таких наук, как философия, психология, педагогика. В психологическом аспекте было выделено именно наличие положительных этических характеристик, обосновывающих развитие личности.

Развитие человека протекает нормально, если он во взаимоотношениях с другими людьми способен к децентрализации, самоотдаче и любви. Нравственная ориентация является сутью нормального развития, критерием нравственного здоровья личности. В то же время человек может быть психически здоров (хорошо запоминать, мыслить), но личностно-ущербен: не направлять свою жизнь к достижению человеческой сущности. Выделенные особенности являются одновременно условиями и критериями развития личности учителя. Таким образом, предметом интегративного исследования психологии, педагогики, этики и философии является отношение человека к другому.



# ЎҚУВЧИЛАР ЛУҒАТ БОЙЛИГИНИ ОШИРИШДА ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

*С.ИСМОИЛОВА – АДУ*

Мустақиллик йилларида чиқарилган «Таълим тўғрисидаги қонун» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» биздан ўз соҳасининг ҳақиқий билимдонлари бўлган, замонавий фан-техника сирларини тўлиқ эгаллаган, рақобатдош, эркин фикрлай оладиган ўқувчиларни – кадрларни тайёрлаб беришни тақозо этмоқда. Ўзбекистоннинг эртанги куни ана шундай ёшларга боғлиқ бўлиб қолди.

Она тили дарслари орқали кичик ёшдаги боланинг онги, маданияти узлуксиз таълим мақсадлари билан уйғунлашуви ва шу фандан тўлиқ саводхон бўлишлари кўзда тутилади. Ёш авлоднинг маънавий камолоти она тили ўқитишнинг самарадорлигига боғлиқ.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши тараққиётни таъминловчи омил бўлиши билан бирга, ёш авлоднинг шахс сифатида фаоллашувида ҳам юқори ўрин тутади. Ватанимиз равнақи ёшларга, жамиятнинг турли соҳалари учун тайёрланаётган кадрларга бевосита боғлиқдир. Таълим тизимининг долзарб вазифаларидан бири билимдон, миллий ва умумбашарий қадриятларни эгаллаган, энг муҳими, юқори интеллект эгаси бўлган мутахассисларни етиштиришдир.

Баркамол инсонни шакллантиришда таълим ва тарбияни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Шу сабабли юксак маънавиятга эришмоқ учун илмий тасдиқланган ва амалий тажрибалардан ўтган ақидаларга суянмоғимиз лозим. Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таълим-тарбия ҳақида шундай фикр билдирган: «Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси»[1].

Давр талаби асосида дарс ўтиш, дарсларда сифат ва самарадорликка эришиш, ёш авлодни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук қилиб тарбиялаш бугунги кун ўқитувчисининг олдида турган масъулиятли вазифалардан биридир.

Комил инсон шахсини шакллантириш – бошланғич таълим учун ҳам бош мақсаддир. Шахс баркамол бўлиши учун унинг қалби уйғоқ, ўз қарашлари ва нуқтаи назарига эга, мустақил фикрлаш салоҳияти ривожланган, таъсирчан бўлиши керак.

Инсонийликнинг асосий белгиси – маънавиятдир. Чунки инсон дунёга келгандан бошлаб, албатта, жамоатчилик таъсирида, таълим-тарбия натижасида инсонга хос бўлган фазилатлар шаклланади. Маънавият фақат инсонга хос бўлган хусусиятдир. Маънавият кўп қиррали тушунча бўлиб, у ҳар бир халқнинг, миллатнинг миллий маънавияти, илмий, иқтисодий, сиёсий ривожланиши билан боғлиқ ҳолда шаклланади ва ўсиб боради. Президентимиз И.Каримов «Ўйлайманки, ер юзида қанча инсон, қанча тақдир бўлса, ҳар бирининг ўз маънавий олами бўлади. Маънавиятни тушуниш, англаш учун, аввало, инсонни тушуниш, англаш керак»[2], – дея таъриф берганлар.

---

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: «Маънавият», 2008. -Б. 62.
[2] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: «Маънавият», 2008. -Б. 29.

*Маълумки, ўзбек халқи азалдан ўзининг* ***болажонлиги, оилапарварлиги*** *билан ажралиб туради.* **(И.Каримов. «Юксак маънавият енгилмас куч». Т, «Маънавият», 2008, 91-б. ).**

**Болажонлик** – болаларни жондан ортиқ севишлик, болажон бўлиш **(Ўзбек тилининг изоҳли луғати, I том, 306-б.)**

**Оилапарвар** – ўз оиласини, бола-чақасини севувчи, у ҳақда доимо ғамхўрлик қилувчи **(Ўзбек тилининг изоҳли луғати, III том, 98-б.)**

Бу билан болажонлик, оилапарварлик бизнинг миллатимизга хос бўлган фазилатларидан бири эканлиги тушунтирилади.

Президентимиз И.Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асари ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбини маънавий ва ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, инсоннинг юксалишида маънавият оламининг қандай таъсир ва аҳамиятга эга экани, келажак авлодларимизни маънавий соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш билан боғлиқ вазифаларини аниқ белгилаб олиш борасидаги ҳаётий эҳтиёж маҳсули десак, янглишмаймиз.

Ёш авлодни юксак маънавиятли, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг онг ва тафаккурида миллий ғурур туйғусини шакллантириш, инсоннинг руҳий ва ақлий оламига эзгулик уруғини экишдир.

## МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ – ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

*Ф.ф.н.доц Л.ЖАЛОЛОВА,*
*Ш.ҲАСАНОВ – катта ўқитувчи, АДУ*

Ҳаммага маълумки, истиқлол ғоясининг олий мақсади эзгу ғояларга таянган ҳолда халқни Ўзбекистоннинг буюк келажагини бунёд этишга сафарбар қилиш, ёшларни ҳозирги ҳаёт талабларига жавоб берадиган, ғояси мустаҳкам, юксак эътиқодли, огоҳ ва журъатли кишилар этиб вояга етказишдир.

Янгича, эркин фикрлайдиган, мустақил мулоҳазага эга бўлган, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, уларда ватанпарварлик, қонунларни ҳурмат қилиш, эл-юртга фидойилик, иймон-эътиқод, бунёдкорлик, инсоф-диёнат, ҳалоллик, саховат каби юксак маънавий туйғуларни шакллантириш истиқлол мафкурасининг асосий вазифаларидир.

Ана шу олий мақсад ва вазифалар ҳозирги таълим тизимининг йўналишларини, яъни ёшларда Ватанга садоқат, юрт тинчлигини сақлаш туйғусини тарбиялашда, биринчи навбатда, уларда буюк мақсадни шакллантириш, ана шу мақсад сари йўналтириш, юрт равнақи ғоясини сингдириш, ёш авлод фаолиятини юксак маънавият мезонлари асосида ташкил қилиш кераклигини белгилаб берди

Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таълим - тарбиянинг мақсади фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган, комил инсонлар этиб тарбиялашдир, дейилади ва таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан ажратиб бўлмаслиги, бу шарқона ҳаёт фалсафаси эканлиги уқтирилади. Бутун ҳукуматимизнинг қўйган асосий вазифаларидан бири соғлом ва уйғун камол топган авлодни тарбиялаш,



ёшларимизни нафақат жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб ўстириш, интеллектуал билим ва бойликка эга бўлган инсонлар бўлиб ҳаётга кириб боришларини таъминлаш экани кўрсатилади.

Юртбошимиз, агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррарлиги мустақил фикрлаш ҳам катта бойлик эканлигини таъкидлайди. Эркин фикрлаш билан эркин сўзлаш, тафаккур билан тил ўзаро узвий боғлиқдир, чунки бизнинг фикр-мулоҳазаларимизни шакллантирувчи ва рўёбга чиқарувчи энг қудратли восита – бу тилдир. Ўз фикрини гўзал ва аниқ, равон ва изчил ифода эта оладиган ёшларни тарбиялаш эса нутқий маданиятни ривожлантириш омилидир.

Бунинг учун ёшларда биринчи навбатда ақлий қувватни оширишимиз керак. Туркий тил султони Алишер Навоий шундай ёзадилар: Кишининг бу вақт иккидур ҳолати, Эрур ақли ё нафсининг қуввати.

Зеро, нутқ инсоннинг маънавияти, маданияти, билими ва тарбияланганлик даражасини кўрсатувчи асосий мезондир. Чунки нутқ – тафаккур маҳсули, фикрни ифода қилиш воситасидир. Сўз ва тил, сўзнинг буюк қудрати ҳақида аждодларимизнинг кўплаб ҳикматлари мавжуд. Масалан:

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида «Айтур сўзни айт, айтмас сўздан қайт», – деган панд-насиҳати берилган.

Буюк ҳадисшунос олим Имом Исмоил ал-Бухорий «Ал жоме ас-саҳиҳ» асарида шундай ёзадилар: «Сўзнинг қудрати улуғдирким, ундан қудратлироғи йўқдир». Буюк донишмандларимиздан бири Кайковус сўзнинг аҳамияти ва мавқесини юқори қўяди. У «Билгилким, ҳамма ҳунарлардан сўз ҳунари яхши...» деб ёзади ва нотиқлик маҳорати, нутқий маданиятни тажриба орқали, машқ ҳамда меҳнат эвазига эришилувчи малака, лаёқат деб ҳисоблайди.

Бундай пурҳикмат нақллар ёшларнинг ўз тилига бўлган муҳаббатини, унга бўлган қизиқишини, мулоқот маданиятини, яъни ифода имкониятларини оширади.

Бизнинг вазифамиз нефбин ақл эгаларини тарбиялаш, уларга назарий билимлар бериш асосида илмини ошириш, амалий билимлар билан яхши ишларни бажаришга даъват этиш, шу йўл билан уларнинг салоҳиятини ошириш, бир сўз билан айтганда, комил инсонни тарбиялашдир.

Бу билан эса биз келажагимиз ворислари бўлган ёшларни камол топтириш асосида юртимиз равнақи, мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшган бўламиз.

Шунинг учун биз – филологлар тил сатҳларини, тилимизнинг бой имкониятларини ва бекиёс адабий меросимизни ўргатиш асосида жамият ривожининг бош омили бўлган маънавиятни, миллий ва умуминсоний қадриятларимизни ёшлар онгига сингдиришни бош вазифа, деб биламиз. Чунки маънавий баркамол авлод келажагимиз тараққиётининг пойдеворидир.

# ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРГА МАЪНАВИЯТ МАСАЛАЛАРИНИ СИНГДИРИШ

*С.ЖАЛИЛОВА – АДУ*

Миллий қадриятларни тиклаш, улар асосида баркамол, етук, комил инсонни тарбиялаш ва вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор талаби ҳамда йўналишига кўтарилди.

Миллий қадриятлар мураккаб ижтимоий-руҳий ҳодиса бўлиб, у миллатнинг тили, маданияти, тарихи, урф-одатлари, анъаналарини, жамики моддий ва маънавий бойликларини, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча томонларини қамраб олади.

Маълумки, мустақил ва ижодий фикр юритиш жараёнида ўқувчилар биринчи навбатда ўзининг тил захирасига таянади, тафаккур маҳсулини ўз она тили ёрдамида ифодалашга ҳаракат қилади. Ижодий тафаккур ва тил воситалари, унинг меъёр ва ифода имкониятлари матн мазмунини тўла англаш ва баҳолашда уйғунлашиб кетади. Шунинг учун ҳам она тили дарсларида нутқий жараённи амалга оширишда турли матнлар устида ишлаш, муаммоли вазиятни вужудга келтириш, мантиқий хулосалар чиқаришга ундаш, изчил фикр баён қилиш малакаларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бир сўз билан айтганда, ўқувчилар маънавий жиҳатдан юксак салоҳиятга эга бўлишлари учун ўқитувчи таълим жараёнида турли замонавий педагогик технологиялардан унумли фойдаланиши зарур.

«А) фаннинг илғор ютуқлари, педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш, дарсни ўқув-тарбиявий жараён қонуниятлари асосида ташкил этиш; б) дарсда барча дидактик тамойил ва қоидаларнинг оптимал нисбатларини таъминлаш; в) ўқувчиларнинг қизиқишлари, лаёқати ва талабларини ҳисобга олиш асосида улар томонидан билимларни пухта ўзлаштирилиши учун зарур шароитларни яратиш; г) ўқувчилар англаб етадиган фанлараро боғлиқликларни ўрнатиш»[1] кутилган натижани беради.Демак, маънавият масалаларини ижобий ҳал қилиш учун ўқитишни иг турли усулларидан мақсадга мувофиқ фойдалана олиш зарурий масаладир.

Она тили дарсларининг самарадорлик даражаси ўқувчиларнинг ўз она тили бойликлари, унинг имкониятларини қандай ўзлаштириб олганлиги, ўз фикрини ижодий матн яратиш асосида ифодалай олиши қай даражада эгаллаганликлари билан белгиланади. Барчамизга аёнки, мамлакатимизда ёшларни маънавий-маърифий қадриятлар асосида тарбиялаш соҳасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Миллий маънавият, миллий қадриятлар, миллий истиқлол ғоясининг ўқувчи онгига сингиб бориши учун шу йўналишдаги ўқув материаллари барча ўқув фанининг мазмун-моҳиятига киритилиши даркор. Хусусан, она тили таълими бу борада алоҳида ўрин тутади.Чунончи, тилнинг қонун-қоидалари тарбиявий аҳамиятга молик мисоллар асосида тушунтирилади, мустаҳкамланади ва такрорлаб борилади. Она тили дарсларида ўқувчиларнинг боғланишли нутқ малакаларини ўстиришда матн устида ишлаш машғулотлари

[1] Педагогика. Муаллифлар гуруҳи. 1 қисм. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. -Т. 2010, 169-бет.



алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, қуйидаги топшириқларни ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилиш кутилган натижани беради. Маънавият тушунчасини ифода этувчи «Кластер» усулини бажаринг. Уни мусобақа тарзида ташкил этинг.

Намуна:




Ёки Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XIV сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» маърузасида берилган қуйидаги фикрларни бериб, уни ўқувчилар ҳар томонлама таҳлил қилишга ўргансалар мақсадга мувофиқ бўлади.

*«Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен, аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон, иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган ва виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан»*[1]. Сўнгра матн мазмунига мувофиқ грамматик топшириқлар берилади. Яъни :

1.Маънавият сўзини морфемик таҳлил қилинг.

2.Матндаги маънодош сўзларни аниқланг ва маъно нозикликларидаги фарқларни айтинг.

3.Матндаги ўзакдош сўзларни аниқланг.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларга миллий истиқлол ғояси ҳамда маънавият масалаларини сингдиришда турли усуллардан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш баркамол авлод тарбиясида кутилган натижани беради.

# ТИЛ – МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

*ф.ф.н.доц. Л.ЖАЛОЛОВА,*
*Ш.ҲАСАНОВ – катта ўқитувчи АДУ*

Маълумки, яратиқлар ичида энг мукаррами, азизи – бу инсондир. Унга жуда кўп имтиёзлар берилган. Ана шундай нодир имтиёзлардан бири унинг сўзлай олиш, фикрлай билиш, тафаккур қудратидир. Ҳазрат Алишер Навоий инсонларга берилган бу неъматни шарафлаб, шундай ёзади:

*Тангрики, инсонни қилиб ганжи роз,*
*Сўз била ҳайвондин анго имтиёз...*[2]

Тил, нутқ, тафаккур қудрати инсонни бошқа жонзотлардан фарқлади, унинг улуғ ва табаррук бўлишига замин яратади. Инсоннинг маънавий баркамоллиги жуда кўп эзгу фазилатлар мужассамида бўй кўрсатади. Унинг хатти-ҳаракатлари, ўзини тутиши, кийиниши, овқатланиши, борлиққа муносабати, муомаласи, билими

[1] И.А.Каримов. "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" -Т.: Ўзбекистон, 1999.
[2] Ўзбек адабиёти (иккинчи том). А.Навоий "Ҳайратул-аброр", -Т.: Ўздавнашр, 1959 йил, 139-бет.

даражаси, одоб-ахлоқи, барчаси маънавий етуклик даражасини белгиловчи омиллар сирасига киради.

Бу узвийлик тартибининг бошида, албатта, муомала, нутқ маданияти туради. Нутқ кишининг маънавий қиёфасини яққол очиб берувчи бирламчи воситадир. Мухтарам Юртбошимизнинг «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарида тилнинг қудратига шундай баҳо берилади: «Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир»[1]. Ўзбек педагогикаси асосчиларидан бири Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида шундай ҳикмат бор: «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурғон ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур»[2].

Инсон моддий бой, бутун имкониятларга тўла эга бўлиши мумкиндир, аммо бунинг ўзи унинг етуклигига асос бўлолмайди, албатта. Севимли адибимиз Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асаридаги Юсуфбек ҳожи, Отабек, Кумуш, Мирзакарим қутидор каби тимсолларнинг китобхонларга севимли бўлишининг асосий сабабларидан бири уларнинг гўзал нутқ одобидир. Уларнинг ўзаро муомаласи, одоб-ахлоқи китобхонни оҳанграбодек ўзига тортади, ҳавасини келтиради. Ўзбек китобхони қалбида эса, шу миллат вакили эканлигидан чексиз фахр-ифтихор туйғуларини тўлқинлантиради.

«...ҳожи мулойимгина сўз очди.

– Ўғлим, ҳали сен эшитдингми, йўқми ҳайтовур бизнинг сенинг устингдан бир иш қилиб қўйдик...

Отабек маълумки, уларнинг «қилиб қўйган ёки қилмоқчи бўлган ишларини», албатта, билар эди. Шундоқ ҳам бўлса билмаганга солинди:

– Ақллик кишиларнинг ўғуллари устидан қилган ишлари албатта номаъқул бўлмас, – деди».[3]

Инсон доимо гўзалликка интилади, гўзал бўлишни орзу қилади. Лекин гўзаллик – фақатгина ташқи кўринишнинг чиройли бўлиши билан мукаммал бўлмайди. «Энди тилга қайтайлик. Тил бир жиҳатдан табиат ва инсондаги гўзалликни акс эттирувчи восита бўлса, иккинчи жиҳатдан унда гўзалликни вужудга келтирувчи жавҳарлар ҳам мавжуд дейлик. Биз тилга гўзаллик жавҳари сифатида назар соладиган бўлсак, унинг кишини ҳайратлантирадиган даражада етуклиги бор»[4].

Тил миллатнинг, маънавиятимизнинг асосий кўзгуси экан, ундан оқилона фойдаланиш, унга доғ туширмаслик ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз саналади. Келажаги буюк бўлган, эртаси, бугунидан нурафшон халқнинг ҳар бир вакили миллат тўғрисида қайғурмоғи, миллат ғурурини, ор-номусини сақламоғи, миллатнинг маънавий юксалишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоғи инсонийликнинг муҳим шартидир.

---

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: "Маънавият", 2011, 83-бет.
[2] Абдулла Авлоний. Ўзбек миллий истиқлол файласуфлари. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т.: "Шарқ" 1993, 100-бет.
[3] Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992, 108-бет.
[4] Азабек Рустамов. Сўз хусусида сўз. –Т.: "Ёш гвар." 1987, 12-бет.



# ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ШАХС ТАРБИЯСИ МИЛЛИЙ ТАРБИЯ ВАЗИФАСИ СИФАТИДА

*Ш.Ж.ЮСУПОВА – п.ф.д., АДУ*

Таълимнинг асосий вазифаларидан бири қайси фан бўлишидан қатъий назар комил инсонни тарбиялашдан иборат бўлмоғи шарт. Шунинг учун ҳам шахс ривожида таълимнинг энг мақбул йўналишини белгилаб олиш, шу билан бирга, таълимга мос равишда тарбия йўналишларини ҳам уйғун ҳолда олиб бориш баркамол шахс тарбиясида муҳим роль ўйнайди. Чунки маънавий тарбияга хизмат қилмаган таълим «сувсиз тегирмон»дир.

Ўқитувчининг чуқур билим ва тафаккурга эгалиги, методологик билимдонлиги унинг касбий маданиятининг, шунингдек, маънавиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ўқитувчининг бу борадаги савияси ўқувчига ҳам таълим, ҳам тарбия бериш ва уни шахс сифатида шакллантириш мақсадларига эришишда алоҳида аҳамият касб этади.

Демократик жамиятда таълимнинг ижтимоийлашувини тўғри йўлга қўйиш натижасида шахс ўз-ўзини англайди ва ўз қобилиятини ижодий мулоҳаза қилиб кўради. Инсон юксак маънавиятли шахс бўлиши учун у оламдаги нарса-ҳодисаларни билишгина эмас, балки жамиятда юз бераётган ўзгаришларнинг моҳиятини ҳам, мазмунини ҳам англай олиши зарур. Чунки шахс улардан жамият тараққиёти йўлида оқилона фойдалана олиш даражасига кўтарила олгандагина комилликка эришади. Комил инсон-юксак маънавиятли шахсдир. Бундай кишилар иқтисодий, маънавий, сиёсий ислоҳотларнинг моҳиятини тушуна олади, ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо қилишга, унга ҳисса қўшишга ўзида куч топа олади. Президентимиз баркамол наслни камол топтиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиз эканлигини бундан бир неча йиллар олдин таъкидлаб ўтган эдилар.

Республикамизда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, юксак маънавиятли шахслар тарбиялашнинг янги тизимини барпо этиш, юрт келажаги учун баркамол, етук, салоҳияти юксак авлодни тарбиялаш ҳозирги кунда давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Шу боис, ҳар бир фан юксак маънавиятли шахс моделини яратиб, уни амалиётга жорий этиш муҳим вазифалардан биридир. Чунки ҳар қайси жамият ўз истиқболини ҳар томонлама уйғун ҳолда камолга етган шахс, баркамол авлодсиз таъминлай олмайди.

«Қадимги аждодларимиз, комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар»,-дея тўғри таърифлаган эди Президентимиз. Бу фикрнинг исботини Абдулла Авлонийнинг миллий тарбиямизнинг моҳиятини ўзида мужассам этган «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ»асари мисолида кўришимиз мумкин. Чунки Авлоний тарбиянинг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни белгилайди:

а) вужудни қувватлантириш; б) фикрни нурлантириш; в) ахлоқни гўзаллаштириш; г) зеҳнни равнақлантириш.

Қомусий олим Абу Наср Форобий ҳам «... инсонлар ўзини-ўзи билмайди, ҳар бир инсон аввало ўзининг ўзлигини билиши лозим. У хато-камчиликларини, жоҳил феъл-атворларини тузатсагина фозиллик даражасига, яъни ҳақиқий инсон

даражасига кўтарила олади, энг юксак камолот ва бахт-саодатга эришади»,- деб уктирган эдилар.

Маълумки, шахсни бирлаштирувчи бошланғич асос-инсонийлик хисобланади. Бундай муҳим белгини таълим жараёнида кўшалоқ олиб бориш замон талаби. Шу боис аждодларимиз бундан бир неча асрлар олдин ҳар бир шахснинг маънавий оламини ўрганиш зарурий масалалардан бири эканлигини уктирган эдилар. Форобийнинг фикрича, «фозил жамоанинг ҳар бир аъзоси фозил, яъни ҳақиқий инсон бўлиши лозим. Инсон ҳам табиий жонзот, ҳам ижтимоий мавжудот. Битта инсон танасида икки олам сир- асрорлари мужассам, яъни унда ҳам табиий биологик хислатлар, ҳам ижтимоий сифатлар ва фазилатлар мавжуд, шу билан биргаликда, инсондаги инсонийлик ва ҳайвонийлик хислатлари қоришиб кетган, ана шунинг учун ҳам одамлар жамиятда ижтимоий муҳит таъсирида жоҳил ёки фозил кишиларга айланадилар».[1] Кўриниб турибдики, фозил киши жамият ривожига, давлат равнақига ўз ҳиссаларини қўша олади. Бундай фозил кишиларнинг маънавияти-инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишига чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, ифодасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир.[2] Шу боис таълим жараёнида таълим ва тарбия уйғунлиги тамойилини кенг йўлга қўйиш, юксак маънавиятли шахсни тарбиялаш йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш, баркамол инсонларни тарбиялашда долзарб масаладир.

Юртбошимиз маънавиятни шакллантирувчи омиллар хусусида фикр юритар экан, таълим-тарбия тизими ҳақида алоҳида тўхталади. Кўзланган мақсадга эришиш учун таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади. Зеро, «таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди-бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси».[3] Модомики, таълим ва тарбия бирлигига эришиш ҳамда юксак маънавиятли шахсни камол топтиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўяр эканмиз, бунинг учун ҳар бир дарснинг тарбиявий мақсадини аниқлаштириб,юксак маънавиятли шахс тарбиясини амалга оширишнинг мундарижаси ва йўналишларини белгилаб олиш даркор.

Шахс такомилининг ҳар бир босқичида унинг маънавиятини юксалтириб боришнинг ўзига хос йўналишларини белгилаш ғоятда муҳим. Маънавий тарбия мундарижасини белгилашда шахс ривожининг физиологик, психологик, педагогик хусусиятларини ҳам эътиборга олиш зарур. шу билан бирга, маънавият тарбияси йўналишлари ва мазмунидаги узвийлик ва узлуксизликни ҳам назардан қочирмаслик керак. Яъни, таълимнинг қуйи бўғинида олинган тарбия кейинги босқичда айнан такрорланмасдан, мазмунан бойитилиши ва ўқувчи ёшига мос йўналишлар билан мураккаблаштирилиб, такомиллаштириб борилиши зарур. Хулоса қилиб айтганда, миллий хусусиятларимизни, ўзлигимизни таълим жараёнида ўқувчиларга узлуксиз равишда сингдириб бориш юксак маънавиятли шахсни тарбиялашда асосий омил бўлади.



# БОЛАЛАРДА ДИҚҚАТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АХЛОҚИЙ-ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

*М.ҚУВВАТАЛИЕВ – АДУ*

Боғча ёши даври ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турадиган давр хисобланади. Бу даврда болалар мустақил фаолиятлари ривожланади ҳамда шахсий индивидуал хусусиятлари (инсоний фазилатлари) таркиб топа бошлайди. Бу давр болалик даврининг катта қисмини ташкил этади. Боғча ёшидаги болаларнинг психик жиҳатдан ривожланишларида боғча муҳити жуда катта роль ўйнайди. Боғчадаги тартиб, интизом ва турли-туман ўтказиладиган машғулотлар, болаларда юксак ижтимоий, интеллектуал, ахлоқий ва гигиеник эҳтиёжларнинг юзага келиш учун шароит туғдиради. Боғча ҳаётининг кўп қиррали ва сермазмунлиги болалар билиш фаолиятларининг кенгайишига ҳамда чуқурлашишига ёрдам беради. Шу ўринда биз фикр юритмоқчи бўлган болалар билиш жараёнлари таркибида шаклланувчи диққат муаммосига алоҳида тўхталмоқчимиз. Чунки диққат муаммоси таълим жараёнидаги ўрганилиши керак бўлган муаммолардан ҳисобланади.

Психология фанида таъриф этилишича, диққат – бу психик фаолиятнинг бирор бир предмет, вазият ёки ижтимоий муносабатга йўналтирилганлигидир. Ҳеч бир психик жараённинг вужудга келиши, ривожланиши диққатнинг муайян объект ёки субъектда тўпланиши, (концентрацияси) барқарорлашуви сифатларисиз амалга ошмайди. Шу нуқтаи назардан бола шахсининг ривожланишида диққат жараёни алоҳида эмас, балки, барча психик жараёнлар таркибида шаклланганлик нуқтаи назардан муҳим жараёнлардан биридир.

Шу ўринда;

«Хўш, болаларда диққат жараёни қандай кечади?, ва

«Уни психологияда таҳлил қилиш моҳияти қандай?»-

деган савол туғилиши табиий.

Бу саволга жавоб бериш орқали, биз болалар диққатининг турли ҳолатларда ва турли психологик таъсир натижасида ривожланишини ва барқарорлашувини кузатамиз.

Маълумки, бола шахси ва унинг психологик хусусиятлари қандайдир тасодифий омилларнинг тартибсиз таъсир этиш натижасида эмас, балки муайян конкрет омилнинг қонуний таъсир этишида шаклланади. Шунинг учун психик жараёнлар ўзига хослигини ифодалайди.

Бу даврда боланинг диққати тарқоқ бўлади. Болаларнинг эҳтиёжлари қизиқишлари, майл ва истаклари, қобилиятлари, диққатлари, нутқ ҳамда тафаккурларининг бирин-кетин бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожланиши, боланинг ижтимоий муносабатларга киришиш имкониятларини кенгайтиради. Чунки боланинг психик ривожланиш даврида турли туман янги шарт шароитларнинг, ижтимоий муносабатларнинг ва ижтимоий гуруҳларнинг таъсири кучли бўлади. Бу эса болаларда диққат эътиборини бир нарса устида тўплаш кўникмаларини шакллантиради.

Боғча ёши давридаги болалар диққатининг ривожланиши икки даврни ўз

ичига олади. 1-давр тўрт ёшгача бўлган давр. Бу даврда боланинг диккати физиологик ривожланиши билан боғлик ҳолда юзага келади. Яъни мияни активлаштирувчи ва қабул қилувчи системалари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик шаклланади. 2-давр олти-етти ёшдан бошланади. Бу даврда боланинг ривожланишида интеллектуал соха хам кўшилади. Қизиқиш ва эхтиёжлари ривожланади. Боғча ёши даврдан бошлаб боланинг мустакил фаолияти кучая бошлайди. Шунингдек, бу даврда боланинг мустакил бўла олиш учун зарур бўлган иккита кудратли кучга эга бўлади. Биринчидан, маълум даражада ўзига бўйсундирилган ҳаракат аппаратига эга. Иккинчидан эса, атрофидаги катта одамлар ва ўз тенгдошлари билан бир кадар эркин муносабатда бўла оладиган нуткка эга.

Боғча ёшдаги болалар диққатининг ривожланиши фақат боғчадаги шароитгагина эмас, балки кўп жиҳатдан оиладаги шароитга хам боғлиқ. Шунинг учун ҳам болаларининг диккати бир текисда ва бир даражада ривожланмайди. Айрим болалар оилада тегишли назорат остида бўлмаслиги, ёки ҳаддан ташқари эрка қилиб, талтайтириб юборилганлиги сабабли уларнинг ҳатти-ҳаракатлари, хулқ-атворларини тартибга солиш қийин бўлади. Бундай болалар ҳамма нарсаларга рухсатсиз тегаверадиган, бир жойда тиниб-тинчиб ўтира олмайдиган, тартибга чақирилганда гапга қулоқ солмайдиган бўлади. Бундай болаларда диққат жуда бекарор бўлгани учун улар хеч бир нарса устида қунт билан машғул бўла олмайди. Диккатни бошқара билмаслик, маълум муддат давомида бир нарсага йўналтира олмаслик, машғулотларда интизом бузиш ва бошқаларга халақит беришга олиб келади. Ана шунинг учун тарбиячилар бундай болаларга нисбатан индивидуал муносабатда бўлишлари, уларда диққатининг кучини хар онда баркарорлик хусусиятини тарбиялаб боришлари зарур.

Болаларда мактабгача ёш даврида олий асаб марказларининг бошқарувчанлик таъсири секин-аста мукаммаллашиб боради. Бунинг натижасида, диққат характеристикасида аҳамиятга молик ўзгаришлар юз беради, унинг барча хусусиятлари жадал суръатларда ривожланиб боради; айниқса, диккат кўлами кескин (2 баробар) ортади, унинг турғунлиги ошади, диккатни кўчириш ва тақсимлаш кўникмалари ривожланади.

Болаларнинг диккат баркарорлигини ўрганиш учун бир катор усуллар ишлаб чиқилган. Булардан: «Бурдон Анфимов» методикаси, «Рақамларни тартибга келтириш» усули, «Ошиқчасини топинг» проектив усуллари шулар жумласидандир. Бундан ташқари топшириқнинг қизиқарлиги ва бола диққатини тортувчи таъсирчан (масалан ёрқин ранглар, ёкимли товушлар, ҳаракатли ўйинлар ва ҳ.к.) предмет ва ходисалар бола диққатини тўплаш имкониятини беради.

Боғча ёшидаги болаларда диққат баркарорлигини таъминланиши қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1.Кузатиш натижаси асосида дастлаб бола диккати қай йўсинда йўналтирилган ва объектнинг англаниш даражаси ҳамда берилган топшириқларни бажаришга уларнинг идрок установкалари қандай шакллантирилади? деган саволга жавоб бериш лозим.

Бунинг учун қуйидаги элементларга элементларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

а) тарбиячининг гурухга кириши, унинг ташки кўриниши. ўзининг тутиши, болаларга муносабати ва муомала услубларига;

б) машғулотларнинг режа асосида ўтказилиши, давоматнинг текширилиши,



машғулот темасининг эълон қилиниши, унинг мазмуни ва аҳамиятининг очиб берилишига;

в) хонанинг жиҳозланиши ва унинг санитария гигиена шароитига эътибор берилиши ҳолатига.

2. Машғулотлар жараёнида бола диккатини бўлиб юбормаслигининг йўли ва усуллари. Буни аниқлаш учун талабалар диккати машғулотнинг қуйидаги элементларига қаратилади:

а) бола томонидан материалнинг тушунтирилишидаги изчиллик, сермазмунлик, системалилик ва мантиқийлик, фикрни ифодалашдаги эмоционаллик ва ёрқинлик. Аввалги билим, шунингдек кузатиш, экскурсия маълумотларидан фойдаланиш;

б) янги материалларни баён этишда болаларнинг мустакил фикрлашларини активлаштиришга қаратилган саволларнинг хилма-хиллиги ва алмашланиб туриши;

в) турли кўргазмали куроллардан фойдаланиш;

г) машғулотни таъсирчанлиги, бола диққатини жалб эта олиши;

д) машғулотда бола диккатининг намоён бўлиш хусусиятлари, диккатнинг баркарорлиги, тақсимланиши, кўчиши. Бола фаолиятида диккатнинг етакчи тури. Ихтиёрий диккатнинг ихтиёрий диқкатдан кейинги диккат турига ўтиши, бунинг сабаби, болалар диккатининг чалғиши ва унинг сабаби;

е) ҳар бир бола диққатига ҳамда болаларнинг ўз шахсий диққатларига онгли жавобгарликни сезишининг кўринишлари;

ё) болалар диққати индивидуал хусусиятлари.

Ушбу ҳолатлар бола диккатини баркарорлаштириш имкониятидан келиб чиқиб шаклланади. Албатта ташки таъсирнинг аҳамияти катта бўлади.

«Бурдон Анфимов» усули ёрдамида турли расмлар, харфлар, ва рақамлар, шаклларини тартибга келтириш топшириқлари асосида ўрганилади.

Диккатнинг биринчи, учинчи, бешинчи, еттинчи ва иккинчи, тўртинчи, олтинчи, саккизинчи минутлари бўйича баркарорлик даражаси ҳисоблаб чиқилади. Бунинг учун дастлаб тўғри ўчирилган харфлар умумий сонидан ўчирилмай қолган ёки нотўғри ўчирилган харфлар сони айириб ташланади ва ҳар бир минутда кўздан кечирилган тўғри ўчирилган белгилар проценти ҳисоблаб чиқилади. Натижа диққатнинг қуйидаги баркарорлик нормасига асосланиб кўрсатилиши мумкин.

- Энг яхши – 81-100
- яхши кўрсаткич – 61-81
- ўртача кўрсаткич – 41-61
- паст кўрсаткич – 21-40

Диққатнинг баркарорлигини аниқлашда синалувчига қўшимча қўзғовчи орқали таъсир кўрсатилган рангли қоғозлар ёрдамида, эртак қаҳрамонлари расмлари ёрдамида ўтказилган топшириқлар бола диккатини баркарорлигини шакллантириш имкониятларини оширади. Бунда, болалар қизиқиши ва фаоллигининг кўрсаткичи, айниқса характерли ҳисобланади.

Демак, хулоса қилиб айтадиган бўлсак, болалар диккатининг баркарорлик хусусиятини шакллантиришни турли туман машғулотлар асосида амалга ошириш мумкин экан. Шунингдек, бола психик ривожланишида диққатнинг ривожланиши ва баркарорлигини таъминланиши муҳим ижтимоий психологик характерга эга ҳисобланади.

риш, актив, мустақил ва ижодий фикрлашга ўргатиш, ундаги имкониятларни қобилият даражасига етиши учун тизимли ҳаракат қилиш орқали шакллантириб бориш талаб қилинади. Янги фаолиятга ўтиш ўқувчида фаолиятга нисбатан янги муносабатни пайдо қилади. Унда бурч ҳисси ўса бошлайди. У ўқиш шарт эканлигини ва у унинг бурчи эканлигини, белгилаб қўйилган қоида ва талаблар бажарилиши шартлигини англайди. У ўзини ўқувчидек ҳис қилади ва унда яхши ўқишга эҳтиёж пайдо бўлади. Бу даврда ахлоқий хатти-ҳаракат қоидалари ўзлаштирилади, шахснинг ижтимоий йўналиши таркиб топа бошлайди. Бу ҳолатлар эса ўз-ўзидан уларнинг фаоллигини таъминлайди. Ва бу жараён ўқувчиларнинг етакчи фаолиятига айланиб боради.

Жамоа тарбияси муаммоси устида иш олиб бораётган тадқиқотчи олимлар ўқувчилар фаоллигини ривожлантириш, тарбиявий жараённи такомиллаштириш, жамоанинг эмоционал имкониятлари асосида жамоавий муносабатларни шакллантириш истиқболини тартибга солиш деб ҳисоблайдилар.

## ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ МАЗМУНИ

*Б.ЎРИНБОЕВА – АДУ*

Баркамол авлод орзуси, комил инсон тарбияси ҳамма жамиятларда ва замонларда ҳам долзарб масала бўлиб келган. Дунёда биронта ота-она йўқки, зурриёдининг жамиятда ўз ўрнига, мустаҳкам мавқеига эга бўлишини истамаган ва шу фарзанд орқали бошини баланд кўтариб, гурурланиб юришини орзу қилмаган бўлса. Шарқда бунга қадимдан алоҳида эътибор берилиб, ўзига хос аҳамият касб этиб келган. Тарихий манбалардаги маълумотларда ҳам, ҳукуматимиз олиб бораётган бугунги сиёсат негизида ҳам фарзандларимизга таълим-тарбия бериш, миллий мафкуравий онглилигини ошириш, уларни касбкорли қилиш масаласи ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг долзарб муаммосидир.

Касбга йўналтиришнинг асосий мақсади - бу умумтаълим мактабларининг ўқувчиларини онгли ва мустақил равишда касб-ҳунар танлашга тайёрлаш, келгуси таълимнинг йўналишини ва касб-ҳунар эгаллашнинг усулларини аниқлашдир. Шунингдек, унинг моҳияти, умумтаълим фанлари ва меҳнат таълими жараёнида ўқувчиларни турли меҳнат фаолиятлари билан таништириш орқали уларнинг қизиқишлари, лаёқатлари, қобилиятлари ва индивидуал хусусиятларини, маънавий-ахлоқий тарбиясини ривожлантиришни кўзда тутилади ва жамият эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Мактаб ўқувчиси касб-ҳунар танлаш билан яқин келажак, керак бўлса бир умрга ўз ҳаёт тарзи даражасини, мазмуни ва ижтимоий мавқеини белгилайди. Бундан кўринадики, ўқувчиларни касб - ҳунарга йўналтириш муаммоси нафақат жамият, балки ҳар бир шахс учун ўта долзарб ва ҳаётий аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам мактабдан бошлаб ўқувчиларни касб ҳунарга йўналтириш муҳимдир. Бунинг учун мактабда ташкил этилган ўқув-тарбия жараёни ҳам ўқувчиларни онгли касб-ҳунар танлашга йўналтирилган бўлиши керак.

Касб-ҳунарга йўналтириш инсонга унинг шахс сифатидаги хусусиятларини инобатга олган ҳолда бериладиган ёрдам, унинг бир томондан жамият учун



керакли бўлиши, иккинчи томондан ўзининг шахсий ҳаракатларига эришиши, ҳаётий шароитларининг ўзгариши давомида таълим ва меҳнат соҳаларини мустақил ва онгли танлай олиши учун имконият яратишни назарда тутади. (Касб-ҳунарга йўналтиришда ўқувчи-ёшларнинг касбни эркин ва мустақил танлашининг илмий ва амалий тизими сифатида қараш керак.) Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ўқувчига фақат у ёки бу касб-ҳунар тўғрисидаги маълумотларни бериш, уни касб-ҳунарга қизиқтириш билан чегараланмасдан, ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантириш ҳамдир. Бу вазиятларда, аввало, қуйидагиларга эътибор бериш керак:

1. Ўқувчига касбий маълумотларни фаол ўзлаштирувчи ва ўзининг қизиқишлари, лаёқати ва қобилиятига мос равишда мустақил касб-ҳунар танловчи, реал субъект сифатида қараш керак. Шунда ўқувчи касб- ҳунарга йўналтириш ишлари, касб-ҳунарга йўналтирувчилар, ота-оналар, таниш-билишлар ва оммавий ахборот воситалари таъсири остига тушиб қолган объект бўлиб қолмайди.

2. Турли мутахассисликларга бўлган эҳтиёж ва ижтимоий буюртмани инобатга олиб, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг аниқ вазифаларини белгилаш, касб-ҳунарга йўналтириш ишларини ҳамкорликда ташкил этишни кўзда тутувчи комплекс дастурларни ишлаб чиқиш зарур. Бу уларни тўғри касб эгаллаш имкониятларини беради..

3. «Мактаб – ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси Олий таълим ишлаб чиқариш корхонаси» тизимида уч томонлама ҳамкорлик дастури асосида ташкил этилиши ва бунда ўқувчилар кейинги фаолиятлари тўғрисида тасаввурлар ҳосил қилиш керак. Бу жараёнда ҳам ўқувчиларнинг касб танлашларида ўз лаёқати ва қобилияти, қизиқишлари, тарбиялангани к даражаси асосида касбга йўналтириш мумкин.

Бундай ёндашув ўқувчиларни касб-ҳунарга узлуксиз йўналтиришнинг мазмуни, шакл ва усулларининг таълим босқичлари - мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежи олий таълим ўзаро мос келишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида қуйидагиларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

– ўқувчиларни касб-ҳунар коллежларига қабул қилиш жараёнида тест, имтиҳон ва турли синовлар эмас балки ўқувчиларнинг саломатлиги, ақлий ва индивидуал-психологик хусусиятларини диагностик таҳлил қилиш асосида касбий танлов ўтказишни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

ўқувчиларнинг гуруҳларда янги шароитда ўқишга касбий ва ижтимоий-психологик мослашуви, касбий қизиқишлари, касб-ҳунарни баҳолаш мотивларини ривожлантириш, маънавиятини шакллантириш ишларини амалга ошириш, уларни касбий кўникмаларини шакллантириш имкониятини беради;

– академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг келгуси касбий ривожланишида олий ўқув юртига кириш, касбий карьерада истиқболга эга бўлиш каби аҳамиятга эга бўлган сифат ва мотивларни шакллантириш зарур.

Бунда ҳар бир шахснинг индивидуал психологик хусусиятларини ҳамда халқ хўжалиги манфаатлари нуқтаи назаридан меҳнат ресурсларини тўлақонли таъминлашнинг зарурлигини ҳисобга олиш керак.

Касбни мустақил танлаш шахс ривожланишидаги мураккаб жараёндир. Шундай экан, бу жараён унинг ички моҳияти барча меҳнат турлари тўғрисидаги

билимлар тизимини шакллантириш, касб-ҳунарга йўналтириш, амалий лаёқат ва кўникмаларини йўналтириш, ижтимоий аҳамиятли фаолиятни уддалай билишни тарбиялаш ва мазкур фаолиятга кўникма ҳосил қилишини қамраб олади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўқувчиларнинг ҳаммаси касб танлашга келганда оқилона ва тўғри йўл тутади, деб бўлмайди. Улардан баъзилари таваккалига иш тутсалар, айримлари ота-онасининг касбини танлайдилар ёки кўзга ташланиб турган яққол намуналарга тақлид қиладилар, гоҳо севимли кишилари изидан боришни мўлжаллайдилар. Касб танлашга бундай ёндашув ёшлардан умумий иш учун фаол меҳнат қилиш қобилияти ва интилишларини тарбиялашни талаб қилади. Мактаб ўқувчиларини касб танлашга йўналтириш жараёнида уларни касбий билим билан қуроллантириш, ижтимоий унумли меҳнатга ва ижтимоий фойдали муносабатларга киришиб кетишга ўргатиш муҳимдир.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишлари самарадорлигини таъминлаш қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади.:

1. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишларини ташкил этишда масъул шахсларнинг касб-ҳунарга йўналтириш масаласига жиддийроқ эътибор қаратиши, масъулият билан ёндашиши;

2. Касб-ҳунарга йўналтириш ишларини илк мактаб ёшидан бошлаб, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш;

Шунингдек, касб-ҳунарга йўналтиришнинг узлуксизлигини таъминлаш, мактаб амалиётчи психологлари, касб-ҳунарга йўналтирувчилар, ота-оналар ва ўрта-махсус касб-ҳунар таълими вакиллари ҳамкорлигида ўқувчиларнинг касбий қарор қабул қилиши, онгли равишда касб танлаши, касбий мослашув ҳамда ўз мақсадини амалга ошириш режасини ишлаб чиқиш каби малака ва кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш билан бевосита боғлиқ бўлган жараёнларни алоҳида эътиборга олишни тақозо этади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантиришнинг ўзига хос ва мос хусусияти шундан иборатки, бу муносабатлар ижтимоий-маънавий йўналтирилган, миллий мазмунга эга бўлмоги лозим. Ана шу муносабатларни шакллантирадиган ва унда фаолият кўрсатадиган касб эгаларининг маънавий дунёси – «Мен»и юксак идеаллар, миллий қадриятлар асосида қарор топиши лозим.

## ЎҚУВЧИЛАРДА АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ЭСДА САҚЛАБ ҚОЛИШ ЖАРАЁНИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*доц. М. ХАЛИМОВА, Б.ЯҚУБОВА – АДУ*

Хотира – бу тажрибамизга алоқадор ҳар қандай маълумотни эслаб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш ва унутиш билан боғлиқ мураккаб жараён бўлиб, у ҳар қандай тажрибамизга алоқадор маълумотларнинг онгимиздаги акси ҳисобланади. Хотира одамнинг ҳаёти ва фаолиятида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у одамнинг ўз ўтмиш тажрибасини узлуксиз равишда кенгайтириб боришга ва ундан амалда фойдаланишига имкон беради. Хотирадан маҳрум бўлган одамни бир дақиқа тасаввур қилиб кўрайлик. Бундай одам бошқа кишиларни ва теварак-атрофдаги нарсаларни таниш имкониятидан маҳрум бўлади. У ўз она тилини



унутган бўлиб, бирор жумлани ҳам айта олмайди. Бундай одамда ҳаракат хотираси йўқолиб, у ҳеч бир ҳаракатини ҳам қила олмайди. Болаликда ҳосил қилинган билим ва малакаларидан асар ҳам қолмаган, бинобарин, бундай одам ҳеч бир янги нарсани ўрганиш имконияти йўқлигидан азият чекади.

Демак, хотира жараёни билиш жараёни сифатида инсон ҳаётининг муҳим хусусияти ҳисобланар экан, унинг психик тараққиёт босқичларида ҳам алоҳида аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиздир.

Маълумки, кичик мактаб ёши даври 7-11 ёш даврини ўз ичига олиб, бу даврда боланинг психик ривожланиши таълим фаолияти билан бирга амалга оширилади. Шунингдек, энди унинг билиш фаолиятини такомиллаштиришда ўқитувчи таъсири ҳам кучаяди. Янги муҳит, янги топшириқлар, янги муносабатлар бола психикасида янгиланишларга сабаб бўлади. Боланинг билиш жараёнлари, диққати, идрок қилиши, тафаккури ва хотира жараёнларининг ривожланиши мазмун жиҳатидан ўзгаради. Айниқса, уларда эслаб қолиш хусусиятларини ихтиёрий равишда ривожлантириш эҳтиёжи туғилади. Бу ўқув фаолиятида ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни эслаб қолиш билан боғлиқ жараёнларни ўз ичига олади. Ўқувчиларда хотира жараёни таълимнинг таъсири билан икки йўналишда ривожлантирилади.

1.Сўз-мантиқ хотирасининг ва маъносига тушуниб эсда олиб қолишнинг роли ва унинг салмоғи кучаяди ҳамда бола ўз хотирасини онгли равишда бошқариш, хотиранинг намоён бўлишини тартибга солиш имкониятига эга бўлади.

2. Кичик мактаб ёши даврида механик хотиранинг ривожланиши кузатилади. Улар ўқитувчи томонидан такрорланган ҳаракат ва сўзларни эслаб қолишга ҳаракат қиладилар.

Болаларнинг хотира фаолияти эсда олиб қолишдан бошланади. Улар ҳамиша бир нарса ёки ҳодисани идрок қиладилар, бирон нарса ҳақида ўйлайдилар ва бирон нарса ёки ҳодисани эсда олиб қоладилар. Шунинг учун, эсда олиб қолиш жараёни, барча ёш даврларда шахснинг билим, кўникма, малакаларни эгаллашининг ижобий сифат ва фазилатларини шакллантиришнинг мезони ҳисобланади. Айниқса, уларнинг тасаввурларидаги мавжуд ҳолатларни айтиб бера олишларида ва ҳаракатларида бажариш жараёнидаги ифода эта олиш қобилиятларида буни кўриш мумкин.

Кичик мактаб ёши даврида эсда олиб қолишнинг тезлиги, тўлалиги, аниқлиги ва мустаҳкамлиги ҳар хил бўлади. Уларнинг бу сифатлари эсга туширишнинг тезлиги, тўлалиги ва аниқлигига, шунингдек тез ёки секин унутилишига қараб аниқланади. Болаларда шаклланган тез, тўла ва аниқ эсга тушириш ва тезда унутиб қўймаслик жараёнлари уларнинг эсда қолдириш хусусиятларининг энг яхши сифатлари ҳисобланади. Бу жараён орқали уларнинг турли тасаввурлари шаклланади. Кичик мактаб ёши даврида эсда олиб қолиш сифатларини

- биринчидан, эсда қолдириш хилларига;
- иккинчидан, эсда олиб қолинаётган материалга кишининг (шахснинг) муносабатига;
- учинчидан, эсда қолдириш учун қўлланилган махсус методик усул ва приёмларга боғлиқ бўлар экан.

Бироқ ҳар ҳолда эсда мустаҳкам олиб қолиш, албатта, энг аввал нерв системасининг аҳволига боғлиқ бўлади. Нерв системаси соғлом ва тетик бўлса, муваққат нерв боғланишлар тезроқ ҳосил бўлиб, пухтароқ бўлади, бинобарин,

баҳолашнинг рейтинг тизимида ЖБ ни ўтказишда фойдаланилаётган интерфаол усулда талабанинг фаоллиги, мустакил фикрлаш даражаси, масаланинг ностандарт ечимларини таклиф этиш ва уни асослашга интилиш, таклиф этилаётган бир неча ечимдан энг самаралиси ва оригинал ечимга якинини танлашга ҳаракат қилиши тўла хисобга олиниши ҳамда уларни рейтинг ишланмасидан акс эттирилиб, талабалар эътиборига ҳавола қилинишини услубий жиҳатдан самара беради. Фанлардан ўқув машғулотларини режалаштиришда, интерфаол усулларни танлашда асосан талабаларнинг ижодий тафаккурини ўстириш, мустакил таълим олиш имкониятларини яхшилашга эътибор бериш керак.

Шундай қилиб интерфаол усуллар қўлланилган гурухларда талабалар фаоллиги кескин ортмоқда. Уларда тез карор кабул килиш, реал вазиятдан фойдаланиш, мустакил дадил асосли фикр юритиш кобилияти ошиб бормоқда. Талабаларнинг ўзлаштириш сифати хам, сони хам ортмоқда.

**Баҳолаш мезонлари** **1-жадвал**

| Баҳолаш | Ҳарфли белгилар | Фоизда | Баҳолаш мезонлари | Тайёрланиш даражаси |
|---|---|---|---|---|
| Аъло | A | 91-100 | Умумлаштиради ва баҳолайди, таҳлил килади, қўллайди, тушунтиради, билади. | 4-Даража. Ижодий даража |
| Жуда яхши | B | 81-90 | Таҳлил қилади, қўллайди, тушунади, билади. | 3-даража. Малака ва кўникма даражаси (автоматик ҳолда) |
| Яхши | C | 71-80 | Қўллайди, тушунади, билади | 3-даража. Малака ва кўникма даражаси |
| Каноатлантиради | D | 61-70 | Тушунади ва билади | 2-даража. Қайта тиклаш (репродуктив) |
| Етарли | E | 51-60 | Билади | 1-даража. Тасаввур даражаси |
| Етарли эмас | FY | 41-50 | Ёмон билади | 0-даража. Умуман тасаввур килмайди |
| Етарли эмас | F | 40дан паст | Умуман билмайди | 0-даража. Умуман тасаввур килмайди |

Тадкикот ўтказилаётган гурухларда талабаларнинг фан бўйича ўзлаштиришини назорат қилиш ва баҳолаш семестр (ўкув йили) куйидаги турлар оркали амалга оширилади:

– жорий баҳолаш ;
– оралик баҳолаш;
– якуний баҳолаш:



Талабаларнинг фанлардан семестр давомидаги ўзлаштириши 100 баллик тизимда аниқланади, ЖБ га 35 балл (35%), ОБ га 35 балл(35%),ЯБ га 30 балл(30%)ажратилади

Талабаларнинг фанлардан ўзлаштиришининг назорати куйидаги баҳолаш мезонлари бўйича амалга оширилади (1-жадвал):

Биргина «Иктисодиёт» йўналиши 1-курс 1-гуруҳ мисолида кўрмокчи бўлсак гуруҳда мавжуд 18 нафар талаба «Иктисодиёт назарияси» фанининг интерфаол усуллар асосида ўкитилиши натижасида 13 нафари 86-100% лик рейтингга, 3 нафари 71-86% лик рейтингга, 2 нафари 55-71% лик рейтингга эга бўлган бўлса, худди шу гуруҳда «Иктисодчилар учун математика» фанидан 86-100% лик рейтингга ўзлаштирган талабалар сони 3 нафарни, 71-86% лик рейтингга ўзлаштирган талабалар сони 8 нафарни, 55-71% лик рейтингга ўзлаштирган талабалар сони 7 нафарни ташкил килган. Сифат ўзлаштириш кўрсаткичи ноанъанавий усулда 88%, анъанавий усулда 61% ни ташкил килди (2- жадвал).

**2- жадвал**

**Анъанавий ва ноанъанавий усуллардан ўкув жараёнида фойдаланишнинг таълим сифатига таъсири.**

| Курс, гурух | «Иктисодиёт назарияси» фанидан интерфаол усуллар қўлланилганда | | | | | | «Иктисодчилар учун математика» фанидан интерфаол усуллар қўлланилганда | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 86-100% | | 71-86% | | 55-71% | | 86-100% | | 71-86% | | 55-71% | |
| | Талаба сони | % | Талаба сони | % | Талаба сони | % | Талаба сони | % | Талаба сони | % | Талаба сони | % |
| «Иктисодиёт» 1 курс 1 гурух | | | | | | | | | | | | |

Ушбу мисолдан кўриниб турибдики, дарсни жозибали қилиб ўтиш, турли усуллар билан талабаларни жалб этиш ўз самарасини бериши табиий. Эслатиб ўтмокчимизки, 1-курс 1-гуруҳида ўкитишнинг интерфаол усулларини жорий қилиш ҳамда замонавий таълим тизимларидан фойдаланиш билан бирга бу борада тўпланган тажриба натижалари мунтазам таҳлил килиб борилмокда. Таҳлиллар шуни кўрсатмокдаки, янги педагогик технологияларни, шу жумладан интерфаол усулларни кенг жорий этиш баъзи бир ютуқ ва муаммоларни келтириб чиқармокда.Масалан,

**Талабалар нуктаи назаридан камчиликлар:**

1.Айрим вақтда танлов асосидаги фанларнинг кўплиги.
2.Айрим талабаларда компьютер саводхонлигини пастлиги, етишмаслиги.

**Ўкитувчи нуктаи назардан камчиликлар:**

1.Талабалар тўпланмаганлиги туфайли фанларнинг бекор қилиниши.
2.Ўқитувчига қаттиқ талабларни қўйилиши.

**Олий ўкув юрти нуктаи назардан камчиликлар:**

1. Талабалар учун доимий кураш.
2. Фанларни режалаштириш ва профессор-ўкитувчилар таркибини танлаш бўйича иш хажмини катталиги.
3. Таклиф этилган фанларнинг бекор қилиниш холларида олий ўкув юрти

маъмурияти чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши зарур ёки буни акси.

Бир тарафдан қараганда юқоридагиларни камчилик деб айтиш мумкинми?

– балки булар замонавий таълим технологияларини жорий этишда бўладиган қийинчиликлардир.

– Бу қийинчиликлар ушбу таълим тизимининг ҳаракатлантирувчи кучлари хисобланади.

– Булар таълим сифатини ошириб боришдаги воситалардир.

– Булар ушбу таълим тизимининг қадр қимматини тушуриб юбормайди, балки рақобат кураши натижасида таълим сифатини оширишга ёрдам беради.

– Пировардида бу тизимдан барча манфаатдорбўлади.

Ютуқлар ҳақида гапирадиган бўлсак, таълим технологияларидан фойдаланиш ўқув дастурларининг мослашувчанлигини таъминлайди, фанлардан ўқув-услубий мажмуалар яратилишига олиб келади. Талабалар учун афзалликларига тўхталадиган бўлсак, талаба ўзининг ўқиш суръати ва юкламасини аниқ билади; фанларни танлаб ўқиш имконига эга бўлади; компьютер саводхонлигини оширишга интилади.

«Иқтисодиёт» йўналишида тадқиқот натижаларининг таҳлили ўқув жараёнига янги педагогик технологияларни, шу жумладан интерфаол усулларни кенг жорий этиш орқали қуйидагиларга эришилди:

- Таълим сифати, ўқитиш мазмуни ва самарадорлиги ошади;
- Дарсда қулайлик-сифат-самарадорлик боғлиқлиги амалга оширилади;
- Мустақил иш соатлари кенгайиши ҳисобига талабалар ўз иш вақтларини мустақил тақсимлашга ва бу вақтдан самарали фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар;
- Талабаларнинг топшириқларни олдиндан бажаришларига имкон яратилади;
- Талабалардамотивациянинг юқори бўлиши таъминланади;
- Ўтилган материалларни эсда сақлаб қолиш даражаси ортади, мулоқотга кириш кўникмаси шаклланади;
- Талабаларда мустақил ишлаш қобилияти ва қарорлар қабул қилиш санъати ривожланади.

Замонавий педагогик технологияларни, жумладан интерфаол усулларни ўқув жараёнида самарали қўллашни ташкил этиш учун қуйидагилар тўсқинлик қилади:

- Катта аудитория шаклидаги маъруза дарсларида бу усулларни қўллашнинг ноқулайлиги;
- моддий техник базаси билан таъминланишининг етарли эмаслиги;
- ўқув режасидаги фанларнинг сон жиҳатдан кўплиги.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодий фанларнинг аҳамиятини янада боғлаш ҳамда иқтисодий ислоҳотлар мазмун-моҳиятини тўлиқ англовчи рақобатбардош кадрларни тайёрлашда ўқитишнинг интерфаол усулларидан кенг фойдаланиш ҳаётий заруратлигини назарда тутган ҳолда, қуйидагиларни таклиф қилишимиз мумкин:

- барча таълим йўналишлар бўйича ўқув жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллашни ташкил этиш;
- профессор-ўқитувчиларнинг малака ва маҳоратларини оширишни таъминлаш;



- аудиторияларнинг моддий-техник воситалар ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланиш даражасини кўтариш;
- талабаларни моддий ва маънавий рағбатлантириш (устама стипендиялар белгилаш);
- таълим сифатини ошириш мақсадида гуруҳларда талабалар сонини камайтириш орқали кичик гуруҳларда талабалар сонини камайтириш орқали кичик гуруҳлар ташкил этиш;
- мустақил иш сифатини назорат қилишнинг доимий тизимини яратиш;
- мустақил ишлаш сифатини ошириш мақсадида интернет тизимидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш;
- жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, йўналишлардаги ўхшаш фанларни қисқартириш.

Тадқиқотларга кўра, ҳар қандай фаолиятнинг тарбиявий самарадорлигини кўпроқ уни ташкил этиш даражасига боғлиқ. Шундай экан, биз педагоглар жамоаси ёш авлодни тарбиялашда, уларни замон талабига мос кадрлар бўлишида ўқитишнинг замонавий усулларидан кенг фойдаланиб, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ижросини таъминлашга муносиб улуш қўйишимиз лозим.

## ТАЛАБАЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШГА КЎМАКЛАШИШНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛЛАРИ

*И.ф.н., доцент В.Ғ.АБДУРАХМОНОВ,*
*Ф. ҚУВВАТОВА – АндМИ*

Президентимиз И.Каримов ўз маърузаларида таъкидлаганидек, 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларда, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этиш алоҳида устувор вазифа эканлигини, 2011 йилда касб-ҳунар коллежларини тамомлайдиган ва олий ўқув юртларини тамомлаб чиқаётган битирувчиларни ишга жойлаштириш, уларни тайёрлаш сифати ва меҳнат бозорини қанчалик чуқур ўрганишимизга боғлиқ эканини, бўлажак ҳар бир битирувчининг иш жойини олдиндан белгилашга киришиш, зарурлигини алоҳида кўрсатиб ўтди.

Ҳақиқатдан ҳам, меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлаш иқтисодиётдаги муҳим масалалардан биридир. Айниқса, ўқув юртларида ўқишни тугатаётган ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, иш берувчилар ва ўқув юртлари ўртасидаги алоқани кучайтириш, битирувчиларнинг қисқа муддатда бўш иш ўринларига ишга жойлаштиришни амалга ошириш долзарб ҳисобланади.

Ишга жойлашмоқчи бўлган талаба учун бўш иш ўринлари ва уларнинг тавсифи ҳақида ҳам ахборотга эга бўлганидек, иш берувчилар ҳам ишга жойлашмоқчи бўлган фуқаролар, айниқса, ўқув юртлари битирувчилари, уларнинг мутахассислик билимларини ўзлаштирганликлари, касбий кўникмалари, психофизиологик хусусиятлари ва шахсий фазилатлари тўғрисида ҳам маълумотга эга бўладилар.

Кўплаб ривожланган мамлакатларда иш берувчиларга керакли ходимни таклиф қиладиган ва ишга жойлашмоқчи бўлган фуқароларга бўш иш ўринлари

тўғрисида ахборот берадиган ва уларни бўш иш ўринларидаги талабларга мослаштирадиган мустақил воситачи фирмалар агентликлар марказлар ёки ўқув юртлари таркибидаги бўлимлар фаолият кўрсатишади.

Талабаларни ишга жойлаштиришга кўмаклашадиган ўқув юрти таркибидаги марказлардан бирига яққол мисол қилиб Польша Республикасидаги Адам Мицкевич университетида фаолият кўрсатаётган «Карьера» марказини айтиш мумкин. Марказ 1994 йил апрель ойидан талабаларни ишга жойлаштириш хизмати, 1997 йил июль ойидан «Карьера офиси» шаклида университет маъмурий бўлими сифатида фаолият кўрсата бошлади.

Марказнинг асосий ғояси талабалар ва битирувчиларнинг самарали иш билан банд бўлишларини рағбатлантириш ва уларнинг қизиқишлари ҳамда мутахассисликларига мос лавозимга эришишларига кўмаклашиш ҳисобланади.

Марказнинг асосий ютуқлари сифатида университет билан ишга ёллаш бошқармаси ўртасида ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлиги, талабаларга кўплаб ишга жойлаштириш хизматларининг яратилганлиги, университет битирувчилари каталоги ишлаб чиқилганлиги, Польшадаги барча ишга жойлаштириш бошқармалари, агентликлар билан узвий боғланиш тармоғи яратилганлигини айтиш мумкин.

Демак, юқорида кўрсатиб ўтганимиздек ҳозирги кунда Андижон вилоятидаги олий ўқув юртлари ва касб ҳунар коллежлари қошида «Карьера»га ўхшаган марказларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ташкил этилган бандликка кўмаклашиш марказларининг асосий фаолияти қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

– талабалар ва битирувчиларнинг иш билан банд бўлиш фаолиятларига кўмаклашиш;

– меҳнат ярмаркалари ташкил қилиш;

тадбиркорлар билан йиғилишлар ўтазиш;

– таълимнинг касбий мақсадларга мос келишига кўмаклашиш;

– талабаларнинг кучли жиҳатларини аниқлаш;

– касбий йўналишни танлашни муҳокама қилиш;

– иш излаш жараёнида интернет хизматини кўрсатиш;

– касбга оид интервьюлар ўтказиш;

– касбга тайёлаш курслари, семинар, конференцияларни ташкил қилиш;

касбга тайёрлаш, иш, амалиётни ўташ жойини излаш бўйича мақола ва рекламалар тайёрлаш;

талабалар ва битирувчиларга ишга жойлашиши ҳамда лавозимни ошириш бўйича маслаҳатлар бериш;

Бу марказ талабаларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш билан биргаликда, иш берувчиларнинг яхши мутахассисни излаш фаолиятларига ҳам кўмаклашади. Бу борада марказ шаҳар ва туманлардаги бир қатор корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, ишга ёллаш бошқармалари, бандликка кўмаклашиш марказлари, нодавлат ташкилотлар ва илмий марказлар билан ҳамкорликда иш юритади.

Марказнинг веб – сайтида ўз саҳифаси мавжуд бўлиб, талабалар, битирувчилар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ушбу интернет саҳифасидан ўз фаолиятларида кенг фойдаланишларига имконият яратилади.

Марказда ишга жойлаштириш хизматларидан бири сифатида иш ўринларига



талабаларни тайёрлаш хизматларининг яхши йўлга қўйилган бўлиши [illegible]

Бунда эса қуйидаги хизматлар кўрсатилиши лозим:

- замонавий меҳнат бозори тўғрисида етарли маълумот [illegible]

- талабаларни аппликация шаклини тўлдириш ва [illegible] бериш, иш берувчилар билан бўладиган интервью, тест [illegible] лаш;

- талабаларнинг ўз тадбиркорлик фаолиятлари [illegible] маслахат ва кўрсатмалар бериш;

- ишга жойлашган талабалар билан алоқани узвий таъминлаш.

Шунингдек, марказ иш берувчилар ҳақида маълумот [illegible] ларни доимий таништириб бориши, талабалар ва иш [illegible] лаштириш бошқармалари, хусусий агентликлар [illegible] семинарлар ташкил қилиши мақсадга мувофиқ бўлиб, [illegible] рувчилар ва талабаларда вужудга келаётган муаммолар, [illegible] бозоридаги ўзгаришлар муҳокама қилиниши, битирув [illegible] дагида иш ўринларига эга бўлишлари ва иш берувчиларнинг [illegible] қисқа вақтда ёллаш имкониятининг пайдо бўлишига олиб келади.

Талабаларнинг ишга жойлаштириш хизмати кўрсатилганда [illegible] ишга жойлашиши учун қандай имкониятлари мавжудлигини [illegible] лозим.

Талабанинг ўз лавозимини ошириб бориш тўғрисида сўз [illegible], талабанинг меҳнат қилиш имконияти ва қобилияти тушунчаси [illegible] нинг лавозим имконияти» (талабанинг карьера потенциали) [illegible] олаётган шахснинг ўз лавозимини оширишга керак бўлган [illegible] ўзида тўлик акс эттириши керак.

Талабанинг лавозим имконияти – талабанинг лавозим бўйича [illegible] ши учун зарур бўлган жисмоний, маънавий ва интеллектуал [illegible] си тушунилади.

Талабанинг лавозим имкониятини таҳлил қилиш шахснинг [illegible] лаши ҳамда ўз лавозимини тўғри йўналишда ошириб боришига [illegible] кўмак беради. Бу иш бир неча босқичларда ўтказилиши лозим.

Талабанинг лавозим имкониятни таҳлил қилиш қуйидагича [illegible] лади:

- талабанинг маълумотлилик даражаси;

- шахсий фазилатларини ифодалайдиган диплом ва унинг [illegible];

- сертификатлар;

- меҳнат дафтарчаси;

- тавсифнома; тавсиянома ва бошқа хужжатлар.

Лавозимни режалаштириш жараёнида мана шу хужжатлардан қайси бири муҳимлиги танлаб олинади ва таҳлил қилинади. Талаба эга бўлган хужжатларнинг ҳаққонийлиги ва асослилигини текшириш, кузатиш, анкета сўрови, интервью, психологик тест ўтказиш орқали амалга оширилиши керак.

Талабанинг лавозим имкониятини баҳолашда фойдаланиладиган мезонларни уч гурухга ажратиш лозим:

1.Мутахассислик, яъни мутахассислик мезони бўйича асосий кўрсаткичлар талабанинг маълумотлилик даражаси, меҳнат стажи ва бошқалар ҳисобланади.

2.Психофизиологик, яъни психофизиологик гурухга талабанинг жисмоний

- Oilada yaxshi beka, ona, kelin, rafiqa bo'lish motivlari shakllantirilsa ;
- Mashg'ulotlarga turli soha vakillari muntazam taklif etib turilsa;
- Mashg'ulot natijalari turli tanlovlar ,taqdimotlar orqali namoyon etib borilsa;
- Oilaning muqaddas ekanligini uqtirilib, talabalar ongiga singdirib borilsa;
- Ko'zlangan maqsadga erishish chora-tadbirlarmini ishlab chiqilsa;
- Qizlarni oilaga tayyorlashda umuminsoniy va milliy qadriyatlar, an'ana udumlar uyg'unlasha olsa ko'zlangan maqsadga yetishishning eng optimal yo'li tanlangan bo'lar edi.

## O'QITUVCHI VA TALABA HAMKORLIGI – TA'LIM SAMARADORLIGINING MUHIM OMILI

*F.SAIDOVA, D.ABDUJALILOVA – ADU*

Mustaqil respublikamizda ta'lim-tarbiya tizimini isloh qilish, uni rivojlantirish, «Kadrlar tayyorlash milliy Dasturi»ni amalga oshirish, yoshlarga zamonaviy taolablar darajasida bilim va tarbiya berish, talaba-yoshlar ongida yuksak manaviy-axloqiy fazilatlarni kamol toptirish, xalqimizning bilim salohiyatini yuksaltirish hozirgi kunning eng dolzarb vazifalardan biridir. Bu vazifani bajarish esa, oliy ta'lim tizimida va ishlab chiqarishda yangi texnika va texnologiyalardan foydalana oladigan, siyosiy ongi va siyosiy madaniyati yuksak bo'lgan malakali, raqobatbardosh kadrlarni tayyorlash demakdir.

O'zaro hamkorlikning muhim omili va talabalarning o'zaro munosabati xususiyatini belgilovchi asos o'qituvchi bilan talaba hamkorligining shakllaridir. Hamkorlikdagi o'quv faoliyati o'qituvchi va talaba munosabatlarining va birgalikdagi xatti-harakatlarining alohida turi, u o'zlashtirish ob'ektini, bilish faoliyatining barcha qismlarini qayta qurishni ta'minlaydi.

Hamkorlikdagi o'quv faoliyatining maqsadi o'zlashtirilgan faoliyat va birgalikdagi harakatlar, munosabat va muloqotning boshqarish mexanizmini yaratishdir. Hamkorlikdagi faoliyatning mahsuli talabalar mustaqil holda ilgari surgan yangi g'oyalar va o'zlashtirilayotgan faoliyatning mohiyatiga bog'liq maqsadlar va sheriklikda shaxs pozitsiyasini boshqarish istaklarining yuzaga kelishidir. Hamkorlikdagi faoliyat usuli deganda, o'qituvchi bilan talabaning birgalikdagi xatti-harakatlari tizimini tushunish kerak. Bunday xatti-harakatlar o'qituvchining talabalaga ko'rsatadigan yordamidan boshlanadi.

Psixologiya fanida hamkorlikning bir nechta shakli mavjud, ular quyidagilardan iborat:

1. Faoliyatga kirish.
2. Mustaqil harakatlar (o'qituvchi bilan talaba hamkorlikda bajaradi).
3. O'qituvchi harakatni boshlab beradi va unga talabani jalb etadi.
4. Taqlid harakatlar (o'qituvchidan ibrat olgan talaba ana shu namuna asosida harakat qiladi).
5. Madad harakatlari(o'qituvchi talabaga maqsadni va unga erishish usullarini tanlashda yordam beradi).
6. O'zini o'zi boshqarish harakatlari.



7. O'zini o'zi qo'zg'atuvchi harakatlar.
8. O'zini uyushtiruvchi harakatlar.

O'qituvchi va talabaning hamkorligidagi faoliyatiga doir tadqiqotlarda asosiy e'tibor o'zaro munosabatning rivojlanishini o'rganishga qaratilgan, o'qitishni guruhli tashkil qilish jarayoni bayon qilingan.

A.V.Petrovskiy jamoadagi shaxslararo munosabatlar faoliyatdan kelib chiqishini o'rganib, ta'lim jarayonida o'qituvchining talabalar bilan hamkorligini tashkil qilish faqat ularning muloqotga ehtiyojini qondirish vositasi emas, balki o'quv materialini o'zlashtirishning ham vositasi ekanini ta'kidlagan edi.

Bu muammoga boshqacharoq yondoshgan A.A.Badalev o'qituvchi bilan talaba munosabati ularning samarali hamkorligini vujudga keltirish uchun qulaylik yaratish zarur deb hisoblaydi. Buning uchun o'qituvchilar talabalarning shaxs sifatidagi xususiyatlarini maqsad va ehtiyojlarini hisobga olishi kerak edi.

Hamkorlikdagi maxsuldor faoliyatni psixologik jihatdan o'rganishni V.Y.Lyaudis boshchiligidagi psixologlar guruhi amalga oshirdi. Uning asosiy maqsadi yangi psixik fazilatlarning shakllanishida o'qituvchi bilan talaba hamkorligining rolini ifodalash edi. Ushbu nazariyaga binoan o'quv faoliyatining shakllanishi fan asoslarini o'zlashtirishning negizi emas, balki shaxsning ijtimoy – madaniy qadriyatlarini egallash jarayonidir. Mazkur nazariya asosida o'quv vaziyatini talaba shaxsining rivojlanishidagi «Yaqin kamolot zonasi»nigina emas, balki «Perseptiv rivojlanish zonasi»ni ham yaratadigan tarzda loyixalash mumkin.

V.Y.Lyaudis o'quv vaziyati tarkibidagi 4 ta o'zgaruvchan holatni ko'rsatadi:

1. Tashkiliy o'quv jarayonining mazmuni;
2. Ta'lim mazmuni va o'quv faoliti usullarini o'zlashtirish. bir bosqichdan boshqasiga o'tish tartibi;
3. Talaba bilan o'qituvchining o'zaro ta'siri va hamkorlik tizimi;
4. Ta'limdagi o'zgaruvchan omillarning o'zaro aloqasi takomillashuvi.

Hamkorlikdagi faoliyat usullari birgalikda xatti-harakatlar shaklida namoyon bo'lib, unga muloqot davrlari singari mazkur faoliyatning oddiy birliklari deb qarash mumkin. Birlikdagi harakat davri quyidagicha almashinuvni o'z ichiga oladi: o'qituvchi harakatni boshlaydi, talaba uni davom ettiradi yoki tugallaydi.

Hamkorlikdagi faoliyatning xususiyatlarini o'rganish va tajribalarda sinab ko'rishning asosiy maqsadi talabalarning bilimlarini o'zlashtirishdagi qiyinchiliklarning sabablarini aniqlash va ta'lim jarayonida bilimlarni o'zlashtirish samaradorligini oshirishning asosiy omillarini aniqlashdan iborat.

## ЁШЛАРДА МУСТАҲКАМ ЭЪТИҚОДНИ ТАРБИЯЛАШ

*З.ЭСОНОВА, М.ДЖЎРАЕВА, А.АЗИМОВА – АДУ*

Улкан ислоҳотлар амалга оширилаётган юртимизда ўз эътиқодига суянган, танлаган йўлидан қайтмайдиган, ватан шаънини ҳар нарсадан устун деб биладиган ёшларнинг бўлиши давр талабидир. Чунки, мустаҳкам эътиқодга ва мустақил фикрга эга бўлган ёшларгина юртимиз фаровонлигини юксакларга

интилишларини инобатга олган ҳолда илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш, маънавиятини юксалтириш ҳамда касбга йўналтиришда «устоз-шогирд» анъаналаридан фойдаланиш эҳтиёжга айланиб бормоқда.

**«Устоз-шогирд» анъаналари** – ёшларда касбий маҳоратни тарбиялаш, маънавий-маърифий салоҳиятини ошириш, изланиш, ижод қилиш, бир сўз билан айтганда ҳар томонлама етук шахсни шакллантиришда ўзига хос тарбиявий таъсир кўрсатиш мавжудлиги билан катта аҳамият касб этади. Яна бир характерли жиҳати шундаки, унда талабанинг ўз имкониятларига ишонч, вазиятни тўғри баҳолаш ҳамда иродавий сифатлар шаклланади, қолаверса талабанинг ижтимоий фаоллиги устозлар назоратида бўлади.

**Устознинг энг буюк бурчи** – юрт равнақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўша оладиган, ақл-идрокли, фаҳм-фаросатли ва қобилиятли шогирдлар тайёрлашдан иборат. Устоз яхши шогирд тайёрлаш учун аввало унинг ўзи касбий салоҳиятли, маънавий баркамол, кенг дунёқараш ва соғлом фикрга эга бўлмоғи лозим.

Қадимдан «устоз-шогирд»лик анъаналарида устоз нафақат шогирдига йўл-йўриқ, кўрсатма берибгина қолмай, ўз навбатида уларни мустақил фаолиятга тайёрлаган ҳамда ўзидан кейин иш-тажрибаси, билим ва маҳоратни авлоддан-авлодга ўтишига имконият яратган.

**«Устоз-шогирд» муносабатлари муайян дастур, режа асосида олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Бу борада шогирд билан олиб бориладиган иш шаклларида устоз қуйидагиларга риоя қилиши лозим:**

– шогирдга тарбиявий таъсир кўрсатишда замон талабларига, жамият қонун-қоидаларига мос билимлар билан қуроллантириш;

– ягона мақсад сари интилишга, ишнинг натижасини кўра билишга ўргатиш;

– шогирднинг руҳияти, маънавиятига ижобий таъсир кўрсата олиш ва ўз ўрнида талабчан бўлиш;

– ўз-ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қилишга одатлантириш;

– муваффақиятни кўзлаган ҳолда олға одимлаш;

– ижобий қайтувчан алоқани ўрнатиш;

– тарбияда турли хил усуллардан фойдаланишга эътибор қаратиш;

– тарбия жараёнида устознинг ҳар томонлама: маънавий, ахлоқий, касбий жиҳатдан намуна бўлиши;

– бурч, масъулият, жавобгарлик ҳиссини шакллантириб бориш ва ҳоказо.

**Устоз-шогирд анъаналарида қуйидаги педагогик тамойиллар муҳим ўрин тутади:**

– **онглилик ва фаоллик**, яъни эгаллаётган у ёки бу фаолиятнинг ўзига хос жиҳатлари, моҳиятини онгли тарзда тўлиқ англаб етиш, унинг истиқболи ва равнақида фаоллик билан ҳаракат қилиш;

– илм-фаннинг сир-асрорларини эгаллашда **пухталик**;

– таълим-тарбиянинг **турмуш, ҳаёт билан чамбарчас боғлиқлигини** инобатга олиш;

– мустақилликка, ижодий изланишга йўналтириб боришда **назарий билимларнинг амалиёт билан боғлиқлигини** ҳисобга олиш;

– ўқитиш, тарбиялаш мазмуни ва шогирдлик босқичлари **изчиллик** билан белгилаб қўйилган аниқ мантиқий тартибга эга бўлиши;



– шогирднинг **ёш ва ўзига хос хусусиятларини** ҳисобга олиш;

Демак, олий таълим тизимида «устоз-шогирд» анъаналаридан фойдаланиш кўзланган самарани беради. Педагогик таълимот ғояларига кўра амалий кўникма ва малакалар бевосита машқлантириш, яъни муайян фаолиятни амалда бевосита бажариш орқали шаклланади. «Устоз-шогирд» анъанаси эса талаба-ёшларда бевосита ишлаш, уларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда ёндашиш, мавжуд иқтидорларининг янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитни яратиши билан аҳамиятлидир. Бу каби ҳолатлар ёшларни нафақат меҳнат ва ишлаб чиқариш фаолиятига масъулият билан ёндашиш, балки ўзгалар меҳнатини қадрлаш, ҳалол меҳнат қилиш, меҳнат самарадорлигидан ғурурланиш каби маънавий-ахлоқий сифатларни ҳам тарбиялайди. Фарзанд тарбиясида шарқона, қадимий аждодлар урф-одатлари, анъаналари, ахлоқ-одоб қоидаларига амал қилишда халқимизнинг миллий тарбия тизимидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор бериш ва бу борада устозлар ўз кучи, ақл-заковатини аямасликлари лозим. Юқоридаги фикрлардан кўринадики, ҳозирги даврда келажак авлодининг ватан равнақи сари ишонч билан онгли ривожланиб боришида уларнинг маънавияти, миллий ўзлигини англаб бориши кечиктириб бўлмас вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Миллий тарбия халқ номи ва унинг тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Ўтмиш маданий, миллий мерос ва анъаналар ёшлар тарбияси учун муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Бу борада таълим муассасаларида миллий тарбияни самарали ташкил этишда «Устоз-шогирд» анъаналари муҳим саналади.

# TALABA QIZLARDA LIDERLIK SIFATINI SHAKLLANTIRISHDA MA'NAVIY-MA'RIFIY ISHLARNING ROLI

*P.f.n. A.M.NEGMATOVA, M.A.G'OZIYEVA – ADU*

***Farzandlarimiz bilan hamfikr bo'lib, ularning fe'l-atvori va qobiliyatini boricha qabul qilish va kurtak yozayotgan iste'dodini shakllantirishimiz kerak.***

***I.A.Karimov***

Mamlakatning kelajagi uning qurolli kuchlari, zavod-fabrikalari va ishchilar soni bilan emas, balki maktab partalarida o'tirgan bolalarning nimani qanday o'rganayotgani bilan o'lchanadi. Shunday ekan o'qituvchilarni davlatimiz yaratib qo'ygan imkoniyatlardan foydalanib, dars sifatini ko'tarish yo'lida fidokorona mehnatga chorlashimiz kerak. Bunga javoban esa yoshlarimiz olgan bilimlarini puxta egallab, ular ustida qayta ishlab mustahkamlasa, albatta, o'zlari tanlagan oliygohlarda davlat granti asosida tahsil olishlari mumkin.

Ayni kunda talabalar Prezidentimiz tashabbuslari hamda «Ta'lim to'g'risida»gi Qonun, «Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi»da belgilangan imkoniyatlardan foydalanib bilim olmoqdalar. Ta'lim berish jarayonida ustoz murabbiylar interaktiv metodlardan unumli foydalanmoqdalar. Bu esa talabalarda o'z bilim, ko'nikma va malakalariga befarq bo'lmaslik, o'z ustida individual ishlash, mustaqil fikrlash, jamoa bo'lib faoliyat

yuritish ko'nikmalarini vujudga keltirishda asosiy omil bo'lib xizmat qilmoqda.

Mazkur xatti-harakatlar talabalardagi liderlik sifatini shakllantirishga xizmat qilib, ular qator metodlarda o'z ifodasini topmoqda: ya'ni «Tengdosh - tengdoshga» usuli fikrimizning yorqin dalilidir. Bunda tengdoshlar nafaqat bo'sh o'zlashtiradigan o'quvchilarga ijobiy ta'sir etadi, balki a'lochi o'quvchilarning bilimini yana-da, mustahkamlashga imkon yaratadi. Iqtidorli talabalarimizni o'quv faoliyatlarini, guruhdagi tengdoshlari bilan fikr almashishlari, o'zaro muloqotlar, guruh ichida o'quv mashg'ulotini ixtiyoriy olib borish ularning liderlik sifatini shakllantirib boradi. Talabalarni liderlik sifatini shakllantirishda ma'naviy-ma'rifiy tadbir va ishlarning roli beqiyosdir. Tahsil davomida turli tadbirlarda qatnashishlari, Navoiyxonlik va Boburxonlik kechalarida g'azalxonlik qilishlari, Navro'z bayrami tadbirlaridagi ishtiroklari talabalarni liderlik sifatini namoyon qilishlariga imkon yaratadi.

Lider talabalar guruh ichida tashabbuskorlik bilan turli xil tadbirlarda bosh bo'ladilar, nafaqat o'zi, balki butun guruhni shu tadbirga jalb eta oladilar. Sport musobaqalari, «Fond forum» va «Mehr nuri» jamg'armasi tomonidan tashkil qilingan tanlovlar, seminar-treninglar va konferensiyalarni asosiy ishtirokchilaridan hisoblanadilar. Ular kamolat yoshlar ijtimoiy harakatining faol a'zolaridir. Lider talabalar boshchiligida o'tkaziladigan ko'rik tanlovlar va barcha tadbirlar ko'tarinki kayfiyatda o'tadi. Ustoz va murabbiylar ham guruh lider talabalari bilan nafaqat dars davomida, balki darsdan tashqari vaqtlarda ham individual shug'ullanishlari, turli to'garaklarda faoliyat yuritishlari bugungi kunda o'zining yuqori samarasini bermoqda.

«Yosh pedagog», «Yosh psixolog», «Mohir qo'llar» to'garaklari va boshqa ko'plab to'garaklar shularga misol bo'la oladi. Talabalarda liderlik sifatlarini shakllantirishda quyidagilarni amalga oshirish maqsadga muvofiqdir. Jumladan:

- Talabalar o'rtasida turli tadbirlar, seminar-treninglarni o'tkazish sonini yana-da oshirish;
- O'quv mashg'ulotlarida erkin fikrlilikni bosh maqsad qilib olish va unga erishish;
- Haftada bir yoki ikki marotaba o'quv faoliyatini amaliyot bilan bog'lagan holda tashkillashtirish;
- Talabalar olgan nazariy bilimlarni amaliyotda qo'llay olishlari uchun ma'muriyat tomonidan imkoniyat yaratish;
- Tashkil etilayotgan ma'naviy-ma'rifiy tadbirlarni tashkil qilish va o'tkazish imkoniyatini to'laqonli talabani o'ziga berish;
- Talabalarda tashabbuskorlik motivlarini vujudga keltirish va tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash;
- So'zlash, namoish qilish, turli chiqishlarda demokratik tamoyillarga asoslangan holda plyuralizmga, xurfiklilikka imkoniyat yaratish maqsadga muvofiqdir.



## МУНДАРИЖА


**XXI аср – юксак маънавиятли, интеллектуал ёшлар асри** *М.Қуронов, З.Азимова* .......... 3

**Олий таълим муассасаларида замонавий тарбия тизимини ташкил этиш ва бошқариш** *Т.Мадумаров* .......... 8

**Маънавий огохликка даъват** *Ш.Тўраев* .......... 10

**Маънавиятга таҳдид – келажакка таҳдид** *А.Собиров* .......... 12

**Олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларнинг ижтимоий-сиёсий асослари** *З.Азимова* .......... 14

**Axborot xuruji va uning oqibatlari** *A. Abdusalimov* .......... 18

**Ўқувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш жараёнида ўқитувчи фаолияти диагностикаси** *И.Охунов, И.Окхунов* .......... 20

**Олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар** *Т.Матибаев* .......... 21

**Миллатлараро тотувлик ғоясини ёшлар онгига сингдириш** *М. Ходжиева* .......... 25

**Глобаллашув жараёни ва бегоналашув тушунчасининг ижтимоий – фалсафий моҳияти** *С.Жабборова* .......... 27

**Ёшларда миллий менталитетга ёт «демократия экспорти»га қарши иммунитетни шакллантириш** *О.Х.Базаров* .......... 30

**Tasviriy san'at darslarida ijodiy ishlar tahlili va tarbiyaviy ahamiyati** *B.O'.Qo'chqorov, A.O.Mahmudov* .......... 34

**Tasviriy san'at darslarini tashkil qilish va o'qitishda ma'naviy tarbiyani shakllantirish** *A.O.Mahmudov, G.B.O'lmasova* .......... 36

**Талаба-ёшлар онгига миллий ғояни таълимдан ташқари жараёнларда сингдириш усуллари** *М.Раджабов* .......... 38

**Миллий ғоя кучли фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим омили** *О.Ходжаев* .......... 41

**Миллий-маданий марказлар – халқлар маънавий яқинлигининг манбаи** *С.Ерматов* .......... 43

**Oliy ta'lim muassasalarida I.A.Karimovning «Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch» asari o'qitilishining asoslari va uning yoshlar tarbiyasidagi ahamiyati** *F.Mirsoliyeva* .......... 45

**I.A.Karimovning «Yuksak ma'naviyat -yengilmas kuch» asari o'qitilishining yoshlar tarbiyasidagi ahamiyati** *M.Sattarova* .......... 47

**Талаба-қизлар ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва ахлоқий тарбия ишлари самарадорлигини ошириш омиллари** *Н.Жўраева* .......... 49

**Yoshlar ma'naviy-axloqiy tarbiyasi** O'.*Suyarov* .......... 53

**Ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобининг аҳамияти** *Қ. Бегниязова* .......... 55

**«Юксак маънавият енгилмас куч» асарида ёшлар тарбияси ҳақидаги фикрлар** *З.Ўтанова, М. Бадалова* .......... 57

**Жамиятни модернизациялаш жараёнида маънавият соҳасидаги сиёсатнинг аҳамияти** *Х.Очилов* .......... 58

**Талабаларга миллий-маънавий тарбия беришда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш** *Х.А.Тўрақулов* .......... 60

Таълим жараёнида тил бирликларини ўзлаштириш омиллари *Ҳ.Боқиева* ... 62
Ташкилотчилик сифатлари маънавий-ахлоқий тарбия негизи *Ф.М. Комилова* ... 64
Глобаллашув жараёнида ахборот таҳдидларидан маънавий - психологик хавфсизлик *О.Мухторов* ... 66
Маънавий баркамол авлоднинг хукукий тарбиясини такомиллаштириш муаммолари *А.А.Исаев* ... 68
Юксак салоҳиятли авлодни тарбиялаб етказишда миллий ғоянинг роли *К.А. Юнусов* ... 70
Талабанинг олий ўқув юртидаги қадриятларга мосланишининг психологик хусусиятлари *Х.Р.Хайдарова, О.Пўлатова* ... 73
Талабаларни маънавий – ахлоқий тарбиялашнинг педагогик асослари *С.С.Абдукаримова, М.И. Искандарова* ... 75
Соғлом авлодни шакллантиришнинг ижтимоий иктисодий асослари *М.М Дадажонова, Д.С.Раҳмонова* ... 77
Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда жамоатчилик назоратининг ўрни *Т.У. Яздонов* ... 79
Ўсмир йигитларни ижтимоий мустақил хаётга тайёрлашда маҳалланинг ўрни *О. Мухторов, Ш. Мухторова* ... 81
«Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарида ёшлар тарбияси ҳақида фикрлар ва уларнинг таҳлили *Б. Ботирова, Н.Нурматова* ... 84
Касб -ҳунар коллежи ўқувчилари касбий фаолиятини шакллантиришда мустақил соғлом фикр *Б.М. Раҳмонов, Ж.Б.Мирзаев* ... 87
Табиий фан ва илмий-оммабоп китоб, журналларнинг касб -ҳунар коллежи ўқувчилари ҳаётидаги роли *Б.М.Раҳмонов, С.Ш.Азизова* ... 89
Ижтимоий муҳитни соғломлаштириш вояга етмаганларда хулқ оғишини олдини олиш омили сифатида *И.М. Саттарова, Ш.Турдиева, М.Д.Собиржонова* ... 92
Ахборот хавфсизлиги ва фуқаролар позицияси *Ж.Очилов* ... 94
Маънавиятнинг улуғворлиги *Н.Хушвақова, А.Маматқулов* ... 97
Президент Ислом Каримов ибрат ҳақида *М.П.Юнусова, Х.Ғозибоев, Д.Ғоффорова* ... 98
Меҳнат ва касб таълими йўналиши талабаларини миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш имкониятлари *А.А.Запаров, А.Юнусов, А.А.Зафаров, М.Ўринбоева* ... 102
Давлат ва жамият ривожланишида таълим тизимидаги устувор вазифалар ва таълим жараёнидаги фаоллик *Ж.Шоназаров, Ҳ.Эргашева* ... 104
Соғлом авлод – жамият тараққиётининг пойдеворидир *М.Дадажонова, Ф. Жалолов, Х.Сайфутдинов* ... 107
Оила ва жамиятда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш даир талаби *С.С.Абдукаримова* ... 111
Талабаларга маънавий-ахлоқий тарбия беришнинг тарихий асослари *И.Х.Тўрақулова* ... 115
Ёшлар маънавиятида оиладаги муаммоли вазиятларга муносабат ҳиссини шакллантириш *М.Абдуллаева, М.Артикова, М.Турсунова* ... 116



Диний маросимлар ва урф-одатларнинг кишиларни эзгулик руҳида тарбиялашдаги роли *Р.М. Юсупов, Н.Р. Исроилов* ... 119
Талабаларга маънавий-ахлоқий тарбия беришни такомиллаштириш *Д.Р. Фарсахонова* ... 121
Ахборотлашув жараёнининг тиғизлашуви – маънавий-маърифий тизимни такомиллаштириш омили *Г. Аҳмадбек қизи* ... 123
Маънавий-маърифий тизимни такомиллаштиришда ижтимоий-фалсафий фанлар ролини кучайтириш муаммолари *А.Бобоев, Т.Саидмуродова* ... 125
Нодавлат матбуот нашрларининг ёшлар маданий-маънавий ҳаётига таъсири *Ф.Т.Тўраева* ... 127
Баркамол авлод тарбияси ва камолотида маънавиятнинг ўрни *Ф.Маматқулов* ... 130
Олий таълимда маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этиш омиллари *А.Р.Баҳриев, Н.А.Баҳриева* ... 132
Ўзбек оиласининг этнопсихологик хусусиятлари *М.Н.Усманова, Д.Б.Раҳмонова* ... 134
Barkamol avlodni tarbiyalashda ijtimoiy pedagogika fanining tutgan o'rni *I.Oxunov* ... 137
Талаба ёшларни баркамол шахс қилиб тарбиялаш *Н.Х.Кушвақтов, М.Р. Исақулов* ... 139
Талабаларни юксак маънавиятли қилиб тарбиялаш воситасида ижодий фаолиятга тайёрлаш мазмуни *Ў.Н.Фармонов* ... 140
Оилавий хаёт ва ёшлар тарбиясида маҳалла тизимининг ўрни ва аҳамияти *М.М. Дадажонова, Д. С. Раҳмонова, О. Х. Пўлатова* ... 142
Бўлажак мутахассислар маънавий дунёқарашини бойитишда таълимий қадриятларнинг ўрни *Д.А.Алибеков, Ҳ.М.Содиқов* ... 146
Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида китобида» мустақиллик ғояси масалалари талқини *Т.Абдуллаев, А.Махсуталиев, Б.Мўминов* ... 148
Ёшларда ватанпарварлик, ҳалоллик туйғуларини тарбиялашнинг долзарб масалалари *М.Тўлапов, М.Акрамов* ... 151
Ёшларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашнинг шакл ва воситалари *А.Махсуталиев, О.Тўйчибоева, Н.Исроилов* ... 154
Миллий ғоя тарғиботининг педагогик хусусиятлари *Н.У.Усмонов* ... 156
Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини Миллий ғоя тарғиботига тайёрлаш *Н.У.Усмонов* ... 158
Миллий истиқлол ва жамиятнинг маънавий янгиланиши *А.М.Саттаров, Д.Т. Исанова* ... 161
Маънавий комиллик ва инсон қалбига йўл *А.Саттаров, Д.Исанова, Б.Ботирова* ... 163
Бўлажак офицерларнинг маънавий тарбиясида халк қахрамонларининг жасорати намуна сифатида *Б.А.Гайбуллаев* ... 165
Фуқаролик жамиятини шакллантиришда шахс сиёсий маданиятининг аҳамияти *Ғ.Қ.Ўсаров* ... 166
Особенности семейного воспитания *Л.Н.Адылгёзалова, Н.М. Саттарова, А.Адылгёзалов* ... 168

**Формирование личности — важнейшая задача высшей школы** *Д.Ж.Сафаязова* ..... 170
**Значения гибкости в творчестве режиссёра и актёра** *Н.Батырова* ..... 172
**Взаимодействия профилактических служб с органами самоуправления в противодействие незаконного оборота пиротехнических изделий** *А.А.Исаев, С.А.Исаев* ..... 173
**Аспекты взаимосвязи духовности и правовой культуры** *И.А.Исаева* ..... 176
**О некоторых аспектах предупреждения оперативными аппаратами овд уклонения лиц от следствия и суда** *С. Н.Гордеев, А.А.Исаев* ..... 178
**Педагогические основы формирования здорового сознания у молодежи** *С.О.Атаханова* ..... 180
**Оилада ёшларга урф-одатларни сингдириш воситалари** *К.Юлдашев* ..... 183
**Болаларни шахс сифатида шаклланишига мухитнинг таъсири** *К.Г.Юлдошев, Л.Даминова, Н.Тошпемирова* ..... 186
**Мустақиллик тарихи бўйича ишончли манба** *О.Абдуқаддоров* ..... 188
**Oliy ta'lim muassasalarida I.A.Karimovning «O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida» asari o'qitilishinig asoslari va uning yoshlar tarbiyasidagi ahamiyati** *F.X.Mirzoliyeva* ..... 191
**Маънавиятни шакллантиришда педагогнинг ўрни** *У.Д. Муродова* ..... 193
**Болаларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда оила билан ишлаш** *И.М.Саттарова, Ш.Турдиева, З.Адизўзалова* ..... 194
**Таълим-тарбияда гендер муносабатларини намоён бўлиши** *М.А.Абдувахобова* ..... 197
**Ўсмир ёшдаги ўқувчилар ижтимоийлашуви** *К.Турсунбоев, Тешабоев, М.Зулунов* ..... 200
**Маънавият – талабалар касбий – маънавий қобилиятини шакллантириш омили** *И.М.Саттарова, Л.Н.Адизёзалова* ..... 204
**Воспитание духовного облика нового гражданина республики** *Р.С.Янкина* ..... 206
**Формирование нравственной культуры учителя как проблема междисциплинарного исследования** *З.М. Насырова* ..... 209
**Ўқувчилар луғат бойлигини оширишда президент асарларидан фойдаланиш** *С.Исмоилова* ..... 211
**Маънавий баркамол авлодни тарбиялаш – тараққиёт мезони** *Л. Жалолова, Ш. Хасанов* ..... 214
**Она тили дарсларида ўқувчиларга маънавият масалаларини сингдириш** *С.Жалилова* ..... 216
**Тил – маънавият кўзгуси** *Л.Жалолова, Ш.Ҳасанов* ..... 217
**Юксак маънавиятли шахс тарбияси миллий тарбия вазифаси сифатида** *Ш.Ж.Юсупова* ..... 219
**Болаларда диккат баркарорлигини шакллантиришнинг ахлоқий-тарбиявий ахамияти** *М.Қувваталиев* ..... 221
**Жамоада ўқувчилар фаоллигини ривожлантириш** *Ф.Маматкаримова* ..... 224
**Ўқувчиларни касбга йўналтиришнинг ижтимоий маънавий мазмуни** *Б.Ўрунбоева* ..... 226
**Ўқувчиларда ахлоқий сифатларни шакллантириш ва эсда олиб қолиш жараёнининг психологик хусусиятлари** *М.Халимова.Б. Якубова* ..... 228



**Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари** *В.Г.Абдурахмонов, М.З.Муталибхонова* ..... 231
**Талабаларни ишга жойлаштиришга кўмаклашишнинг самарали йўллари** *В.Г.Абдурахмонов, Ф. Кувватова* ..... 235
**Talabalar turar joylarida o'tkaziladigan ma'naviy–ma'rifiy tadbirlarning talaba qizlarni oilaga tayyorlashdagi roli** *A. Negmatova, D.Mirzajonova* ..... 238
**O'qituvchi va talaba hamkorligi – ta'lim samaradorligining muxim omili** *F.Saidova, D.Abdujalilova* ..... 240
**Ёшларда мустаҳкам эътиқодни тарбиялаш** *З.Эсонова, М. Джўраева, А.Азимова* ..... 241
**Олий таълим тизимида «устоз-шогирд» анъаналаридан фойдаланишнинг ўзига хослиги** *М.Арипова, Н.Абдуллаева* ..... 243
**Talaba qizlarda liderlik sifatini shakllantirishda ma'naviy-ma'rifiy ishlarning roli** *A.M.Negmatova, M.A.G'oziyeva* ..... 245

**МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**
**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

# «ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР ТИЗИМИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ»

***мавзуидаги Республика илмий-назарий конференцияси***

*«Сано-стандарт» Тошкент, 2012*


Нашр учун масъул *М.Умирова*
Муҳаррир А.Тилавов
Техник муҳарир *М.Қосимова*
Бадиий мухаррир *И.Захидова*

Нашр.лиц. № AI 177, 03.01.2011.
Теришга 14.08.2012 йилда берилди. Босишга 21.11.2012 йилда рухсат этилди.
Бичими: 60x84 1/16. Офсет босма. Таймс гарнитураси. Шартли б.т. 14,88.
Нашр б.т. 22,37. Адади: 3000. Буюртма №1488.
Баҳоси шартнома асосида.

«Сано-стандарт» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Сано-стандарт» МЧЖ босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.
Телефон: (371) 228-07-94, факс: (371) 228-07-95